



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



1 июнь – Халқаро болаларни
қимоя қилиш кунин!

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Болалик инсон ҳаётининг безубор, ажойиб ва гўзал палласи бўлиш баробарида шахс камолотидаги муҳим босқич ҳамдир. Айнан мана шу даврда бўлгуси шахс жамият билан тўлақонли муносабат ўрнатишга тайёргарлик кўради. Шу сабабдан ҳам мамлакатимизда ушбу йўналишда қилинган ишлар эътиборга молик. Биргина мактабгача таълим йўналишини олсак, охириги 7 йилда боғчаларга қамров 27 фоиздан 74 фоизга етказилди. Янги мактаблар қурилиши ҳисобига қўшимча 700 мингта ўқувчи ўрни яратилди.

Бугун болалар билан боғлиқ вазиятни ҳамма мамлакатларда ҳам унча яхши деб бўлмайди. БМТ маълумотиغا кўра, қарийб 150 миллиондан ортиқ бола, яъни беш ёшдан ошган ҳар ўн боладан бири меҳнатга жалб қилинмоқда. 100 миллион бола таълим олиш имкониятидан маҳрум. Миллионлаб ўғил-қиз уй-жойига ва тўғри овқатланиш имкониятига эга эмас. 300 мингдан ортиқ бола курол билан урушларда қатнашишга мажбур. Энг камбағал 15 давлатда 260 минг норасида тўйиб овқатланмаслик ва иммунитет заифлашуви оқибатидан азият чекмоқда.

Шунинг учун болалар ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга қақирик сифатида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни гоёси ниҳоятда долзарбдир. Ўзбекистон 1992 йил 9 декабрда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилган. Ўтган йилларда мамлакатимиз конвенцияга мувофиқ қабул қилинган мажбуриятларига содиқлигини намоён қилиб келмоқда.

Бугунга қадар ушбу конвенция бажарилиши юзасидан БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига 5 та даврий ҳисобот тақдим этган. Мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ислохотлар жадаллашганини алоҳида эътироф этиш керак. Бу жараёнда конституциявий ислохотлар доирасида Конституцияга бола ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолатларини кучайтиришга қаратилган илғор янги нормалар киритилгани, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида боб бағишлангани муҳим аҳамият касб этади.

Янги таҳрирдаги Асосий қонунимизда бола манфаатларини таъминлашнинг устуворлиги тамойили конституциявий асосда мустаҳкамланди.

Жумладан: биринчидан, ота-оналар ва улар ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга еттунига қадар боқиши, тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбур; иккинчидан, давлат ва

жамият етим ҳамда ота-онаси васийлигидан маҳрум болаларни боқиш, тарбиялаш, таълим олиши ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди; учинчидан, фарзандлар ота-онасининг насл насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар қонун олдида тенгдир; тўртинчидан, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароит яратиш давлатнинг мажбуриятидир; бешинчидан, оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади; олтинчидан, давлат ва жамият болаларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, мамлакатни ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланиш, ватанпарварлик ва ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Конституция қоидалари болалар ҳуқуқ ва манфаатини тўлақонли таъминлашга қаратилган кенг миқёсли ислохотларни рўёбга чиқариш асосларини кучайтирди. Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлашга доир 50 га яқин қонун ва қонуности ҳужжат қабул қилинди. Кўплаб амалий ишлар бажарилди.

Жумладан, 2024-йилда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Оила кодекси, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, бола манфаатига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида унинг сўзлаш ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Бола манфаатига тааллуқли масалани ҳал қилишда қарор қабул қилувчи орган ва мансабдор шахс боланинг фикрини инобатга олиши, ёшидан қатъи назар, унинг манфаатлари устуворлиги принциpidан келиб чиқиб, қарор қабул қилишга мажбур экани белгиланди.

Шунингдек, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунга киритилган меъёрга мувофиқ, бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, давлат органларига мустақил мурожаат қилишга ҳақли. Бунда ваколатли органлар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал этишда устувор аҳамият қаратади.

Бехзод АБДУРАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар судининг
иқтисодий ишлар бўйича судьяси,
Зилола РАХМАНОВА,
Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси.



БОЛАЛАР ТАРБИЯСИГА ҲАММАМИЗ МАСЪУЛМИЗ!

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни бутун дунё болалари учун энг қувончли байрам бўлса керак. Болалар ўз табассумлари орқали инсонлар қалбида ҳаётга, яшашга бўлган қизиқишни уйғотади. Кўзларида эзгулик ва меҳр қалқиб турган болажонларни мусаффо осмонда эркин парвоз этаётган қалдирғочга менгзаш мумкин.

Болалар бизнинг келажагимиз экан биз ота-оналарнинг бугун олдимиздаги энг асосий вазифамиз маънавияти юксак авлодни тарбиялаш бўлиши керак. Бу қайси касб, қайси ёшда эканимиздан қатъи назар, мамлакат тақдирига масъуллигимизни яна бир бор чуқур англаш дегани. Юртимиз тақдири эса биз тарбиялаётган фарзандлар қўлида. Хўш, комил инсон ёки биз орзу қилаётган фарзандлар тарбияси учун бугун нималар қилишимиз, нималарга эътибор беришимиз керак?


Шу ўринда бир маълумот ёдимга тушди. 1978-йили Ўзбекистонда ажралиш кўрсаткичи жуда пастлигига ажабланган олимлар ўзбек оилаларидаги барқарорлик сабаблари бўйича тадқиқот ўтказган. Хулоса бундай бўлибди: ўзбеклар фарзандини миллий қадриятлар ва оилага ҳурмат руҳида, одоб-ахлоқли қилиб тарбиялаш орқали ажралишларнинг олдини оларкан.

Луқмони ҳакимдан “Насиҳатларингизнинг кўпини ёшларга қаратасиз, аммо ёши каттароқларга камроқ насиҳат қиласиз, бунинг сабабини билсак бўладими?” дея сўрашганида у: “Боғбон ерни юмшатиб, кўчат ўтқазиб, атрофини хас-хашакдан, зарарли ёввойи ўтлардан тозалаб, керак вақтда сув билан ўғит бериб турса, дарахт тезда етилади, серҳосил бўлади. Бола ҳам ёшлигидан яхшилаб тарбия қилинса, гўзал ахлоқли, одобли этиб ўстирилса, нафақат ўзига, ота-онасига бахт-саодат келтиради, жамият учун фойдали, керакли инсон бўлиб етишади”, деган экан.

Хўш, бугун бу борадаги аҳвол қандай? Кўпчилик, айниқса, ёшлар интернетни китобдан афзал билипти. “Икки ёшли болам телефоннинг бошидан кириб, охиридан чиқади”, деб мақтанамиз. Сал хархаша қилса, жим бўлсин, деб қўлига телефон тутқазиб, ўзимиз ҳам телефонимизга ёпишамиз. Компьютер олдида тонгдан тунгача ўтириб, ранги сомондек сарғайиб, асабий бўлиб қолган фарзандимиз билан ишимиз йўқ. Қўлига телефонни тутқазиб, қандай фойдаланаётганини назорат қилмаймиз. Соатлаб шу матоҳга ўзимиз ҳам ёпишиб қоламиз. Оилада ҳеч ким бир-бирига халал бермаса бўлди, қолгани билан на отанинг, на онанинг иши бор.

Ҳар қандай янгиликнинг ўзига яраша салбий томони ҳам бўлганидек, замонавий аҳборот воситасининг ёмон оқибатлари ҳам аллақачон натижасини кўрсатяпти. Оилалар бузилаётгани, жиноятлар келиб чиқишига ҳам телефон сабаб бўлаётгани бор гап.

Оила даврасида ўтирар эканмиз қайси китобни фарзандимиз билан ўқиймиз, қайси кўрсатув ёки кинони оила билан томоша қиламиз — ҳаммасини обдан ўйлаб кўришимиз керак. Ҳали-ҳануз эсимда,



ёшлигимизда ўқиган китобларимизгача ота-онамиз, муаллим, кутубхоначилар назорат қилган. Улар ёшимизга қараб китоб танлаб, қўлимизга тутқазган. Бугун болаларимизни ота-она, муаллим эмас, интернет тарбияляпти. Диктант олсангиз, гиж-гиж хато ёздингиз, адабий тилнинг энг содда қодаларини ҳам билмайдиганлар кўпайиб борапти. Сўзнинг масъулияти, тарбиявий аҳамияти бор, ахир. Ҳақиқатан, интернетга муккасидан кетган баъзи болаларимиз бугун яхши-ёмонни фарқлай олмаяпти. Миллий қадриятларимиздаги каттага ҳурмат, кичикка иззат тушунчасини билмаяпти.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Уят” номли ҳикояси бор. Ёзувчи бундай дейди: “Уят фақат инсонга хос туйғудир. Ҳайвон уят пайдо қилолмагани учун инсонга яқинлашолмайди, лекин инсон уятини йўқотиб, ҳайвонга яқинлашиб қолиши мумкин”. Шундай экан фарзандларимизни уятсиз бўлиб қолишидан ҳимоя қилишимиз керак. Бунинг учун ҳар биримиз тарбия, одоб-ахлоқ борасида масъулиятли бўлишимиз, масалага “менга нима” деб эмас, ҳаётимиз, келажагимиз мазмуни деб, юрак-юрақдан, вужудимиз билан ёндашмоғимиз лозим. Ҳаммасидан ҳам аввал ахлоқимиз, одобимиз, тарбиямиз гўзал бўлишига ҳаракат қилишимиз зарур.

Қадриятларимизни ҳушёр бўлиб кўриқласакки-на, фарзандларимиз бахтли-саодатли, замонасининг етук, фидойи кишиси бўлиб вояга етади. Ёши улуг ўқитувчимизнинг сўзларини эслайман:

“Фарзандлари тарбиясига эътибор бермаган ота-она кексайганда ҳеч нарсасиз қолади”.

Биз эса болаларимиз камолини кўришни, улар биздан ҳам бахтиёр бўлишини ният қилганмиз. Шундай экан, уларни кўзимиз қароғида, қалбимиз ардоғида асрайлик, назоратсиз қолдирмайлик.

Фазлиддин ХИДИРОВ,

фуқаролик ишлари бўйича

Қумқўрғон туманлараро суди раиси.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси

Судьялар олий кенгаши,

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Убайдулла МИНГБОЕВ

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ

Дилшод АРИПОВ

Комил СИНДАРОВ

Худойкул АЗИЗОВ

Илхом НАСРИЕВ

Малика ҚАЛАНДАРОВА

Бехзод МЎМИНОВ

Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ога кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1960

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба кайд этилиши керак.

Босишга 24.06.2024 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ.

Буюртма № 3. Адади 1990.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

МУНДАРИЖА

ЖАРАЁН

6

ТИББИЙ СУФУРТАНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ
ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

9

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
БОШ ВАЗИФА

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

10

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА
ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ:
ҚОНУНЧИЛИК, АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ЕЧИМ

12

НУҚТАИ НАЗАР

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ТАМОЙИЛЛАРИ
ТУШУНЧАСИ, ВАЗИФАСИ ВА МАЗМУН-МОҲИЯТИ

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

14

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГ ЎТКАЗИШДАГИ ЎРНИ:
АМАЛДАГИ ҲОЛАТ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ

16

МУЛОҲАЗА

МАЪМУРИЙ СУДГА ТААЛУҚЛИЛИКНИНГ
АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ

18

ЎЗБЕКИСТОН ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ ПАЙДО
БЎЛИШИ ВА ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ

20

МЕНИНГ ФИКРИМ

АЛИМЕНТ ОЛИШ БОЛАЛАРНИНГ
ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ СИФАТИДА

СУДЬЯ МИНБАРИ

21

КРЕДИТ ШАРТНОМАСИДА “ҚАРЗГА
БОТМАСЛИК” ШАРТЛАРИ

22

ЯНГИ ҚОНУН — ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

24

ИНСОН ҚАДРИ ВА МАНФААТЛАРИ
УСТУВОР ВАЗИФА

25

ТАДҚИҚОТ

ИИВ ТИЗИМИДАГИ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИНИНГ ФУҚАРОВИЙ-
ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ АНИҚЛАШНИНГ
ДОКТРИНАЛ МУАММОЛАРИ

28

СУДЛАРДА МЕДИАЦИЯНИ
ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

30

АҲОЛИ ПУНКТЛАРИГА ОИД НИЗОЛИ
ИШЛАРИНИНГ СУДЛАРДА ҚЎРИЛИШИ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

32

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ

34

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ
– БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

36

МАЪМУРИЙ ЧЕКЛАШ ЧОРАЛАРИНИ
ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ВА АСОСЛАРИ

38

СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТ УЧУН
ЕНГИЛРОҚ ЖАЗО ТАЙИНЛАШ
АМАЛИЁТИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

41

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ ВА ХАЛҚАРО
ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРЛАР

42

ИЖТИМОИЙ ХАВФЛИ ҚИЛМИШ:
ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ

43

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЬЯЛАР
ЗАХИРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР

44

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА РАФБАТЛАН-
ТИРУВЧИ МЕЪЁРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

45

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА
ПСИХОТРОП МОДДАЛАРИНИНГ
НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БИЛАН
БОҒЛИҚ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

46

ОДАМ САВДОСИ ВА МАЖБУРИЙ
МЕҲНАТГА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДА
МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

47

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРИНИНГ СУДЛОВГА
ТААЛЛУҚЛИЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

48

ЧЕТ ДАВЛАТ СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАН ОЛИНИШИ:
ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР МИСОЛИДА

50

ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОИЙЛИГИНИ
ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАРИНИНГ
ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ НАЗАРИЯСИДАГИ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

52

СЕРВИТУТ – ПОЛЬЗОВАНИЕ ЧУЖИМ
ЗЕМЕЛЬНЫМ УЧАСТКОМ

54

ЖИЗНЬ И ЗАКОН

ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ИНФОРМАЦИИ И
ИНФОРМАЦИОННЫХ УСЛУГ

НОВЫЙ ЭТАП

57

ПРОБЛЕМЫ ИМПЛЕМЕНТАЦИИ
ПОЛОЖЕНИЙ СОГЛАШЕНИЯ ТРИПС В
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН

60

ПРОЦЕСС

ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
ТЕХНОЛОГИИ БЛОКЧЕЙН
В ОБЕСПЕЧЕНИИ ПРАВ НА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНУЮ СОБСТВЕННОСТЬ

ТИББИЙ СУҒУРТАНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

тиббий хизматларни тақдим этишда тиббий муассаса, шифокор ва беморнинг ўзаро муносабатларини ташкил этиш, беморларнинг тиббий муассасада даволанишлари учун зарурий шароитни яратиш турли усулларда ташкил этилади. Ана шундай усуллардан бугунги замонавий тиббиётда энг самарали деб баҳоланаётгани тиббий суғурта ҳисобланади. Тиббий суғурта орқали суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси рўй берганида суғурталанган шахс (бемор)нинг даволаниши билан боғлиқ барча ташкилий (беморни тиббий муассасага жойлаштириш, юқори малакали шифокорлар) молиявий чораларни кўради ва бунинг натижасида суғурталанган шахс малакали ва сифатли тиббий хизматни олиш имкониятига эга бўлади.

Мақолада тиббий суғуртанинг моҳияти, унинг мазмуни ва ҳуқуқий муносабат сифатидаги ўзига хосликларини аниқлаш ҳамда шу орқали тиббий суғуртанинг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳақида мулоҳаза юритилган.

Калит сўзлар: *суғурта, соғлиқни сақлаш, суғурталовчи, суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс, тиббий суғурта муассасаси, фуқаро, суғурта компанияси, тиббий суғурта.*

Тиббий суғурта институти инсон соғлиғини таъминлашга оид ўзига хос муносабатлар тизимини вужудга келтиради ҳамда беморнинг даволаш муассасаларида кафолатланган тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлайди. Фуқаро ўз соғлиғини тиббий суғурта қилдириш орқали келгусида бетоб бўлиб қолганда даволаниш харажатларининг суғурта ташкилоти томонидан қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бундан ташқари, тиббий суғурта объекти сифатида фуқаронинг муайян муддатда ва тиббий муассаса шифокори йўланмаси билан тиббий кўриқдан ўтиши, диагностика ва тиббий маслаҳат харажатларини қоплаш ҳам назарда тутилиши мумкин. Бундай вазиятда туркум тиббий хизматларни кўрсатиш тиббий суғурта объекти ҳисобланади ва шу орқали соғлиғини тиббий суғурта қилдирган фуқарога белгиланган тартибда тиббий хизматларни кўрсатиш харажатлари суғурта ташкилоти томонидан қоплаб берилади.

Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига кўра суғурта ҳаётни суғурта қилиш ва умумий суғурта соҳаларига бўлинади. Тиббий суғурта ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли ҳисобланади. Фуқаролик кодексида ҳаётни суғурта қилиш шахсий суғурта сифатида белгиланган. Шахсий суғурта шартномасининг объекти сифатида ҳаёти ёки соғлиққа етказилган зарар назарда тутилган. Суғурталанган шахснинг ҳаётида тарафларнинг келишуви билан шартномага киритилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) рўй бериши ҳам шахсий суғурта объекти ҳисобланиши ФКнинг 921-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган.

Аммо, қонунчиликда тиббий суғуртанинг мулкий ёки шахсий суғуртадан қай бирига мансублиги, унинг объектини нима ташкил этиши борасида аниқлик йўқ. Юридик адабиётларда ҳам тиббий суғуртанинг ўрни борасида яқдил қарашлар ва тушунчалар мавжуд эмас. Бир гуруҳ олимлар тиббий суғуртани аксарият ҳолатларда жавобгарликни ва зарар хавфини суғурталаш сифатида нотўғри талқин этишади. Бошқа гуруҳ мутахассислар эса тиббий суғуртани шахсий суғурта шартномасининг тури сифатида қайд қилишади. Айрим тадқиқотчилар тиббий суғурта бевосита тиббиёт муассасасининг мажбуриятларини назарда тутуди ва бунда объект суғурталанувчининг мулкий

манфаатлари, яъни соғлиғига зарар етказилганда уни қоплаш билан боғлиқ харажатлар ҳисобланади, деган хулосага келишди. Баъзи ривожланаётган давлатларда тиббий суғурта аҳолини молиявий кўллаб-қувватлаш усули сифатида ҳам кўрилади.

Фикримизча, тиббий суғурта ижтимоий йўналтирилганлиги билан шахсий ва мулкий суғуртанинг одатдаги кўринишларидан фарқ қилади. Объекти нуқтаи назаридан тиббий суғуртани шахсий суғуртанинг бир тури сифатида талқин этиш ўринлидир. Чунки, тиббий суғуртада суғурта ҳодисаси сифатида инсоннинг соғлиғини сақлаш билан боғлиқ таомиллар: тиббий хизматлар комплекси (ташхис қўйиш, маслаҳат, даволаниш, тиббий муолажалар ва жарроҳлик) ва соғлиқни тиклаш билан боғлиқ даволаш-профилактика муолажалари киради. Бу ҳолатда шахсий суғуртадан фарқли равишда суғурталанган шахс соғлиғига етказилган зарар ёки суғурта шартномасида назарда тутилган ҳодиса рўй берганида суғурта пулини олмайди, балки тегишли тиббий муассасада бепул даволаниш ва тикланиш курсини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Тиббий суғуртанинг афзаллиги нафақат даволаниш харажатларининг қопланиши балки, тиббий муассаса, ундаги хоналар ва даволаш курслари, муолажа турларининг ҳам шартномада олдиндан белгилаб қўйилиши билан боғлиқдир. Бу ҳолатда тиббий муассаса суғурталанган шахс билан суғурта ҳодисаси рўй берганида тегишли даволаш муолажаларни ўтказишдан ташқари уни шифохонага жойлаштириш, тегишли дори-дармон ва ташхис қўйиш, тўлиқ тиббий текширувдан ўтказиш, малакали мутахассисларни жалб этиш каби комплекс ҳаракатларни амалга ошириши лозим бўлади.

Тиббий суғурта фуқаронинг соғлиғини доимий назорат қилиб бориш ва тиббий муассаса ва суғурталанган шахс ўртасидаги ўзига хос “келгусидаги тиббий хизмат учун дастлабки шартнома” вазифасини ҳам ўтайди. Шу сабабли тиббий суғурта суғурталанган шахснинг соғлиғини тиклаш ва сақлашда тиббий хизматдан суғурталовчи томонидан тўланадиган суғурта пули доирасида фойдаланишни таъминловчи механизм саналади. Бу ҳолат энг аввало суғурта қилдирувчига суғурта ҳодисаси рўй берганида, масалан, соғлиғи ёмонлашганида қутилмаган зарурий харажатлар қилишининг олдини олиш билан бирга кафолатланган тиббий хизматдан фойдаланишни тақдим этади. Тиб-

бий суғурта шартномасини тузиш учун суғурталовчи нафақат суғурта қилдирувчи билан шартномавий муносабатга киришади, балки тегишли тиббий муассаса билан ҳам шартномавий алоқаларга киришиши лозим бўлади. Бундай алоқалар суғурта ҳодисаси рўй берганида суғурталанган шахсга малакали тиббий хизматни тақдим этиш зарурияти билан боғлиқдир.

Жаҳон амалиётида тиббий суғурта суғурта хавф-хатарларидан келиб чиқиб аниқлаштирилади. Бунда тиббий суғурта; - даволаниш, профилактика, реабилитация, тиббий ва маиший парвариш каби тиббий хизмат харажатларини; - меҳнатга лаёқатсизлик оқибатида шахсий даромаднинг вақтинчалик ёки доимий йўқотилишини тўлиқ қоплайди.

Биринчи ҳолатда суғурта суғурталанган шахснинг тиббий ёрдам учун зарур бўлган харажатларини қоплайди ва ўз навбатида бу кафолат мулкӣ йўқотишларни суғурталашга тааллуқли ҳисобланади ҳамда мижозни тўсатдан вужудга келадиган харажатлардан ҳимоялайди. Иккинчи ҳолатда эса, суғурталовчи суғурталанган шахсга меҳнатга қобилиятсизлик вақти учун мулкӣ таъминотни тўлайди ҳамда бу кафолат пули суғурталашга оид саналади, чунки суғурталанган шахснинг шахсий даромадларини ҳимоя қилади.

Иқтисодий нуқтаи назардан олганда тиббий суғурта аҳолининг соғлигини сақлаш соҳасидаги ижтимоий ҳимоя шакли бўлиб, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталовчи томонидан тўпланган суғурта маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам учун кафолатланган тўловни ифодалайди. Тиббий суғурта “бепул тиббиёт” мавжуд бўлган шароитда эмас, балки пулли тиббий хизмат кўрсатишда аҳолининг тиббиётга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган ва фуқаролар соғлигини сақлашнинг реал бозор иқтисодиёти муносабатларида қўлланиладиган самарали воситадир. Тиббий суғурта хавф-хатарларни тақсимлашда ижтимоий бирдамлик тамойилига асосланади, яъни: бой камбағал учун, соғлом – касал учун, ёш – кекса учун тўлайди.

Тиббий суғуртанинг моҳиятини ифодалашда хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, тиббий суғуртанинг қонунчилик даражасида мустақамланиши ҳамда қўлланилишида ижобий тажрибага эга бўлган ҳуқуқий тизимлар тажрибасини ўрганиш суғуртанинг мазкур турини ҳуқуқий тартибга солишнинг ижобий ва самарали механизмлари ишлаб чиқиш имконини юзага келтиради.

Европа мамлакатларида соғлиқни сақлашда ижтимоий бирдамлик тамойили, АҚШда эса кучли рақобат ва индивидуаллик фалсафаси ҳукмронлиги давом этмокда. Европа мамлакатларида соғлиқни суғурталашнинг илк даври XIX – XX асрларда аҳолини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонунчилик қабул қилиниши билан боғлиқ. Ушбу мамлакатларда соғлиқни мажбурий суғурта қилишда фақат аҳолининг бой қатлами иштирок этмайди, холос. АҚШда соғлиқни суғурта қилиш – ҳар кимнинг шахсий иши (“Медикер” ва “Медикейд” давлат дастурлари бўйича хизмат кўрсатиладиган контингент бундан мустасно) ҳисобланади ва кам даромадли аҳолининг катта қисми соғлигини суғурталаш имконидан маҳрум бўлади. Касаба уюшмалари ва ижтимоий-демократик ҳаракатлар, диний ташкилотлар томонидан асосланган ижтимоий бирдамлик Европа мамлакатларида соғлиқни суғурталашнинг жадал ривожланишига ҳамда АҚШдаги тиббий суғурта кўрсаткичларидан ўсиб кетишига олиб келди. Хусусан, суғурта билан тартибга солинган соғлиқ учун

кам даромадли, сурункали ва оғир касаллар қўшимча тўловдан озод қилинади. Бунда тизим дорилар (Францияда – 95%), кўзойнак ва протезлар (80-95%), лаборатория таҳлили (80-90%) учун харажатларнинг катта қисмини тўлашни назарда тутати. Германия, Швеция, Бельгияда касалларни транспортировка қилиш (белгиланган сумма доирасида), шунингдек, уларни санаторияларда даволаш харажатлари қопланади. АҚШда базавий суғурта хизматлари узоқ йиллардан буён барқарор ўсиш суратларига эга эмас.

Европа давлатларида суғуртанинг юқори даражаси, суғурталанган шахсларга тиббий ёрдам қўламининг кенглиги, ҳукуматлар томонидан ажратилган субсидияларнинг сезиларли даражаси ва суғурта компаниялари ўртасида фондларнинг қайта тақсимланиши билан асосланади. Айни пайтда АҚШ аҳолисининг ишлайдиган қисми (65 ёшдан кичик) ҳукумат субсидияларидан тўлиқ маҳрум ҳисобланади (“Медикейд”), шунингдек, суғурта компанияларининг ўртасида аёвсиз рақобат кураши кузатилади.

Одатда соғлиқни суғурта билан тартибга солиш тизими ҳар бир суғурталанган шахсга исталган шифокор ёки шифохонага кўрсатилган тиббий хизмат учун нисбатан содда тўлов эвазига мурожаат қилиш имкониятини таъминлайди. Ўтган асрнинг 80-90-йилларида АҚШда Соғлиқни сақлаш жамиятлари шифокорларининг ёллаш тизими кенг тарқалган бўлиб, бунда бемор фақат шу шифокорларга мурожаат қилиши мумкин бўлган. Бугунги кунга келиб эса беморнинг шифокорни, даволаниш усулини, шифохонани танлаш эркинлиги даражаси анча ошганлиги қайд этилади.

Европа мамлакатларида тиббий хизматлар учун баҳони жиловлаш тизими ишлаб чиқилган. Қонун ва суғурта компаниялари ва шифокорлар ассоциациялари (баъзан тўғридан-тўғри, айрим ҳолларда ҳукумат амалдорлари иштирокида) ўртасида ўрнатилган музокаралар баҳоларни нисбатан паст даражада, айрим ҳолатларда эса инфляция даражасини инобатга олган ҳолда сақлаб туришга ёрдам беради. АҚШда баҳо ўсишини жиловлашнинг имконсизлиги ва ҳукуматнинг бу борадаги иложсизлиги қайд этилади.

Бундан кўринадики, тиббий суғурта хизматини қўллашда Европа Иттифоқи моделидан фойдаланиш, тиббий суғурта бадаллари ва шартномада назарда тутилган суғурта ҳодисаси рўй берганида кўрсатиладиган тиббий хизматлар баҳосининг юқори бўлмаслиги борасида тегишли жиловлашни амалга ошириш, бу соҳада монополияга йўл қўймаслик, тиббий суғурта доирасида малакали тиббий хизматни олиш ҳамда тегишли суғурта пулининг миқдоридан қатъий назар суғурталанган шахснинг тўлиқ тиббий хизматдан фойдаланиш ва шу орқали соғлигини тиклаш тизимини яратиш йўлини танлаш мақсадга мувофиқдир.

Тиббий суғурта муносабатларида иштирок этувчи субъектлар бўлиб, фуқаро – суғурталанган шахс, суғурта қилдирувчи, суғурта тиббиёт ташкилоти – суғурталовчи, тиббиёт муассасаси ҳисобланади. Суғурта амалиётида шакланган қоидага кўра, фуқаро – суғурталанган шахс наф олувчи ҳисобланади. Бошқача айтганда, бутун тиббий суғурта тизимининг асосий мақсади – суғурта ҳодисаси рўй берганида тўпланган маблағлар ҳисобидан фуқаронинг тиббий ёрдам олишини кафолатлаш ва профилактика чораларини молиялаш саналади. Замонавий суғурта тизимларида профилактика деганда,



суғурта ходисаси доирасини қисқартириш чоралари тушунилади ва давлатнинг соғлиқни сақлаш тизимлари жавобгар бўлган кенг маънодаги профилактика тадбирлари назар тутилмайди. Бунда аҳоли соғлиғини сақлашнинг кенг қўламли тадбирлари, турли хилдаги касалланишлар, эпидемия ва пандемияларнинг олдини олиш ҳамда уларни юзага келтирадиган сабабларни бартараф этиш аввало давлатнинг зиммасидаги мажбурият эканлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Тиббий суғурта шартномасида суғурта қилдирувчи сифатида амалдаги қонунчилик ва мавжуд ижтимоий муносабатларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб турли шахслар иштирок этиши мумкин. Масалан, мажбурий тиббий суғуртада суғурта қилдирувчи сифатида иш берувчилар, турли хилдаги ижтимоий фондлар шартноманинг тарафи сифатида қатнашадилар. Шу билан бирга, фуқароларнинг ўзи ҳам ихтиёрий тиббий суғуртада суғурта қилдирувчи бўлишлари ва тиббий суғурта шартномаси тузишларига йўл қўйилади.

Суғурта ташкилоти – ҳаётни суғурта қилиш тармоғида тегишли фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ҳамда тиббий суғурта хизматларини таклиф этадиган суғурта компанияларидир. Тиббий суғуртада асосий тамойил “пул беморлар саломатлигига сарфланади” шиорини ҳаётга татбиқ этиш саналади. Тиббий суғурта суғурта компанияси бемор учун энг яхши шифокорни ва даволаш муассасани танлашдан манфаатдор эканлигини англатади, шифокорлар эса “ташриф учун” пул олишни тўхтатади ва эндиликда пулни хизматни кўрсатиб олишларига тўғри келади. Тиббий суғурта мавжуд бўлмаган ҳолларда эса шифокорлар фуқаролардан ҳар бир ташриф учун муайян миқдорда пул олиш тизими асосида иш олиб борадилар. Бу деярли бутун дунёда шаклланган амалиёт саналади ва бундай ташрифдан фуқаро қанчалик наф кўриши ёки кўрмаслиги шифокорни ёки тиббий муассасани қизиқтирмайди ва бунинг учун муайян бир асосли ва оқибатли масъулиятни ҳам зиммасига олмайди. Ана шундай салбий ва самарасиз тиббий хизмат усули ва салбий тусдаги “ташриф учун ҳақ” методида барҳам беришнинг мақбул усулларидан бири эса ўз навбатида тиббий суғурта ҳисобланишини эътироф этиш зарур. Зеро, тиббий суғурта юқори сифатли тиббий хизматни кафолатлайди ва уни олиш имкониятини яратади, шунингдек соғлиқни сақлаш соҳасига қўшимча молиявий ресурслар жалб этилишига оид муаммони ечишга ёрдам беради.

Тиббий суғуртани жорий этишнинг асосий мақсадларидан бири – соғлиқни сақлаш муассасалари иш фаолияти учун бозор муҳитини яратиш саналади ва бу ўз навбатида, ташкилотлар ва аҳоли томонидан суғурта қилиш йўли билан қўшимча пул маблағларини жалб этиш имконини беради. Шу билан бирга, бунинг оқибатида тиббий хизматлар бозори шакллантирилади ва бунда даволаш-профилактика муассасаси раҳбарлари тиббий хизматларнинг сотувчиларига айланадилар.

Жаҳон тажрибасида маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг бюджет тизимидаги таксимотига қараганда, суғурта тизимларида юқорироқдир. Бозор шароитида соғлиқни сақлаш ходимларининг даромади мижоз унинг тиббий хизматидан қанчалик қаноатланганлиги ва яна тиббий ёрдам керак бўлганда мазкур манзилга қайта мурожаат қилишига боғлиқ. Тиббий хизмат кўрсатишда нафақат беморнинг қандай даволангани, балки у билан қандай муомала қилингани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Беморда тиббий хизмат сифатининг

кафолати – тиббий суғурта ташкилоти юзага келади ва у нафақат харажатларни, балки тиббий хизматнинг сифатини ҳам назорат қилади.

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, тиббий суғуртани жорий этиш ва уни қўллашнинг ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини белгилаш учун энг аввало тиббий суғуртага оид қонунчилик асосларини яратиш лозим бўлади. Бунда амалдаги Фуқаролик кодексига тиббий суғуртага оид махсус моддаларни киритиш ва унда тиббий суғурта учун хос бўлган энг асосий қоидаларни белгилаш зарур. Бундан ташқари, тиббий суғуртани кенг қўламда татбиқ этиш учун “Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ва унга амал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва шартномавий тартибини жорий этиш талаб этилади. Мазкур чораларнинг амалга оширилиши эса ўз навбатида, мамлакатимизда тиббий суғуртанинг ривожланиши, аҳоли саломатлигини таъминлаш тизимининг яхшиланишига ва барқарор тиббий хизматлар сифатининг ошишига олиб келади.

Мансуржон БОЛТАЕВ,

*ТДЮУ профессори в.б.,
юридик фанлар доктори.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авакян А.М. Договор добровольного медицинского страхования: проблемы гражданско-правового регулирования и пути их решения <https://cyberleninka.ru/article/n/dogovor-dobrovolnogo-meditsinskogo-strahovaniya-problemy-grazhdansko-pravovogo-regulirovaniya-i-puti-ih-resheniya>.
2. Andrew J. Barnes, Yaniv Hanoch. Knowledge and understanding of health insurance: challenges and remedies // <https://ijhpr.biomedcentral.com/articles/10.1186/s13584-017-0163-2>.
3. Амбросьева Т.Г., Силаева А.А. Проблемы модернизации современной системы медицинского страхования в РФ <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-modernizatsii-sovremennoy-sistemy-meditsinskogo-strahovaniya-v-rf>.
4. Ахмедов С.А. Медицинское страхование как элемент социальной защиты населения: автореф. дис. канд. юрид. наук <https://www.dissertcat.com/content/meditsinskoe-strahovanie-kak-element-sotsialnoi-zashchity-naseleniya>.
5. Иванишин П.З. Гражданско-правовое регулирование договора добровольного медицинского страхования: автореф. дис. канд. юрид. наук. – Казань: 2004.
6. Kim Thuy Nguyen, Oanh Thi Hai Khuat, Shuangge Ma, Duc Cuong Pham, Giang Thi Hong Khuat, and Jennifer Prah Ruger. Impact of Health Insurance on Health Care Treatment and Cost in Vietnam: A Health Capability Approach to Financial Protection // June 2012 American Journal of Public Health 102(8):1450-61 DOI: 10.2105/AJPH.2011.300618 / https://www.researchgate.net/publication/225373115_Impact_of_Health_Insurance_on_Health_Care_Treatment_and_Cost_in_Vietnam_A_Health_Capability_Approach_to_Financial_Protection.
8. Maximilian kolbe Domapielle. Health insurance and access to health care services in developing countries // February 2014 Journal of Government and Politics 5(1):80-91 DOI:10.18196/jgp.2014.0007/https://www.researchgate.net/publication/279227038_Health_insurance_and_access_to_health_care_services_in_developing_countries.
7. Лазарева Е.В. Правовое регулирование медицинской деятельности в Российской Федерации (отдельные аспекты теории и практики): автореф. дис. канд. юрид. наук. – Саратов: 2006.
9. Муравьева Н.Н. Российский рынок медицинского страхования: структура и динамика основных сегментов // International Journal of Humanities and Natural Sciences, vol.4.
10. Sommers B.D. Why Health Insurance Matters—and Why Research Evidence Should Too//https://journals.lww.com/academicmedicine/FullText/2017/09000/Why_Health_Insurance_Matters_and_Why_Research.13.aspx.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда.
12. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 22-сон, 180-модда.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОШ ВАЗИФА

Жорий йилнинг 24 май куни имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ Адлия вазирлигининг қўшимча янги фаолият йўналишлари белгиланди. Фармонда адлия органларини халқчил тузилмага айлантириш орқали жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш мақсади кўзланган. Эндиликда адлия органлари аҳолини қийнаётган ҳуқуқий муаммоларни аниқлаб, уларни таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича амалий чораларни кўрадilar.

Шу мақсадда адлия органларининг қўшимча 4 та янги фаолият йўналишлари белгиланди. Жумладан, аҳолининг кундалик ҳаётида учрайдиган ҳуқуқий муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва бартараф этиш; жойларда аниқланган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш; фуқароларга ҳуқуқий масалалар бўйича бирламчи бепул юридик ёрдам кўрсатиш; давлат органлари ва маҳаллаларда ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришда методик ёрдам кўрсатиб бориш.

Шунингдек, қуйи бўгин адлия бўлимларига жойларда аҳоли кўтараётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш, фуқароларга бепул бирламчи юридик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқий муаммоларини маҳалланинг ўзида ҳал қилиш ҳамда аҳолига, авваламбор ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга бепул бирламчи юридик ёрдам кўрсатилишини таъминлаш каби 6 та янги вазифа юклатилди. Туман ва шаҳар адлия бўлимлари аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш учун ҳар ойда маҳаллаларда “Адлия куни” тадбирлари ўтказилади. Олис ҳудудлардаги маҳаллаларда ҳар ойда камида икки маротаба сайёр давлат хизматлари кўрсатиб борилади. Уйма-уй юриш ва “Ҳуқуқий кўмак” акцияларини ўтказиш орқали фуқароларнинг кундалик ҳаётидаги ҳуқуқий муаммоларини бартараф этиш бўйича қонунчиликка таклифлар ишлаб чиқилади.

Яна бир эътиборли жиҳат, фармонга мувофиқ, 2024 йил 1 июлдан фуқароларга бепул бирламчи юридик ёрдам кўрсатишнинг янги тартиби жорий қилинапти. Жумладан, давлат хизматлари марказларида “Мадад” ННТнинг ҳуқуқий маслаҳат бюрolari босқичма-босқич ташкил қилинади. Ҳуқуқий маслаҳат бюрolari томонидан аҳолига бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилади ва низоларни судгача ва суд орқали ҳал этишда зарур бўладиган процессуал ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашилади.

Шунингдек, вазирлик ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг 4 та малака ошириш марказлари бирлаштирилиб Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, вазирлиқнинг “Давлат хизматларини ривожлантириш маркази” давлат муассасаси негизда Қонунчиликни таҳлил қилиш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти ташкил этилмоқда. Ўрганишлар, таҳлиллар натижасида Фармон билан адлия органлари фаолиятида жуда катта ўзгаришлар, шунингдек аҳолига қўшимча енгиллик ва қулайликларни жорий этиш назарда тутилди. Хусусан, аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида муаммоларни ҳал қилишда “фуқаро – маҳалла – адлия” тизими жорий этилади. Бунда, аҳолининг кундалик ҳаётидаги ҳуқуқий муаммолар “маҳалла еттилик”лари орқали онлайн маҳалла платформасидан фойдаланиб адлия органларига етказилади. Адлия органлари томонидан эса мазкур муаммолар ечимлари бўйича ҳуқуқий тадбирлар, қонунчиликка таклифлар ишлаб чиқилади. Шу орқали “маҳалла еттилиги”га фуқароларнинг кундалик ҳаётидаги ҳуқуқий масалаларга оид муаммоларини ҳал этиб боришга кўмаклашиб борилади. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш,

қонунчилик ҳужжатларини ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида “Маҳалла ҳуқуқшуноси” лойиҳаси амалга оширилади. Бундан ташқари, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида маҳаллаларда ҳафтанинг ҳар чоршанба куни “Ҳуқуқий тарғибот куни” этиб белгиланди.

Шунингдек, Фармонга асосан мактабларда “Ҳуқуқ синфи” ва ҳуқуқ фанларини чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш ташкил қилинапти. Бу орқали ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб чуқурроқ ўргатиш мақсадлари кўзда тутилган. Мисол учун, мактабларда Ҳуқуқ синфлари ташкил этилиши, Ҳуқуқ оламига саёҳат ўқув дастурлари жорий этилиши, электрон платформа орқали ҳуқуқ фани ўқитувчиларининг узлуксиз касбий билимлари оширилиши ҳамда “Тенгдошимга ҳуқуқий ёрдам” тадбирлари доирасида адлия органларига ёшларни олиб бориш имкони яратилаётгани ёшларда турли салбий омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири бу ҳуқуқий маданиятнинг юқорилиги ҳисобланади. Умуман ҳуқуқ – одамни маданиялантиради. Бунинг натижасида ижтимоий барқарорлик келиб чиқади. Шу боис Фармон билан давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва ислохотлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказишнинг янги тартиби жорий этилмоқда. Фармон билан марказлар орқали яна 13 та янги хизматлар жорий этилмоқда ва давлат хизматларининг ҳар бир маҳалла ва фуқаронинг ҳаётига янада яқинроқ кириб боришини таъминлаш мақсадида тадбиркорларга ҳам агент сифатида 15 турдаги давлат хизматларини кўрсатишга рухсат берилди.

Яна бир қулайлик давлат хизматларини кўрсатишда Face-ID тизими жорий қилинишидир. Face-ID тизими - бу бирор давлат хизматидан фойдаланмоқчи бўлган фуқарони унинг юзидан таниб, у ҳақидаги маълумотларни автоматик равишда аниқлайдиган тизим ҳисобланади. Ҳозирда фуқаролар хизмат олиш учун Давлат хизматлари марказига келганда унинг шахсини аниқлаш учун паспорт ёки ID-карта талаб қилинади. Эндиликда, Face-ID тизими жорий этилса, ушбу ҳужжатларга ҳам зарурат бўлмайди, тизимнинг ўзи фуқаронинг кимлигини аниқлаб беради.

Ушбу ўзгаришлар, албатта, фуқароларнинг вақтини ва маблағини тежашга хизмат қилади. Мухтасар айтганда, мазкур фармон адлия органларининг кўпроқ одамлар орасида, маҳаллаларда бўлиб, уларнинг дарду ташвишларини тинглаб, муаммоларини биргаликда ҳал этишга кўмаклашишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Нилуфар САТТАРОВА,

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг Ҳуқуқий ахборот бўйича бош маслаҳатчиси.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ: ҚОНУНЧИЛИК, АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ЕЧИМ

Фуқаролик жамиятининг муҳим шартини бўлган жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз лозим ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича аниқ амалий чораларни кўришда давом этамиз.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев

Ривожланган демократик мамлакатларнинг тараққиёти тарихига назар ташланса, жамият ва давлат бошқарувида фуқаролар иштирокини кенгайтиришга алоҳида аҳамият қаратилганлигини кўриш мумкин. Фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувида иштирок этиши бевосита жамоатчилик назорати тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Ҳуқуқий демократик давлат ва очик фуқаролик жамиятини барпо этишни мақсад қилиб белгиланган Янги Ўзбекистонда самарали, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан бири бўлган жамоатчилик назорати институтига алоҳида тўхталиб, ҳақли равишда қуйидаги танқидий-таҳлилий фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтган эдилар: “Бугунги кунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари яратилмаган. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолашга ҳалақит бермоқда. Шундан келиб чиқиб, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш мақсадида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш зарур. Шу муносабат билан барча давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этишни таклиф қиламан. Мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозим”.

Дарҳақиқат, бугунги амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар, давлат ва жамият бошқарувидаги демократик ўзгаришлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан самарали, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, давлат органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтлари ўртасида тўлақонли ижтимоий шериклик муносабатларида бундай ташкилотларнинг ваколатларини кенгайтириш заруратини вужудга келтирмоқда.

Мана шу зарурият сабабли мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида қонунчилигимиз тарихида илк бор жамоатчилик назорати институтининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмларини яратиш, жамоатчилик назоратини янада кучайтириш масалаларини янги босқичга кўтарди.

Ушбу қонунда жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш учун ниҳоятда муҳим бўлган жамоатчилик назоратининг субъектлари, объекти, асосий принциплари, шакллари ҳуқуқий нуқтаи назардан очиб берилган.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат

ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектлари” сифатида белгиланган бўлса, “Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг: қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга; фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг ижро этилишини таъминлашга; ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга; давлат хизматларини кўрсатишга; ижтимоий шериклик доирасида амалга оширилаётган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти” деб назарда тутилган.

Ҳуқуқшунос олим М.М.Миракуловнинг таъкидлашича, “Жамоатчилик назорати субъектларининг қонун ҳужжатлари талабларига, қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслик, давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслик, фуқароларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралашшига йўл қўймаслик каби мажбуриятлари ўз ифодасини топган”.

Жамоатчилик назорати масаласига назарий ва амалий нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, мамлакатимизда бу борада муайян амалиёт шаклланганлигини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Яъни, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг бир нечта механизмлари, шакли ва усуллари мавжуд. Жумладан, жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасида алоҳида имкониятларга эга бўлган субъектлардан бири оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқ вакилларидир.

Дарҳақиқат, кун сайин ривожланиб бораётган оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар жамиятда қонун устуворлигини ўрнатишда ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг энг муҳим ва таъсирчан воситаларидан бири ҳисобланади. Гап шундаки, айни пайтда давлат ва жамият ҳаётидаги турли муаммо ва камчиликлар, қонун бузилиши ҳолатлари “тўртинчи ҳокимият” вакилларининг саъй-ҳаракатлари эвазига муҳокамага чиқмоқда. Кенг жамоатчиликнинг ушбу муаммоли масалалар билан боғлиқ қарашлари, фикр-мулоҳазалари айтиладиган, муносабати билдириладиган, мунозара майдони ёки минбари айнан оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар бўлиб ҳисобланади. Энг муҳими “тўртинчи ҳокимият” томонидан олиб чиқилаётган муаммоли масалалар ўз ечимини топиб ҳам борапти. Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятидаги айрим камчилик ва нуқсонлар, қонун бузилиши ҳолатлари рўй-рост танқид қилинмоқда. Шу тариқа жамоатчилик назорати ўрнатилишига асос бўлмоқда.

Бугунги кунда фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири бўлган сиёсий партиялар орқали ҳам таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мумкин. Сиёсий партиялар ўзларининг турли тадбирлари ва лойиҳалари орқали жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган кенг жамоатчиликнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ортишига, ҳуқуқий маданиятининг юксалишига амалий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳуқуқшунос олим Х.Маматовнинг мулоҳазаларига кўра, "Сиёсий партиялар орқали ҳам жамоатчилик назоратини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Амалиёт нуқтаи назаридан қараб ёндашганимизда бу масала бўйича сиёсий партиялар фаолиятидаги айрим муаммо ва камчиликлар борлиги айна ҳақиқат".

Шу ўринда сиёсий партия фракцияларига қонун ижодкорлиги жараёнида фракциялар иштироки борасидаги илғор халқаро тажрибани ўрганиб чиқиб, унинг мақбул жиҳатларини келгусидаги фаолиятида жорий қилиш чора-тадбирларини белгилашлари тавсия этилади. Хорижий мамлакатлар, хусусан Россия Федерацияси ҳуқуқшунос олимларининг сиёсий партиялар ва қонун ижодкорлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик муаммолари, сиёсий институтлар манфаатларини қонунчилик жараёнига уйғунлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари устида тадқиқот ишларини олиб борган мутахассис Е.М.Шульманни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Унинг фикрича, "Қонунчилик жараёнига сиёсий йўналтирилган ёндашув, индивидуал шахс эмас, маълум бир гуруҳнинг манфаатлари бўлганлиги учун гарчи сиёсатшунослик тилида айтганда адекват ифодалаш усулида билдирилган бўлса ҳам шарафлидир". Олим фикр-мулоҳазаларини куйидагича давом эттиради: "Жамоатчилик билан очиқ, ошқора муҳокама ўз-ўзидан қонун лойиҳаси сифатига ижобий таъсир қилади. Лекин, бундай муҳокамаларнинг фойдали бўлиши фақат мунозарага бой тарзда ўтиши, манфаатдор томон аъзоларининг жалб қилиниши максимал даражада юқори сонни ташкил қилишига оид талаблар билан боғланган". Ушбу олимнинг фикр-мулоҳазаларига кўшилган ҳолда ўзимизнинг куйидаги фикрларимизни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ: сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатаси фракциялари Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари юзасидан айна пайтда амалиётда кам ишлатилаётган "жамоатчилик эшитуви", "жамоатчилик экспертизаси", "жамоатчилик мониторинги" каби механизмлардан самарали фойдаланишлари лозим. Шунда уларнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки кўлами янада кенгайди ва амалий натижа беради.

Партия фракциялари моҳияти ва иш фаолиятининг назарий ва ҳуқуқий жиҳатларини ўрганган рус олимларидан яна бири В.В.Куликовнинг илмий фикрлари эътиборга молик. Олим ўзининг Фарб мамлакатлари парламентларида партия фракцияларининг ўрни ва ролини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотларидан бирида партия фракцияларини "Парламентнинг кўппартиявийлиги демократиянинг энг муҳим белгиларидан биридир. Парламент тизимини партия гуруҳлари ўртасидаги ҳокимият учун курашнинг қонунийлаштирилган шакли сифатида белгилаш мумкин. Шунинг учун, парламентнинг энг муҳим хусусияти айнан партия фракцияларидир. Улар демократик парламент тузумининг ҳаракатлантирувчи кучи" деб баҳо беради.

Масалага амалиётдан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қонун ижодкорлиги жараёнида асосан қайсидир бир давлат органи томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси юзасидан жамоатчилик муҳокамаларини, жамоатчилик эшитувларини, жамоатчилик мониторингини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш йўли билан иштирок этади.

"Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддасида жамоатчилик назоратининг шакллари сифатида "жамоатчилик муҳокамаси", "жамоатчилик эшитуви", "жамоатчилик мониторинги", "жамоатчилик экспертизаси" каби институтлари келтириб ўтилган. Лекин, жамоатчилик муҳокамалари, жамоатчилик эшитувлари, жамоатчилик экспертизалари самарали ташкил этилишининг усул ва воситалари, механизмлари ҳали ишлаб чиқилмаган. Фикримизча, қонун ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш учун, аввало "жамоатчилик муҳокамаси", "жамоатчилик эшитуви", "жамоатчилик мониторинги", "жамоатчилик экспертизаси" каби институтларнинг ўтказилиши билан боғлиқ аниқ механизмлар яратилиши лозим.

"Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасида жамоатчилик назоратининг объекти бўлган давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти тарзида назарда тутилган. Қонунда белгиланган ушбу муҳим норма амалиётда қандай ишлайди, деган ҳақли савол туғилади. Масалан, ногиронларнинг манфаатини ҳимоя қилиш борасида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотли ногиронларни ижтимоий-иқтисодий, маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун лойиҳаси юзасидан жамоатчилик муҳокамасини ўтказди. Жамоатчилик муҳокамаси жараёнида ногиронларнинг манфаатига хизмат қиладиган маълум бир нормаларни ишлаб чиқиб, тегишли давлат органига ёки унинг мансабдор шахсига қабул қилиниши назарда тутилаётган қонунда акс этиши зарурлигини сўраб, тақдим этди. Бироқ, нодавлат нотижорат ташкилотининг қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган ушбу таклифлари давлат органи ёки унинг мансабдор шахси томонидан инобатга олинмади. Мазкур қонунда бунинг ҳуқуқий оқибати билан боғлиқ норма ўз аксини топмаган.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамияти шароитида "жамоатчилик эшитуви", "жамоатчилик муҳокамаси", "жамоатчилик мониторинги", "жамоатчилик экспертизаси", каби демократик институтлардан самарали фойдаланишлари учун нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий асосланган ечимини излаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Иззатулло ТОЛИБОВ,
юридик фанлар номзоди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В.В.Куликов., "Место и роль партийных фракций в парламентах стран запада: сравнительный анализ", С 193-196. // <https://cyberleninka.ru/article/n/mesto-i-rol-partiynyh-fraktsiy-v-parlamentah>.
2. Е.М.Шульман., Фракции, комитеты, аппарат: Участие парламентских партий в законодательном процессе // Политическая наука. - 2015. - № 1. С 174.
3. "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни., <https://lex.uz/docs/3679092>.
4. Миракулов М.М. Жамоатчилик назоратининг моҳияти ва аҳамияти // "Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами (23 май 2018 й.). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор, полковник М.Х.Рустамбаевнинг умумий тахрири остида. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. -Б. 37-38.
5. Х.Маматов., Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатish механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш (монография), <https://uzmarkaz.uz/uploads/2020/12/zamoatcilik-nazorati.pdf>.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ТАМОЙИЛЛАРИ ТУШУНЧАСИ, ВАЗИФАСИ ВА МАЗМУН-МОҲИЯТИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада жиноят процесси тамойиллари тушунчаси, вазифаси ва мазмун-моҳиятига оид масалалар таҳлил қилинган. Жиноят процессининг энг муҳим белгилари, моҳияти ва хусусиятлари, жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ва суд жараёнини амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва сифатини белгиловчи ҳуқуқий қоидалар ва жиноят процессининг тамойилларига урғу бериб ўтилган. Миллий ва хорижий қонунчилик билан бирга, олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: конституция, жиноят процесси, принциплар, суриштирув, тергов, суд, хорижий тажриба, ҳуқуқ ва эркинликлар.

Жиноят процессининг энг муҳим белгилари, моҳияти ва хусусиятларини, жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ва суд жараёнини амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва сифатини белгиловчи ҳуқуқий қоидалар одатда жиноят процессининг тамойиллари деб аталади.

“Принцип” тушунчаси латин тилидан олинган бўлиб, “*principium*” – асос, келиб чиқиш, раҳбарий ғоя деган маъноларни англатади.

Жиноят процессуал фанда процессуал тамойилларга турлича қарашлар билдирилган:

- жиноят процессининг қурилиши, унинг процессуал шакллари тизими, босқичлари, институтлари ва муносабатлари (М.С.Строгович, М.А.Чельцов, И.В.Тырчев);

- жиноят процессининг моҳияти (Т.Н.Добровольская, И.Ф.Демидов, Л.А.Воскобитова);

- дастлабки тергов органлари, прокуратура ва судни ташкил этиш ва фаолияти тартиби (В.З.Лукашевич);

- жиноят процессининг мақсади ва унинг тузилиши (П.А.Лупинская);

- жиноят процессуал ҳуқуқ тизимини шакллантириш (А.В. Гриненко);

- жиноят процессуал фаолиятнинг объектив қонуниятлари (В.Т. Томин).

Турли олимларнинг юқорида қайд этилган қарашларидаги фарқларга қарамай, уларнинг жиноят процесси тамойилларини тушунишга ёндашувлари бир-бирига яқин. Уларнинг барчаси жиноят процессининг мазмун-моҳияти ва (ёки) шаклини у ёки бу тарзда белгилайди (ифода қилади). Шунга қарамай, фанда шаклланган принцип тушунчаси бироз изоҳни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жиноят процессининг кўпгина тамойиллари мустаҳкамланган.

Хусусан, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас (18-модда); барча қонун олдида тенгдир (19-модда); инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир (26-модда); ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга (27-модда); айбсизлик презумпцияси (28-модда); ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга (31-модда); ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга (31-модда); уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқи (31-модда); одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади (130-модда); судларнинг мустақиллиги (130-модда); судларда ишлар очик қўрилади (137-модда).

Айрим тамойиллар Асосий қонуннинг моддаларида бевосита мустаҳкамланмаган, лекин улар Конституция нормалари мазмунидан келиб чиқади. Шу сабабли, юридик адабиётларда жиноят процесси тамойилларини шартли равишда конституциявий ва тармоққа бўлиш тўлиқ асосли эмас, чунки жиноят процессининг барча тамойиллари Конституцияга мос келиши керак. Жиноят-процессуал кодекси ва Конституция нормалари ўртасида зиддият юзага келган тақдирда Конституция нормалари қўлланилади. Шунга асосланиб, жиноят ишини юритиш тамойиллари одатда конституциявий деб аталади.

Конституциявий тамойиллар тўғридан-тўғри таъсир меъёрлари турига киради, яъни улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига киритилган ёки киритилмаганлигидан қатъи назар, бевосита қўлланилиши мумкин.

Жиноят процессининг барча тамойиллари ишнинг ҳамма босқичларида бир хилда амалга оширилмайди. Муайян принципни амалга ошириш чегаралари жиноят процессининг умумий вазифалари ва муайян босқичнинг бевосита вазифалари билан белгиланади. Қонунийлик тамойили процессининг барча босқичларида олишмай амал қилишни назарда тутса, унда уларнинг баъзилари асосан судда амалга оширилади. Масалан, суд муҳокамаси босқичида тортишувчанлик тамойили тўлиқ амал қилади.

Умуман олганда, тамойилларнинг ҳуқуқий жиҳатдан муҳимлиги улар доимо баъзи ҳуқуқий қадриятларга ишора қилишини (акс этишини) англатади (айбланувчига жиноятчи сифатида қарашга йўл қўйилмаслиги, она тилидан фойдаланиш эркинлиги ва бошқалар).

Тамойиллар билан тўғри ва мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар чегараларини белгилаш уларнинг фаолиятдаги муайян чекловларни кўрсатишини англатади: жиноят процессуал мақсадларга ҳар қандай восита ҳар қандай ҳаракатлар ва ҳар қандай тартибда эришиб бўлмайди.

Жиноят процессининг тамойиллари инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан чамбарчас боғлиқ. Ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш механизмида тамойиллар асосий ўринни эгаллайди, уларни кўрсатади, уларга риоя қилишни мажбурлайди ва жиноят процессида таъминлашни талаб қилади.

Барча тамойиллар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, жиноят процессининг мақсадларига эришиш учун бир хил аҳамиятга эга бўлган ягона ҳуқуқий тамойиллар мажмуасини ташкил қилади. Уларнинг ҳар бири жиноят иши юритишнинг шундай жиҳатини белгилайди, уларсиз унинг вазифаларини тўғри бажариш мумкин эмас.

Таъкидлаш жоизки, айрим тамойиллар мазмунига кўра бир-бирига қисман мос келиши мумкин. Мисол учун, одил судловни фақат суд томонидан амалга ошириш (ЖПКнинг 12-моддаси) тамойили суд ҳукмисиз ҳеч ким айбдор деб топилиши мумкин эмаслигини эълон қилади. Худди шундай ҳуқуқий позицияда айбсизлик презумпцияси

тамойили ҳам мавжуд: айбланувчи суд ҳукми билан унинг айби аниқланмагунча айбсиз ҳисобланади (ЖПКнинг 23-моддаси). Бундан ташқари, тамойилларнинг ўзаро боғлиқлиги шундан далолат берадики, улардан бирининг бузилиши иккинчисининг бузилишини англади. Масалан, агар айбланувчи ўзига қарши кўрсатув беришга мажбур қилинса, у ҳолда айбсизлик презумпцияси тамойили бузилади (айбланувчи ўзининг айбсизлигини исботлашга мажбур эмас – Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддаси 2-қисм). Шу билан бирга, бу дастлабки тергов органлари, прокуратура ва суд зиммасига юкланган айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш имкониятини бериш мажбуриятини бузиш бўлади (Жиноят-процессуал кодексининг 24-моддаси).

Жиноят процессуал тамойилларининг мазмун-моҳияти шундан иборатки, булар нафақат ҳуқуқий ғоялар, балки объектив равишда зарур бўлган умумий мажбурий мезонлар бўлиб, улар умуман жиноят процессининг моҳиятини белгилайди ва жиноят процессуал фаолияти ва жиноят иши бўйича қабул қилинган қарорларни баҳолаш имконини беради.

Дастлаб жиноят процессуал тамойиллар қонунда онгсиз равишда мавжуд бўлиб, турли жиноят процессуал нормаларда намоён бўлади.

Бирок, ҳуқуқнинг ривожланиши ва ҳуқуқий онгнинг ўсиши билан тамойиллар маълум бир қадрият, жамият тараққиётининг ютуғи сифатида тан олинади ва муайян ҳуқуқий ғоялар сифатида белгиланади, улар вақт ўтиши билан қонунда мустаҳкамланади ва муайян ҳуқуқий тартибга солиш шаклида ва нисбий мустақилликка эга бўлади.

Шунингдек, жиноят процессининг тамойиллари давлатнинг турини ва унга тегишли қонун ҳужжатларини, жиноят-процессуал фанининг, суд амалиётининг ва жамият ҳуқуқий онгининг ривожланиш даражасини акс эттиради.

Жиноят процессуал тамойилларининг аҳамияти:

- жиноят процессининг мазмун-моҳиятини ва унинг асосий белгиларини ифодалаш;

- жиноят процессуал қонунчиликнинг асоси бўлиб хизмат қиладиган энг умумий характердаги нормалар тизимини аниқлаш;

- нормалар ва тамойиллардан ҳар қандай оғиш қабул қилинган қарорларни бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади;

- жиноят ишлари бўйича одил судловнинг мақсадларига эришишнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади;

- жиноят процессуал қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун ижодкорлиги фаолиятида қўлланма бўлиб хизмат қилади;

- терговга қадар текширув, дастлабки тергов, суриштирув, прокурорлар, судьялар ва бошқа процесс иштирокчиларининг фаолиятини умуман тартибга солиш;

- ҳуқуқ тизими сифатида жиноят процессининг ривожланиши ва фаолияти стратегиясини таъминлайди;

- жиноят процессуал қонун нормаларидаги зиддиятлар ва бўшлиқларни бартараф этишга кўмаклашади;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолати ҳисобланади.

Ушбу тамойилларни жиноят процессининг бошқа нормаларидан ажратишга имкон берувчи белгилар мавжуд. Булар:

- 1) меъёр сифатидаги тамойил олий қонун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинган қонунда мустаҳкамланган бўлиши ва энг юқори юридик кучга эга бўлиши керак;

- 2) тамойил хулқ-атвор қондаси сифатида давлатнинг мажбурлаш кучи билан таъминланиши керак;

- 3) тамойил жиноят-процессуал норма бўлиб, бутун жиноят жараёни учун фундаментал аҳамиятга эга бўлиши ва унинг асо-

сий белгиларини ҳам ифодалаши керак. Бошқача қилиб айтиладиган бўлса, принцип норма сифатида умумий процессуал хусусиятга эга бўлиши ва жиноят процессининг барча босқичларига тегишли бўлиши керак;

- 4) меъёр сифатидаги принцип бошқа нормалар – жиноят процесс тамойиллари билан тенг, бир-бирини такрорламасдан маълум муносабатда бўлиши керак.

Жиноят процессуал принципларининг аҳамияти шундан иборатки, улар жиноят процессининг мақсад ва вазибаларини амалга оширишга хизмат қилади. Агар жиноят процессининг тамойилларидан камида биттаси бузилган бўлса, жиноят процессининг мақсадларига эришиш мумкин бўлмайди. Масалан, қонунийлик принципининг бузилиши, умуман олганда, одил судловнинг адолатлилиги ҳақида гапиришни шубҳа остига қўяди.

Жиноят процессининг тамойиллари “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Европа конвенцияси, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт ва бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қондаларини ўзида акс эттирган бўлиб уларга риоя қилиш мансабдор шахс, давлат органининг ноқонуний ёхуд асоссиз ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ёки қарорини бекор қилиш ёки ўзгартиришни таъминлайдиган ички қонунчилик, шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормалари билан кафолатланади. Жумладан, инсон ва фуқаролар ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг барча инстанцияларида имкониятларидан фойдаланиб бўлган бўлса, бунда халқаро судга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Жиноят процессининг ҳар қандай иштирокчиси жараённинг исталган босқичида мансабдор шахсларнинг ҳар қандай қарори ёки ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Кўпроқ умумийлик нормалари бўлган тамойиллар амалий фаолият жараёнида юзага келадиган барча масалаларни ҳал қилишни белгилайди. Агар процессуал ҳуқуқда алоҳида қондалар ўртасидаги муаммолар ёки қарама-қаршиликлар аниқланса, тамойиллар юзага келган қийинчиликларни ҳал қилишда калит бўлиб хизмат қилади. Тамойиллар моҳиятига кўра императив, қатъий-ҳукмрон характерга эга, уларда умумий мажбурий кўрсатмалар мавжуд бўлиб, бажарилиши давлат томонидан таъминланади.

Ғоялар қонун нормаларида мустаҳкамланмаган экан, улар ҳуқуқий онг тамойиллари, илмий хулосалар бўлиб қолаверади, лекин жиноят процессининг тамойиллари эмас.

Жиноят процессуал тамойиллар қонун чиқарувчи ҳокимиятда ўрнатилади. Бирок, мустаҳкамланиш усуллари бошқача бўлиши мумкин. Мисол учун, Олий суд пленуми, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан уларнинг маъноси ва мазмунини шарҳлаш ва тушунтириш орқали ҳам бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, жиноят процессуал тамойиллар деганда – бу жиноят процессининг энг умумий ва муҳим хусусиятларини муҳассамлаштирган, унинг табиатини, ижтимоий моҳиятини ва йўналишини ифодаловчи, жиноят процессида иштирок этаётган субъектларнинг асосий ҳаракатларини белгилаб берувчи, қонун билан расмийлаштирилган тартиблар ва мафқуравий ғоялар назарда тутилади.

Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ,

Судьялар олий мактаби “Касбий кўникмалар” кафедраси мудири, ю.ф.ф.д.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГ ЎТКАЗИШДАГИ ЎРНИ: АМАЛДАГИ ҲОЛАТ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг ҳолати таҳлил қилинган. Бунда муаллиф фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилмаслигининг асосий омилларини тадқиқ этган. Хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили асосида фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий мониторинг ўтказишдаги ролини кучайтиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқий мониторинг, жамоатчилик назорати, Жамоатчилик палатаси, Халқ Қурултойи, қонунлар ижроси, ҳуқуқ устуворлиги, ҳуқуқий онг ва б.

Фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиши бевосита ушбу институтларнинг жамиятда ривожланганлик даражаси билан боғлиқ.

2020 йилда Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси таҳлили натижаларига кўра мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланганлик даражаси шакллантирилган рейтингта мувофиқ 100 баллик кўрсаткичдан ўртача 40 баллни ташкил этган.

Энг юқори ҳисобланган 51 баллни Тошкент шаҳри кўлга киритган бўлса, энг паст кўрсаткич 31 балл билан Наманган ва Самарқанд вилоятларига тегишли. Нисбатан юқори натижани эгаллаган пойтахт Тошкент шаҳрида ҳам фуқаролик жамияти институтларининг ривожланганлик даражасини қониқарли деб айта олмаيمиз. Чунки, интернетдаги фуқаролик жамияти институтларининг очик маълумотлари ўрганилганда бирор-та нодавлат ташкилот томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилганлиги ва мониторинг натижаларига бағишланган маълумотлар учрамайди. Бу ўз навбатида мамлакатимизда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқий мониторингга қанчалик даражада иштирок этаётганликларини кўрсатиб беради.

Бизнингча юртимизда фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилмаслигининг бир қатор омиллари мавжуд.

Биринчидан аҳолининг фуқаролик жамияти институтлари, улар фаолияти ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги.

Адлия вазирлиги томонидан 2020 йилда ўтказилган тадқиқотнинг кўрсатишича, ўз ҳудудда фаолият юритувчи жамоат ташкилотлари, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг мавжудлиги ва улар томонидан ўтказиб бориладиган тадбирлар ҳақида хабардорлигини аниқлаш бўйича фуқаролар орасида олиб борилган сўровлар натижаларига кўра, 18,5 минг респондентдан 10,4 минг нафари ёки 57 фоизи ўзи истиқомат қилувчи ҳудудда жамоат ташкилотлари, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва улар томонидан ўтказиладиган тадбирлар ҳақида хабардорлиги ҳамда уларда шахсан иштирок этишини маълум қилган. Респондентларнинг 43 фоизи ўзи истиқомат қилувчи ҳудудда бу каби ташкилотларнинг мавжудлигини эшитмаган, айримлари эса нодавлат нотижорат ташкилотлари аслида қандай ташкилот эканлиги бўйича маълумотга эга эмаслигини билдирган.

Жумладан, Наманган вилоятидан сўровда иштирок этган жами фуқароларнинг қарийб 50 фоизи, Самарқанд вилоятида 44 фоизи, Тошкент шаҳрида 40 фоизи нодавлат нотижорат ташкилотлари бўйича умуман тушунчага эга эмаслигини маълум қилган.

Иккинчидан, мамлакатимиздаги нодавлат ташкилотлар сонининг аҳоли сонига нисбатан камлиги.

Хусусан, 2020 йил якунларига кўра Ўзбекистонда адлия органларида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар сони 7795 тани ташкил этган. Бунда умумий ҳисобда ҳар 1000 нафар аҳолига нисбатан фаолият юритаётган жамоат ташкилотларининг сони эса ўртача 2 тани ташкил этган.

Албатта, юртимизда нодавлат ташкилотлар сонининг камлиги ҳам уларнинг нафақат ҳуқуқий мониторинг, балки жамоатчилик назоратини олиб боришлари борасидаги ташаббусларига салбий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, давлат томонидан нодавлат ташкилотларни рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги.

Ҳар қандай давлат нодавлат ташкилотларнинг фаолият юритишлари, уларнинг ривожланиши учун моддий ва бошқа жиҳатдан қўллаб-қувватлаши, уларни рағбатлантириши ушбу ташкилотларнинг самарали фаолият кўрсатишида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда 2020 йил якунларига кўра нодавлат нотижорат ташкилотларига ажратилган давлат гранти, субсидия ва ижтимоий буюртма шаклидаги давлат молиявий ёрдами миқдори 15,2 млрд. сўмни, ҳар бир ННТга ўртача 1,95 млн. сўмни ташкил этган.

Бу миқдор етарлими?— деган ўринли савол пайдо бўлади. Адлия вазирлиги томонидан 2020 йилда ўтказилган сўров натижаларига кўра, иштирокчиларнинг 45 фоизи давлат томонидан нодавлат ташкилотларга кўрсатиладиган моддий кўмак етарли эмаслигини билдирган бўлса, 12 фоизи кўмак умуман кўрсатилмаслигини маълум қилган.

Масалан, фуқаролик жамияти институтларига давлат томонидан кўмак кўрсатилмаслиги бўйича энг кўп фикр Сирдарё вилоятидан жами иштирок этган фуқароларнинг 23 фоизи томонидан билдирилган.

Тўртинчидан, амалда фаолият юритаётган нодавлат ташкилотлар томонидан давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўтказиш борасидаги фаолиятларининг сустиги.

Таъкидлаш жоизки, интернетдаги расмий веб-сайтларда мамлакатимизда амалда фаолият юритаётган бирор-та нодавлат ташкилотлари томонидан қонунларнинг ижроси устидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар учрамайди. Қолаверса, фуқаролик жамияти институтларининг расмий веб-сайтларида ҳам ҳуқуқий мониторингга бағишланган алоҳида бўлим мавжуд эмас. Бундан 2019 йил 24 январ куни Адлия вазирлигидан нодавлат ташкилот сифатида рўйхатдан ўтган “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг расмий веб-сайти мустасно.

Бешинчидан, республиканинг барча ҳудудлари бўйича аҳолининг турли қатламларини бирлаштира оладиган, ягона умуммиллий ҳаракатнинг мавжуд эмаслиги.

Хорижий давлатлар тажрибасининг кўрсатишича, сўнгги йилларда бир қатор мамлакатларда бутун мамлакат бўйлаб аҳолининг турли қат-

ламларини бирлаштирган давлат раҳбари бошчилигида нодавлат ташкилотлар ташкил этилган бўлиб, ушбу ташкилотлар барча зарур манба ва ваколатлар билан таъминланган.

Жумладан, Қозоғистон Президентининг 2022 йил 14 июндаги 930-сонли фармони билан Президент ҳузурида Миллий қурултой ташкил этилган бўлиб, мазкур фармон билан унинг Низоми ва таркиби ҳам тасдиқланган ва ушбу ташкилотнинг Президент ҳузуридаги маслаҳат органи эканлиги белгиланган.

Шу билан бирга, мазкур низомда Миллий қурултойнинг ишчи органи ҳисобланган Ахборот ва Қозоғистон Республикасининг ижтимоий ривожланиш вазирлигига ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун зарур бўлган бир қатор ваколатлар, жумладан, давлат органи ва ташкилотлардан ҳужжатлар ва материалларни сўраш ҳамда олиш, Миллий қурултой томонидан берилган тавсиялар бажарилишининг мониторингини амалга ошириш ваколатлари тақдим этилган.

Гарчи Миллий қурултой низомида унинг йилда бир маротаба мажлис ўтказиши мумкинлиги белгиланган бўлсада, унинг ишчи органи қурултой номидан йил бўйи тўлақонли фаолият юритишини таъминлайди.

Қозоғистон тажрибасида муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир фуқаролик жамияти институти Қозоғистон халқининг Ассамблеяси. 2008 йил 20 октябрда қабул қилинган “Қозоғистон халқининг Ассамблеяси тўғрисида”ги қонуни Қозоғистон халқи Ассамблеясининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Ушбу муассаса ҳам Қозоғистоннинг бутун ҳудудидаги вилоятлар, республика аҳамиятидаги шаҳарлар ва пойтахтда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритади. Қозоғистон халқининг Ассамблеяси ҳам жуда кенг ваколатлар берилган бўлиб, ҳар қандай соҳага оид ҳуқуқий мониторингни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Қирғизистонда ҳам ўхшаш ташкилот фаолияти йўлга қўйилган. Жумладан, 2023 йил 25 июлда “Халқ қурултойи тўғрисида”ги Конституциявий қонун билан Қирғизистон Халқ қурултойининг фаолияти тартибга солинган.

Ушбу Қонуннинг муқаддимасида Халқ қурултойининг қузатув, маслаҳат, ижтимоий-вакиллик йиғини эканлиги, ижтимоий тараққиётнинг йўналишлари, жамият ва давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим масалалари, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси, фуқаролик жамиятининг ривожланиши ҳамда маънавий-ғоявий масалалар бўйича тавсиялар бериши мустаҳкамланган.

Қонуннинг 6-моддаси билан Қирғизистон Халқ қурултойига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш, Ҳукумат раиси, унинг ўринбосарлари, бошқа давлат органлари раҳбарларининг ушбу ташкилотлар ҳамда улар фаолияти тўғрисидаги ахборотларини эшитиш ваколати берилган.

Халқ йиғини билан боғлиқ хорижий давлатлар тажрибасида Беларусь Республикасида ташкил этилган орган ажралиб туришини қайд этиш жоиз. Беларусь Республикасида Умумбеларусь халқ йиғини фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унинг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, ваколатлари, шаклланиш тартиби, фаолиятининг асосий принциплари, шунингдек делегатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари 2023 йил 7 февралда қабул қилинган “Умумбеларусь халқ йиғини тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Умумбеларусь халқ йиғинининг давлат ҳаётидаги роли муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унга халқ номидан турли тадбирлар, шу жумладан ҳуқуқий мониторингни амалга ошириш борасида кенг ваколатлар берилганлигини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, Умумбеларусь халқ йиғинига ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш, Беларусь Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини тасдиқлаш, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлиш,

сайловларнинг қонунийлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш каби ваколатлар берилган.

Демак, хорижий давлатларда қонунлар ижросининг қанчалик даражада таъминланаётганлигини аниқлашга қаратилган ҳуқуқий мониторинг ўтказилишида маслаҳат органи ҳисобланган умумхалқ қурултойлари муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда ҳам хорижий давлатларда бўлгани сингари ўхшаш тузилма ташкил этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги ПФ-5980-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ташкил этилиб, унга кўплаб ваколатлар тақдим этилган эди.

Бирок, ушбу Жамоатчилик палатаси бугунги кунга қадар ўз фаолиятини йўлга қўймади. Бунда Жамоатчилик палатаси аъзоларининг умумий сони 50 нафар этиб белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида бутун республика бўйлаб умумхалқ ҳаракати сифатида фаолият юритадиган ташкилот учун жуда камчиликни ташкил этади.

Қолаверса, Жамоатчилик палатасининг ваколатлари, фаолиятининг асосий принциплари ва зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш тартиби билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни назарда тутувчи “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши таъминланмади.

Бу эса, Жамоатчилик палатасига ўз фаолиятини тўлақонли амалга ошириш шу жумладан, қонунлар ижроси устидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш имконини бермасдан келган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидагилар тақлиф этилади:

- а) мамлакатимиз бутун ҳудуди бўйлаб аъзоларни ўз ичига олувчи Халқ қурултойини ташкил этиш;
- б) Халқ қурултойи зиммасига қонунлар ижроси устидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш вазифасини юклаш;
- в) Халқ қурултойига ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун зарур бўлган барча ваколатларни бериш;
- г) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини тугатиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5980-сон фармонини ўз кучини йўқотган деб топиш;
- д) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Халқ қурултойини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонини ишлаб чиқиш тақлиф этилади.

Ғайрат МАШКУРОВ,

*Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси,
юридик фанлар номзоди.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Конституционный Закон Кыргызской Республики от 24 июля 2023 года № 146 “О Народном Курултае”. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112626>
2. Surxondaryo viloyatida o'tkazilgan jamoatchilik monitoringi: maktabgacha ta'lim muassasalari va maktablar qurilishi moliyalashtirilgan, jihozlar esa yo'q. 2019-06-04 13:45:34. https://yumh.uz/uz/news_detail/59
3. Указ Президента Республики Казахстан “О создании Национального курултая при Президенте Республики Казахстан и признании утратившими силу некоторых указов Президента Республики Казахстан” от 15.06.2022 года. <https://akorda.kz/ru/o-sozdaniie-natsionalnogo-kurultaya-pri-prezidente-respubliki-kazahstan-i-priznanii-utrativshimi-silunekotoryh-ukazov-prezidenta-respubliki-kazahstan-145619>
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси 2020. – Тошкент, - 38 б.
5. 2008 йил 20 октябрда қабул қилинган “Қозоғистон халқининг Ассамблеяси тўғрисида”ги Қонуни. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30352401&pos=44-38#pos=44-38

МАЪМУРИЙ СУДГА ТААЛЛУҚЛИЛИКНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

муаллиф суд-ҳуқуқ ислоҳотлари замирида Ўзбекистонда ташкил этилган маъмурий судлар, маъмурий суд ишларини юритишда судга тааллуқлилик, унинг илмий-назарий хусусиятлари, судга тааллуқлилик турларини ажратиш асослари, унинг ўзига хос хусусиятлари, маъмурий судга тааллуқлиликнинг айрим турлари ҳақида илмий тадқиқот олиб бориш натижасида юзага келган хулоса ва таҳлилларини баён этган. Шунингдек, олимларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиб, ўз муаллифлик қарашларини илгари сурган.

Калит сўзлар: суд-ҳуқуқ тизими, маъмурий суд, маъмурий суд ишларини юритиш, маъмурий судга тааллуқлилик, кўп турдаги тааллуқлилик, императив тааллуқлилик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сонли фармони билан илк маротаба давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди. Жараённинг манتيқий давоми сифатида 2018 йилнинг 25 январида ЎРҚ-462-сонли қонуни билан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекс қабул қилинди ҳамда 2018 йилнинг 1 апрелидан кучга киритилди.

Мустақил юридик фан тармоғи сифатида ривожланиб бораётган маъмурий суд ишларини юритишда судга тааллуқлилик институти масаласи муҳим ўрин тутди. Маъмурий суд ишларини юритиш фани юридик фан сифатида фуқаролик процессуал ҳуқуқининг бир қисмидан ажралиб чиққан ва шу сабабли ҳам юридик манбаларда маъмурий суд ишларини юритишда тааллуқлиликнинг турларини аниқлашда учта асосга таянади:

1) муайян ишларни ҳал этиш ваколатига эга бўлган давлат органларининг турига қараб (масалан, судларга, маъмурий органларга, ҳакамлик судларига тааллуқли ишлар ва бошқалар);

2) низо келиб чиққан баҳсли ҳуқуқий муносабатлар соҳасига қараб (масалан, оила, ер, меҳнат низолари ва ҳақозолар);

3) тааллуқлиликни тартибга солувчи қоидаларнинг хусусиятига қараб (умумий, умумий қоидалар билан тартибга солинадиган, махсус ва умумий қоидаларни истисно этадиган махсус қонунлар).

Маъмурий суд ишларини юритишда тааллуқлилик масаласига алоҳида эътибор қаратган Д.Н.Бахрах тадқиқотларида тааллуқлиликни халқаро, давлат, тури, ўзига хослиги, ҳудудий, иерархик, расмий каби типларига ажратади. Бунда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ишни ҳал этиш ҳуқуқига эга эканлиги нуктаи назардан ёндашади.

И.Салимова тааллуқлиликни юридик ишларни ҳал этиш ваколатига эга бўлган органларнинг сонига кўра таснифлаш кенг тарқалган бўлиб, унга асосан мустасно ва кўп турдаги тааллуқлилик турлари фарқланади, деган фикрни билдиради. Мустасно тааллуқлиликда қонун билан муайян тоифадаги ишларни бевосита ҳал этиш ваколатига эга бўлган орган кўрсатилиб, бошқа органлар ушбу ишни ҳал этиш ваколатига эга бўлмайди. Илмий адабиётларда тааллуқлиликнинг ушбу тури мустасно ёки махсус ёхуд бир турдаги тааллуқлилик сифатида номланганлигини таъкидлайди.

Айрим тадқиқотчилар муайян тоифадаги ишларни ҳал этиш тури давлат органларига ва битта давлат органига тегишли бўлишига қараб махсус тааллуқлилик турини кўрсатиб ўтади. Ушбу тури иккига, яъни истисно (битта) ва бир нечта тааллуқлиликка ажратади.

Мазкур олимларнинг тадқиқотларида ягона ёндашув мавжуд эмаслигини кузатиш мумкин. Назаримизда оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларнинг табиати ва хусусиятидан келиб чиқиб, бир турдаги ва кўп турдаги тааллуқлилик сифатида ажратиш мақсадга мувофиқ.

Маъмурий суд ишларини юритишда бир турдаги тааллуқлилик, фақатгина маъмурий судларга тааллуқли ва бошқа судлар томонидан кўриб чиқилиши мумкин бўлмаган ишлар доирасини қамраб олади. Масалан, МСТЮТКнинг 28-моддасида маъмурий судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар тоифаси белгилаб қўйилган. Ушбу тоифадаги ишлар на фуқаролик судлари ва на иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилиши мумкин эмас. Сабаби, бу тоифадаги ишлар оммавий-ҳуқуқий низоларга дахлдор бўлиб, келиб чиқадиган низоларнинг бир тарафида албатта давлат мансабдор шахслари қарорлари ёки уларнинг ҳатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар мавжуд бўлади.

Ҳуқуқшунос И.И.Стрелкова тадқиқотларида кўп турдаги тааллуқлилик сифатида бир нечта ваколатли органлар томонидан ҳал этилиши мумкин бўлган ишлар назарда тутилиб, унинг турларини таснифлаш қонун билан белгиланган тартибда муайян ишни ҳал этиш ваколатига эга бўлган юрисдикцион органни танлаш усулига кўра амалга оширилишини кўрсатади. Масалан, ушбу органлар сифатида суд (фуқаролик судлари, иқтисодий судлар, маъмурий судлар), маъмурий органлар (божхона органлари, солиқ органлари, нотариат органлари), нодавлат органлари (ҳакамлик судлари, халқаро арбитраж судлари ва бошқа органлар)ни келтиради.

Е.С.Докучеванин таъкидлашича, кўп турдаги тааллуқлилик, яъни ташкилотлар ва фуқаролар ўртасида келиб чиқадиган мулккий низолар бир нечта юрисдикция органлари томонидан, яъни ҳам давлат (маъмурий, фуқаролик, иқтисодий судлар), ҳам нодавлат (ҳакамлик судлари) томонидан ҳал қилинади. Назаримизда олимларнинг фикрлари бироз мунозарали ҳисобланади. Сабаби, низо фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судларга тааллуқли бўлиши учун субъектлар доирасида фарқлар мавжудлигини ҳисобга олиш лозим. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасида ҳакамлик судлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи иқтисодий низоларни ҳал этади. Ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи

низоларни, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмаслиги белгилаб қўйилган.

Кўп турдаги тааллуқлилик – бу низоларни ҳал қилиш бир нечта ваколатли органлар зиммасига юклатилган ишлар бўлиб, унинг турларини таснифлаш одатда маълум бир ишни кўриб чиқишга ваколатли органи танлаш орқали амалга оширилади. Анъанавий шаклда императив, муқобил ва шартномавий турларга ажратилади. Баъзи олимлар эса шартли ва аралаш турларини ҳам ажратиб кўрсатади.

В.В.Ярков маъмурий суд ишларини юриштида кўп турдаги тааллуқлиликни иккига, яъни императив ва аралаш турларга ажратади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи билан қиёсий таҳлил қилинганда, М.М.Мамасиддиқов фуқаролик процессуал ҳуқуқида судловга тааллуқлиликнинг мустасно, альтернатив, шартномавий, шартли турларини кўрсатиб ўтади. Шу каби олим Э.Эгамбердиев ҳам ўз ишларида мазкур турларни санаб ўтади.

Назаримизда юқоридаги таснифлар маъмурий судга тааллуқлиликнинг хусусиятлари, оммавий ҳуқуқий муносабатлар ва шу тоифадаги қонунларга киритилаётган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар асосида таҳлил этишни талаб этади.

Маъмурий суд ишларини юриштида тааллуқлилик институти алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ушбу тадқиқот доирасида фақатгина императив тааллуқлилик ҳақида баъзи мулоҳазаларни билдириб, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтамайди.

Императив тааллуқлилик – маъмурий низо бир нечта давлат органлари томонидан қонунда белгиланган тартибда кетма-кетликда кўриб чиқилишидир. Иш қонунда қатъий белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилиши мажбурий характерга эга, қонунда кўрсатилганидан бошқача шаклда ишларни ҳал этиш имконияти мавжуд бўлмайди. Бунинг ўзига хослиги шундаки, қонун чиқарувчи аризалар ёки манфаатдор шахслардан белгиланган талабларга риоя этилишини талаб этади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида" 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарорининг 8-бандига асосан, жамоат бирлашмалари сиёсий партияларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек, давлат органининг белгиланган муддатда бундай рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши каби масалалар юзасидан маъмурий органининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судга шикоят қилиши мумкин бўлади. Чунки, жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказиш ваколатли давлат органи сифатида Адлия вазирлиги ваколатига тааллуқли ҳисобланади. Шундай экан жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ маъмурий муносабатлар вазирлик томонидан ҳал этилмаган ёки кўриб чиқилмаган тақдирда бундай талаблар билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга қонун йўл қўяди.

Е.С.Докучева ўз тадқиқотларида императив тааллуқлилик хусусиятлари ҳақида фикр билдириб, низо юзасидан судга мурожаат қилишдан олдин қонун суддан ташқари дастлабки тартибни назарда тутувчи низони ҳал этиш ваколатига эга органга мурожаат этишни назарда туттади. Қонун талабига кўра, ишни биринчи навбатда кўриб чиқиш ваколатига эга маъмурий орган асосий ва мажбурий характерга эга бўлиб, асосий маъмурий орган томонидан кўриб чиқилганидан кейин ишни кўриб чиқиши мумкин бўлган орган эса қўшимча ҳисобланади.

К.А.Чудиновских императив тааллуқлилик хусусиятлари ҳақида алоҳида тўхталиб, оммавий-ҳуқуқий низолар юзасидан ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан манфаат-

дор бўлган шахслар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фақат қатъий белгиланган юрисдикция органига мурожаат қилиш орқали эмас, балки иш бир неча юрисдикциявий органлар томонидан қонунда қатъий белгиланган кетма-кетликда кўриб чиқилишини, бу ерда манфаатдор шахслар, шунингдек, юрисдикция тизимининг муайян органи билан боғланиш тартиби учун қонун чиқарувчи томонидан белгиланган талабларга риоя қилишлари кераклигини кўрсатади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, императив тааллуқлиликнинг - оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар икки ёки ундан ортиқ юрисдикция органлари томонидан қонунда белгиланган тартибда кетма-кет ҳал қилиниши;

- маъмурий судлар томонидан низо кўриб чиқилишидан олдин ваколатли маъмурий орган томонидан низо кўриб чиқилиши қонун билан мажбурий этиб белгиланиши каби хусусиятларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Демак, маъмурий суд ишларини юриштида судга тааллуқлилик институтининг турлари назарий жиҳатдан тадқиқот ўтказишга муҳтож. Чунки, республикамиз ҳудудида маъмурий суд ишларини юришти ҳуқуқи янги фан сифатида ривожланиб бораётган экан, унинг ҳар бир элементи ва институтлари ҳақида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш лозим бўлади.

Маъмурий суд ишларини юришти ҳуқуқи бошқа процессуал ҳуқуқ соҳаларига яқин бўлсада, айнан судга тааллуқлилик институти бир мунча фарқ қилиши ҳақида баъзи мулоҳазаларни юридик. Императив тааллуқлилик маъмурий суд иштирокчиларига ўз ҳуқуқ ва эркинликларини мустақил ҳимоя қилишга, қонун оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал этишда маъмурий органларнинг аниқ вазифаларини белгилаб беришга, маъмурий тартиб-таомилларга риоя этилишига эътибор қаратади.

Дилшод АХМЕДОВ,

*Бош прокуратура бошқарма бошлиғи,
мустақил изланувчи.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Административное судопроизводство. Учебник для студентов высших учебных заведений по направлению "юриспруденция". Под редакцией д.ю.н, проф. заслуженного деятеля науки Российской Федерации В.В.Яркова.- Екатеринбург – Москва. 2016. С.16
2. Бахрах Д.Н.Подведомственность юридических дел и ее уровни // Журнал российского права. 2005. №4 (100). С. 50.
3. Докучева Е.С. Институт подведомственности в судебной деятельности. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Рязань. 2011. С. 37.
4. Осипов Ю.К. Указ. соч. Гл. П. С.32-51; Жуйков В.М. Указ. соч. С.5-7; Гражданское процессуальное право России: Учебник для вузов / Г 75. Под ред. М.С. Шакарян, - М: Былина, 1998, С.131- 132; Советский гражданский процесс: Учебник /Отв, ред. Н.А. Чечина, Д.М. Чечот, - Л.: Изд-во Ленинградского ун-та, 3984. С. 94-95 и др.
5. Салимова И.М. Иктисодий низоларнинг тааллуқлиги (назарий-ҳуқуқий ва процессуал жиҳатлари): юридик фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси. Т.,2020. Б-38.
6. Стрелкова И.И. Подведомственность арбитражному суду дел по экономическим спорам и иных дел: Дисс.... канд. юрид. наук: 12.00.15.- Екатеринбург, 2002. – С. 22
7. Чудиновских К.А. Подведомственность в системе гражданского и арбитражного процессуального права: Дисс.... канд. юрид. наук: 12.00.15.- Екатеринбург, 2002. – С. 61.
8. Fuqarolik protsessual huquqi. Darslik. // Mualliflar jamoasi. Yu.f.d., prof. M.M.Mamasiddiqov tahriri ostida. // O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi., "Adolat" milliy huquqiy axborot markazi. Toshkent. 2022 y. 50-51 b.
9. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи / Дарслик. Э.Эгамбердиев, Н.Н.Тиллаев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2018. – 99 б.
10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 8-сон, 109-модда; ҚХММБ, 29.09.2017 й., 06/17/5195/0033-сон; 20.07.2018 й., 06/18/5487/1543-сон.
11. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонуни / <https://lex.uz/docs/1072079>
12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида" 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли Қарори / <https://lex.uz/docs/4711311>
13. ҚХММБ, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон; 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.



Гулум ШОДИЕВ,

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
марказ катта прокурори, юридик
фанлари номзоди, доцент

ЎЗБЕКИСТОН ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА РЕАБИЛИТАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ

**Асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган,
шунингдек адолатсиз тарзда жазоланган шахсларни ре-
абилитация қилиш, уларга етказилган зарарларни қоплаш
билан боғлиқ масалалар қадимдан долзарб ҳисобланган.**

Ўрта Осиё, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини араблар босиб олиб мусулмон ҳуқуқи амал қилгунга қадар бўлган даврда мавжуд бўлган давлатларда “Авесто”да бўлганидек одат ҳуқуқи амалда бўлган. Бу даврларда амалда бўлган ҳуқуқ тизимларида реабилитация аломатларини учратмаймиз.

Мовароуннаҳрда ислом ҳуқуқи асосий институтларининг ташкил топиши ва шаклланиш жараёни (VIII-XIII асрлар) ислом динининг тарқалиши ва унинг тадрижий ривожланиши муқаррар тарзда ислом ақидалари, маҳаллий анъаналар ва урф-одатлар ўзаро таъсирга киришиши ва бир-бири билан боғланишига олиб келди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда ислом ҳуқуқи (фиқҳ) ёки шариат аҳкомлари ўтган асрнинг йигирма бешинчи йилларига қадар давлат ҳокимияти тузилмалари, жумладан, қозилик амалиётида қўлланилгани боис миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқ тарихи ўзаги деб қаралади.

Ислом ҳуқуқида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш билан боғлиқ қоидалар, тартиб-тамоийиллар, метъёрлар, бир сўз билан ифодалаганда, ҳуқуқий нормалар жуда мукамал тарзда ишлаб чиқилган ва давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи — қози маҳкамаси томонидан ҳар қандай низолар мазмунан ҳал этилган. Ислом ҳуқуқида ҳам давлат ва жамиятда ҳар бир инсоннинг тенг ҳуқуқли эканлигини таъминлаш чорасини кўришга масъуллиги акс этган.

Мусулмон ҳуқуқий фалсафасига кўра, суд фаолияти натижасида содир этилган ғайриқонуний ҳаракатнинг диний-ижтимоий хавфлилик даражасини ва уни содир этган айбланувчини шариат қонунлари асосида аниқлашни, етказилган зарарни қоплатиш (хун олиш)нинг салбий оқибатини тугатишни назарда тутган.

Жумладан, Бурхониддин Марғинойнинг “Ҳидоя” асарида келтирилишича қозиларнинг ҳукм чиқаришига сабаб бўлган гувоҳлар ҳукм чиқарилганида берган гувоҳликлари сабабли муддао алайҳи(жавобгар) га етказган зарарларининг товонини тўлашлари вожиб бўлади.

Агар қози уларнинг гувоҳликларига асосланиб ҳукм чиқарган бўлса, сўнг гувоҳлар (ўз гувоҳликларидан) қайтишса, ҳукм бекор қилинмайди. Чунки, гувоҳларнинг охириги айтган гаплари аввал айтган гапларига зид келмоқда. Шунинг учун гувоҳликларнинг бир-бирига зид келиши сабабли ҳукм бузилмайди. Сабаби, агар ҳукм чиқарилганидан кейин гувоҳлар ўз гувоҳлигидан қайтишса ва шу сабабли чиқарилган ҳукм бекор қилинса, бу ҳолат гувоҳликдан қайтишнинг чексиз миқдорда такрорланишига олиб келиши мумкин. Чунки, гувоҳ кейин яна келиб, охириги айтган гапидан ҳам қайтиши мумкин. Бундай ҳолатда эса аввалги гувоҳликни яна қайтариш керак бўлади. Шунинг учун ҳам аввалги гувоҳлик асосида чиқарилган ҳукм гувоҳларнинг ўз гувоҳликларидан қайтиши сабабли бекор қилинмайди.

Мазкур асарда қозилар томонидан низоларни кўриб чиқиш жараёнида инсон ҳуқуқлари фақат қонун асосида ва қонунда белгиланган тартибда таъминланиши, шахсга нисбатан жиноят ишлари кўриб чиқилишида, агар шахснинг ҳуқуқлари бузилган бўлса, унинг реабилитацияси қандай тартибда ҳал этилиши масалалари ёритилган.

Мамлакатимизда 1864 йилда қабул қилинган “Жиноят ишларини юритиш низоми” Туркистон ўлкасида ҳам маҳаллий ҳуқуқий манбалар, шу жумладан шариат, одат нормалари билан бирга қўлланиб келинган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг тарихий аҳамияти шуки, у реабилитациянинг бошланғич даврларини ўрганиш, бугунги кун билан қиёслаш ҳамда зарур хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун ўта муҳимдир. Хусусан, юқорида тилга олинган Низомнинг 32-моддасида жиноят судида нотўғри айбловдан оқланган шахсга етказилган зарарни ундириш ҳуқуқи таъминланиши белгиланган. Шунингдек, ушбу низомнинг 121-бандида судья судланувчига нисбатан оқлов ҳукми чиқарса, прокурорни суд харажатларини тўлашга, айбланувчи томонидан талаб қилинса, кўрилган зарарларни қоплашга ҳукм қилиш назарда тутилган.

780, 782-бандларида оқланган судланувчига уни судга ноҳақ олиб келиш орқали унга етказилган зарарлар учун компенсация талаб қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

781-бандида айбланувчи ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилиши учун ҳар қандай ҳолатда ҳам оқланган бўлиши шартлиги мустаҳкамланган. Бундан ташқари, 783-784-бандларига кўра оқланган шахс, суд терговчиси ва прокурорнинг сабабсиз, ҳатто ғараз ниятда ёки қийноқ қўллаб ҳаракат қилганликларини исботлай олса улардан ўзига нисбатан етказилган зарарни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Юқоридагилардан ташқари низомда:

- реабилитация ва унга тегишли зарарни қоплаш тўғрисидаги қоидалар дастлаб қонуннинг асосий, умумий қоидаларида шакллантирилган бўлиб, бу уларнинг жиноят процессидаги роли ва аҳамиятини кўрсатади;
- маънавий зарарни қоплашнинг усули сифатида, суд терговчиси ва прокурорнинг реабилитация қилинган шахсдан кечирим сўраши қонун билан мустаҳкамланган;

- гумон қилинувчи ёки айбланувчи вафот этган тақдирда, жиноят иши марҳумни реабилитация қилиш учун зарур бўлган ҳолларда тугатилмаслиги белгиланган;

- агар реабилитация этилиши лозим бўлган шахс вафот этса, унинг оила аъзолари товон пулини талаб қилиш ҳуқуқини қонуний равишда мустаҳкамлаш, зарарни қоплаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини кенгайтириш ва конкретлаштириш назарда тутилган.

Ҳуқуқий институт сифатида реабилитация “бир хил ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва бир ёки бир неча ҳуқуқ тармоқларига кирувчи ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида гуруҳи” шаклида намоён бўлди.

Бу мезонларга айбсизларнинг олдинги ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш тартиби, пок номининг оқланиши ва уларга етказилган зарарни қоплашни белгиловчи нормалар киритилган. Улар ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқ белгиланган субъекти – ноқонуний ёки ғайриқонуний жиноий жавобгарликка тортиш натижасида зарар етказишдан келиб чиқадиган муносабатлар, яъни реабилитация қилиш муносабатларини тартибга солган.

Ўзбекистон ССРнинг 1926 ва 1929 йиллардаги Жиноят-процессуал кодексларида реабилитация институтига оид нормалар ўз аксини топмаган.

Реабилитация масаласи Ўзбекистонда олиб борилган қатағон сиёсатининг фожиали оқибатларини бартараф қилишда муҳим ҳуқуқий механизмлардан бири бўлди, бироқ шуни эътироф этиш лозимки, кейинчалик судлар қатағон қурбонларини фақатгина оқлаш билан чекланган бўлиб уларнинг бошқа ҳуқуқлари тикланмасдан қолган.

СССР Министрлар Советининг 1955 йил 8 сентябрдаги "Асоссиз жиноий жавобгарликка тортилган ва кейинчалик реабилитация қилинган фуқароларнинг меҳнат стажи, ишга жойлаштириш ва пенсия таъминоти ҳақида" 1655-сон қароридан реабилитация қилинган фуқароларнинг жазони ижро этиш жойлари ёки қувғинда бўлган вақти умумий меҳнат стажи ва мутахассислик бўйича иш стажига қўшилиши, бу ҳақда меҳнат дафтарчасига қайд қилиш, уй-жой ҳуқуқларини тиклаш ҳақида кўрсатма берилди.

Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодекси 2-моддасида бирон-бир айбсиз шахс жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва судланмаслиги жиноят суд ишларини юриштириш вазифаси этиб белгиланганлиги, реабилитация институтини такомиллаштиришда муҳим асос бўлди. Бироқ, реабилитация институтини тартибга солувчи нормалар алоҳида бобда тартибга солинмаганлиги, унга бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиш асослари белгиланмаганлиги ва процессуал жиҳатдан тартибга солинмаганлигини ўша даврдаги сиёсий муҳит билан изохлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 1978 йилдаги Конституцияси 56-моддасида илк бор Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида етказилган зарарнинг қопланишига бўлган ҳуқуқлари эътироф этилди. Бироқ, ҳуқуқ мавжуд бўлсада жавобгарлик субъекти кўзда тутилмаганлиги, шунингдек мазкур ҳуқуқдан фойдаланиш механизми назарда тутилмаганлиги сабабли ушбу ҳуқуқдан амалда фойдаланиш деярли имконсиз эди.

1981-1982 йилларда бу масалада махсус норматив ҳужжатлар: СССР Олий Совети Президиумининг 1981 йил 18 майдаги "Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида фуқароларга етказилган зарарнинг қопланиши" ҳақида Фармони, "Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг ноқонуний ҳаракатлари натижасида етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисида" Низом қабул қилинди.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур фармон ва низом билан реабилитация нафақат суд томонидан оқланиш, балки асоссиз жиноий жавобгарликка тортилган шахсга нисбатан жиноят ишининг тугатилиши, ноқонуний ушлаб туриш ва қамоққа олиш ва сақлашга нисбатан ҳам татбиқ қилиниши эътироф этилди.

Бироқ мазкур низом ва фармонда маънавий зарарни қоплаш кўзда тутилмаган бўлиб, ҳуқуқларни тиклаш тартиби мураккаб бўлган.

Юқоридаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг 1982 йил 28 октябрдаги Фармони билан Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилдаги Жиноят-процессуал кодексига янги модда 471-модда киритилиб суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суднинг фуқарога ноқонуний ҳаракатлар натижасида етказилган зарарни қоплаш мажбурияти белгиланди. Яъни, жиноят иши реабилитация қилувчи асосларга кўра тугатилганида, шунингдек оқлов ҳукми чиқарилганида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд фуқарога бузилган ҳуқуқларини тиклаш тартибини тушунтириши ва фуқарога ноқонуний судланиши, ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ноқонуний қўлланиши натижасида фуқарога етказилган зарарни қоплаш бўйича қонунда белгиланган чораларни кўриши шартлиги белгиланди. Яъни, амалдаги ЖПКдан фарқли равишда реабилитация асослари ва тартиби фақатгина битта моддада тартибга солинди, шу билан бирга механизми белгилаб берилмаганлиги сабабли кўпроқ декларатив характерга эга бўлди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида Жиноят-процессуал кодекси 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинди. Кодексда реабилитация институ-

ти алоҳида бўлим шаклида киритилди ва ҳозирги вақтга қадар такомиллаштирилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг еттинчи бўлим, 37, 38-боблари реабилитация институтини тартибга солувчи нормалардан иборат бўлиб, реабилитация этиш учун асослар, реабилитация этилишининг оқибатлари, мулкӣ ва маънавий зарар, зарарни қоплаш манбалари, реабилитация этилган шахснинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш, ҳарбий хизматчиларни реабилитация қилиш масалалари ёритилган.

Шунингдек, реабилитация тармоқлараро ҳуқуқий институт бўлганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Бюджет, Меҳнат, Уй-жой кодекслари ва бошқа бир қатор қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан реабилитация институтининг шаклланиши ва ривожланишини тўртта асосий босқичга ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Биринчи босқич – бу институтнинг келиб чиқиши мамлакатимиз ҳудудидан "Авесто" да илк марта оқлов ва афв тушунчалари шаклида реабилитациянинг моҳиятан пайдо бўлиши даври, том маънода реабилитациянинг яратилишига илк қадам дейиш мумкин.

Иккинчи босқич ушбу даврда шариат ҳуқуқи нормалари асосида иш юритилиб, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш билан боғлиқ қондалар, тартиб-тамоийлар, меъёрлар, бир сўз билан ифодаланганда, ҳуқуқий нормалар жуда мукамал тарзда ишлаб чиқилган ва давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи қозилик маҳкамасида ҳар қандай низола кўриб чиқилиб, мазмунан ҳал этилган.

Бу даврда оқланган шахсни реабилитация этиш ўзига хос тарзда амалга оширилган бўлиб, унга кўра қозилар ҳукм чиқаришида гувоҳларнинг кўрсатувларига асосланишган, шу боисдан оқланган шахсга етказилган зарарлар давлатдан ҳам, қозилардан ҳам эмас, балки ноқонуний ҳукм чиқарилишига сабабчи бўлган гувоҳлардан ундирилган.

Учинчи босқич Чор Россияси томонидан мамлакатимиз ҳудудининг ишғол этилиши ва бу даврда рус қонунчилиги асосида қабул қилинган ҳужжатларда реабилитациянинг ҳозирги даврда қўлланиётган намуналарини кўришимиз мумкин. Хусусан, бу даврда реабилитация институт сифатида шаклланган. Бу босқичнинг хусусиятларидан бири давлат кўпгина нормаларда қонунга хилоф жиноий жавобгарликка тортилган ёки ноқонуний судланган шахсларга нисбатан етказилган зарарни қоплашни ўз зиммасига олишдан бош тортган. Ушбу давр реабилитация институтининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири маънавий зарарни қоплаш, шахснинг бузилган ҳуқуқлари ва шаъни, кадр-қимматини тиклаш бўлган. Бу даврда реабилитация муносабатлари давлат ҳуқуқий муносабатлари сифатида кўриб чиқила бошланганлиги ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Тўртинчи босқич Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексидан реабилитация институтини тартибга солувчи нормалар алоҳида бўлим тарзида белгиланганлиги, ҳамда ушбу институт тармоқлараро бўлганлиги ва замон талабларига асосан такомиллаштирилиб борилаётганлигини айтиш мумкин. Тўртинчи босқичнинг ўзига хос хусусияти шундаки, реабилитация масаласи ва зарарни қоплаш масаласи тўлиқ қонунчилик билан белгиланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Раҳмонов, А.Раҳмонов Ислом ҳуқуқи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т.: "ТДЮИ" нашриёти, 2003. - 6 Б.
2. М.Ражабова Ислом ҳуқуқи: жиноят ва жазо. Ўқув қўлланма. - Т.: "Ўзбекистон халқаро ислом академияси", 2021. - 18Б.
3. М.Ражабова Ислом ҳуқуқи: жиноят ва жазо. Ўқув қўлланма. - Т.: "Ўзбекистон халқаро ислом академияси", 2021. - 20Б.
4. З.Муқимов Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Т.: "Адолат", 2003. - 127 Б.
5. Устав уголовного судопроизводства 1864 года. - Российское законодательство X-XIX веков. Судебная реформа. Т. 8, М.: 1991. 127- 128 с.

АЛИМЕНТ ОЛИШ БОЛАЛАРНИНГ ХУСУСИЙ МУЛК ХУҚУҚИ СИФАТИДА

Болалар жисмоний ва маънавий камол топишлари учун уларнинг мулкый манфаатлари ҳуқуқий таъминланмоғи лозим. Эр ва хотиннинг никоҳ қуриб яшаган вақтидан бошлаб то уларнинг никоҳлари ажралгунига қадар бўлган давр оралигида вояга етмаган фарзандларининг мулкый ва номулкий ҳуқуқларини бузмаслик, уларни чекловларсиз амалга оширишларига шароит яратиб бериш нафақат эр ва хотинга, балки бошқа давлат органлари ва муассасаларига алоҳида масъулият юклайди.

Чунки, соғлом руҳиятда вояга етган ҳар бир фарзанд дунёқараши теран, ўзи яшаб турган ватанининг ривожланиши ва равнақи учун ҳисса қўшадиган инсон бўлиб камолга етади. Жамиятнинг олдида турган энг асосий вазифа ҳам айнан шу ҳисобланади.

Ҳуқуқшунослар Д.М.Қараходжаева, Т.В.Кочергина, У.Шорахметоваларнинг фикрича, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мулкый ҳуқуқлари доимий эътиборни талаб қилади. Ш.Р.Юлдашевнинг таъкидлашича, васийлик ва ҳомийлик институтини қўллаш мулкый ҳуқуқларни ҳимоя қилишда муҳим. Бу борада О.Оқюловнинг ота-оналик мажбуриятини бажармасликка доир фикрлари алоҳида эътиборга молик. Чунончи, унинг фикрича, алимент тўловчи расмий даромад манбасига эга бўлмаслиги мумкин. Судлар томонидан бундай низолар кўриб чиқилишида эгри далилларни асослантирувчи ҳолат сифатида қўллаши қийин.

М.В.Антоколскаянинг таъкидлашича, ота-онанинг ўз фарзандларини боқишга доир мажбуриятларини бажармаслиги, шу жумладан алимент тўламаслиги ота-оналик мажбуриятларини бажармаслик бўлиб ҳисобланади. Е.Е.Богданованинг фикрича, агар ота-оналар алимент тўлашдан бош тортиш, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш, болалар билан шафқатсиз муносабатда бўлиш каби ўз мажбуриятларини бажармаса ёки болаларга жисмоний ва руҳий тазйиқ ўтказса ёхуд уларнинг жинсий дахлсизлиги ва ҳ.к.ларга қасд қилса, васийлик ва ҳомийлик органи судга даъво билан мурожаат қилиб бундай ота-оналарни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўраши зарур.

Д.Бабажанова ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари алоҳида тадқиқ этар экан, ҳар бир ҳолатда суд томонидан иш материаллари тўлиқ ва тизимли равишда кўриб чиқилиши, исботлаш ва далилларнинг тақдим этилиши учун суднинг ўзи ҳам ташаббус кўрсатсагина боланинг манфаатлари учун алимент ундиришга доир адолатли ҳал қилув қарори қабул қилиниши мумкин.

Қонун нормаларида белгиланган болаларнинг ўзлари тегишли бўлган мулклари ва мулкый ҳуқуқлари эр ва хотин никоҳдан ажрашгандан сўнг, қанчадир миқдорда чекланади. Хусусан, агарда боланинг яшаш жойи онаси билан ёки тарбия қилувчи шахс унинг онаси этиб белгиланган ҳолларда, унда отасининг уйда бола яшаган даврда фойдаланиб келган шахсий фойдаланишдаги буюмлари қолиб кетади. Натижада, боланинг ўзига тегишли бўлган мулкларидан фойдаланиш ҳуқуқи чекланиб қолади. Бун-

дан кўзланган мақсад эса, ўша киритиш даъво қилинаётган уйда яшаш эмас, балки, ўзига ва фарзандига тегишли бўлган шахсий фойдаланишдаги буюмларни олиб чиқиб кетиш ҳисобланади. Бу эса албатта судларга қўшимча юклама ва иш ҳажмининг ортишига сабаб бўлади.

Гарчанд, қонун бола ўз хусусий мулкнинг эгаси эканлигини белгилаб берса-да, бироқ ундан фойдаланишда юзага келиши мумкин бўлган чекловларни бартараф этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ҳолатлари очиқ қолиб кетган, яъни боланинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши асослари таъминланмаган, амалиётда юзага келиши мумкин бўлган қонун бузилиш ҳолатларини тартибга солувчи нормалар ишлаб чиқилмаган. Никоҳдан ажратиш жараёнида болаларнинг хусусий мулки масаласи тўлиқ ҳал қилинмаган. Муаллифнинг фикрича, оила қонунчилигида алимент олишга оид ҳуқуқларини ҳам мулкый ҳуқуқ (талаб қилиш ҳуқуқи) қаторига қўшган ҳолда болаларнинг хусусий мулкига оид муносабатларни мустақамлаш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан амалдаги Оила кодексининг 93-моддасига қуйидагича 5-банд билан тўлдириш киритиш орқали эр ва хотин никоҳдан ажрашгандан кейин ҳам уларнинг вояга етмаган фарзандлари ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз: **“Эр ва хотин никоҳда бирга яшаган даврда ҳам, улар никоҳдан ажрашган даврда ҳам уларнинг вояга етмаган фарзандларига эр-хотин ёки улардан бири томонидан фарзандларининг то вояга етгунига қадар тўланадиган алимент тўловлари ёки бошқа турдаги таъминот шакллари болаларнинг хусусий мулки ҳисобланади.”**

Маҳлиё УСМОНОВА,

Фарғона давлат университети ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Антокольская М.В. Семейное право. М., 1997 г.
2. Богданова Е.Е. Процессуальное положение органов опеки и попечительства при рассмотрении судами споров о воспитании детей. //Частное право. 2019. №2 (147), -45 б. (-41-47 с.)
3. Бабажанова Д.И. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари оилавий-ҳуқуқий тартибга солиниши. юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Т.: ТДЮУ, 2020. 128-б.
4. Инамджанова Г.С. Ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқларини оила ҳуқуқий ҳимоя қилиш муаммолари. – Т.: 2005. – Б 133.
5. Қараходжаева Д.М., Кочергина Т.М., Шорахметова У.Ш. Семейное право. Учебник.– Т.: Издательство ТГЮИ, 2010. -170 б.
6. Оқюлов О. Алимент муносабатларида шахснинг мулкый аҳволи. //Одиллик мезони. 2019. №7. 51-б. (48-51б.).
7. Юлдашева Ш.Р. Фуқаролик ва оила ҳуқуқида васийлик ва ҳомийлики моҳияти, уни амалга ошириш усуллари. Юрид.фан.номз.дисс.....–Т.: ТДЮИ, 2005. 87 б.

КРЕДИТ ШАРТНОМАСИДА “ҚАРЗГА БОТМАСЛИК” ШАРТЛАРИ

Бугунги кунда кредит асосида уй-жой, автомашина, маиший жиҳозлар сотиб олиш, тадбиркорликни йўлга қўйиш, таълим кредити олиш жадал тусга кириб бормоқда. Биргина ўтган йил давомида тижорат банклари томонидан 2,7 трлн. сўмлик таълим кредитлари, 2023 йил 3 ойида 3,2 трлн. сўмлик ипотека кредитлари ажратилган. Гарчи кредит олиб бирор-бир иқтисодий муаммони ҳал қилиш яхши. Лекин, ҳаммамиз ҳам кредит олишдан олдин қарзга ботишимиз мумкинлигини хаёлимиздан ўтказавермаймиз, тўлай оламан деб ўйлаймиз.

Хўш, олинган кредитлар юзасидан қарзга ботмаслик учун нималар қилишимиз ва қандай йўл тутишимиз лозим?

Ҳар қандай банк кредит бериши эвазига олинадиган фойдадан кун кўриши сир эмас. Бунда банк бераётган пул савдонинг предмети бўлади. Ҳеч бир банк текинга фойдаланиб туриш учун пул бермайди, берган тақдирда ҳам бу пуллари қайтариш кафолатини, фоизини давлат (ва ёки бошқа ташкилот) зиммасига олган бўлади.

Агар банкка кредит олмоқчи бўлиб борсангиз албатта бир қанча ҳужжатлар сўралади, оғзаки сўровлар амалга оширилади. Жумладан, оғзаки сўровлар амалга оширилганда Сиз кредит олиш учун зарур деб ҳисоблаган саволларгагина жавоб беришга ҳақлисиз. Хусусан, яқин қариндошларингизнинг телефон рақамлари, манзиллари ва даромадлари ҳақида маълумотларни беришга мажбур эмассиз.

Шартномани имзолашдан олдин асосий шартлари билан танишиб чиқинг. Қўяётган гаров предметингизнинг суммаси қанчага баҳоланганлиги, банкка бир йил давомида тўлайдиган қўшимча пулларингиз суммаси, яъни банкка тўланадиган барча коммиссион пуллар, фоизи, жарима ва пеня суммаси қанчадан иборатлигини билиб олишингиз фойдадан холи эмас.

Тезда расмийлаштириладиган кредитларни олишдан сақланган маъқул. Сабаби, бундай кредитлар жуда тез расмийлаштирилсада қайтмаслик хавфи юқори бўлганлиги, гаров билан таъминланмаганлиги сабабли одатда фоизлари юқори бўлади. Кўпчилик тезлик билан телефон, маиший техника кабиларни қўлга киритиш ҳақидаги ҳис-ҳаяжонга берилиб шундай шартномани тузадилар.

Ҳамма биладики, шартнома ўқиб чиқилиб кейин имзоланиши керак. Лекин, одатда кредит шартномалари ўқиб чиқилмасдан юзаки қараб имзоланади. Бунинг сабаблари сифатида кредитга буюртма бериш, ҳужжатлар йиғиш давомида шундай кредит олишга бўлган хоҳишингизни ўзингизга жуда мустаҳкам сингдириб олишингиз, кредит берувчи банк ходимининг имзоингизни кутиб туриши, тезроқ кредит олишга бўлган иштиёқингиз кабиларни кўрсатиш мумкин. Агар сиз эринмасдан шартнома билан танишиб чиқсангиз бир қолипга солинган шартномани Сизга ноқулай бўлган баъзи шартларга рози бўлмаслигингиз ва ўзгартириш киритишни таклиф қилишингиз мумкин, бу сизнинг ҳуқуқингиз. Сиз шартнома билан танишиб чиқиш учун уйингизга олиб кетишингиз ҳам мумкин, бордию бунга қаршилик қилинса “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида бегиланган ҳуқуқларингиздан фойдаланиб истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколатли давлат органларига ёки судга мурожаат қилсангиз бўлади. Шунингдек, Сиз бир неча банкларнинг

шу турдаги кредитлар бўйича шартномалари билан танишиб чиқишингиз ва қайси банкнинг кредит шартлари маъқул келса шу билан шартнома тузишингиз мумкин. Майда ҳарфлар билан ёзилган шартнома бандлари мавжуд бўлганда, бунга кўпроқ эътибор қаратинг, чунки шу бандларда мижозга манфаатли бўлмаган шартлар кўрсатилган бўлади.

Кредит олишни Сиз мустақил ҳал этасиз банк ходими эса фақат банкнинг қоидаларини тушунтиради, холос. Банк ходими Сизнинг шартнома бўйича берилган барча саволларингизга, жумладан тўлов фоизларини ҳисоблаш, тўлов графигини тушунтириш ва гаровга қўювчида юзага келиши мумкин бўлган хатарлар юзасидан берган саволларингизга жавоб беришга мажбур. Сиз банк ходими қандай сонларни айтаётганлигига ва берилган графикдаги сонлар қандайлигига эътибор бериб боринг.

Катта миқдордаги кредитларни олишга кўпам ошиқмаган маъқул (имтиёзли кредитлардан ташқари). Сабаби, ошиқча пул тўлагандан ёки қарзга ботгандан кўра кўпроқ ишлаб ёки ишингизни ўзгартириб кечроқ бўлсада нақд пулга шу нарсани олиш афзалроқ. Даромадларингизни келажакингиз учун олиб қўймоқчи бўлсангиз, ўзингиз ишлаб топишингиз мумкин бўлган шунча пуллари ҳар ойда юқори ставкадаги кредит фоизларини тўлаш учун сарф қилмаганингиз маъқул.

Жўрабек КАРАБОЕВ,

Бўстон туманлараро иқтисодий судининг раиси.

*Илм танҳоликда ҳамроҳ,
хилватда дўст, тўғри
йўл кўрсатувчи далил,
хурсандлигу хафалик пай-
тида кўмакчи, дўстлар
олдида вазир, бегоналар ол-
дида яқин дўст ва жаннат
йўлининг минорасидир.*

**Муоз ибн
ЖАБАЛ**

ЯНГИ ҚОНУН — ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши кураш масаласи ҳар бир давлат ва жамиятда ечими топилиши зарур бўлган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан бошлаб жиноятчиликка қарши курашиб унинг олдини олиш юзасидан зарур чора тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши кураш ва жиноят-ҳуқуқий сиёсати соҳасида ислохотлар амалга оширилиб, унда жиноий жазоларни либераллаштиришга алоҳида эътибор берилляпти.

Таъкидлаш ўринлики, жиноят-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштиришга мустақилликнинг илк кунларидан эътибор берилди ҳамда унинг асосий мақсади сифатида адолат ва инсонпарварлик тамойилларини таъминлаш, жиноий жазо тизимидаги жазолаш функцияларини торайтириш йўлидан бориш белгилаб олинди. Шу ўринда жиноят-ҳуқуқий сиёсатида либераллаштириш дейилганда нима англашилишини билиш учун либераллаштириш тушунчасига мурожаат қилиш лозим.

“Либераллаштириш” сўзи латинча “liberalis” – ҳур фикрли, эркин деган маъноларни англатади ва у шунчаки эркинлик эмас, балки инсоннинг эркин фикрлаш, инсон фаолиятининг турли соҳалари ҳақида ҳукм чиқариш, шу жумладан, ҳар қандай сиёсий тузумга баҳо бериш, уни танқид қилиш қобилиятини ифодалайди. Либераллаштириш фалсафий ва ижтимоий-сиёсий йўналиш бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва шахсий эркинликларининг мустақиллигини англатади. Либерализм фалсафа институтларидан саналиб, озодлик ёки эркинлик тушунчалари турли тарихий даврларда турлича талқин қилиниб келинган. Либерализм атамаси XVII-XVIII асрларда Европа мамлакатларида юзага келган ва ғоялари илк бор АҚШ конституцияси ҳамда “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси”да мужассам бўлган.

Ҳўш сиёсий ҳаётда либерализм эркинлик, ҳур фикрлилик экан. Жиноят-ҳуқуқий сиёсатдачи? Жиноят-ҳуқуқий сиёсатда либераллаштириш – бу жиноят қонунчилиги, жиноий таъкиб, дастлабки тергов, суд муҳокамаси жараёнида жазо тайинлашда ва жазони ижро этиш шартлари, шунингдек жиноятчиликнинг олдини олиш жараёнлари билан ифодаланган амалдаги жиноят қонунчилигини инсонпарварлаштириш жараёнидир. Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислохотларнинг асосини инсонпарварлик тамойиллари ташкил этади. Инсонпарварлик либераллаштириш жараёнининг таркибий қисми сифатида у орқали ҳозирги кунда жазолаш хусусияти билан ажралиб турадиган ҳуқуқни қўллаш соҳасини эркинлаштириши мумкин. Чунки, либераллаштириш сиёсатининг энг асосий бугини бўлмиш жамиятни демократлаштириш жараёнида инсонпарварлик катта аҳамият касб этади. Лекин, шу тамойилларнинг ўзи шахсга нисбатан бўлган айбдорлик шакли, сабаблар ва мақсадлар бўйича фарқланадиган тажовузларга айнан битта жазо чорасини тайинлашга йўл қўймайди. Жиноят ҳуқуқи ижтимоий моҳиятига кўра

жабрланувчиларни эмас, балки жиноятларни улар содир этган қилмишлар хусусияти ва оғирлик даражасига кўра фарқлайди.

Сўнги 20 йил ичида Ўзбекистонда жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсати олиб борилмоқда. Бу билан Жиноят кодекси аксарият моддаларининг оғирлиги пасайтирилган, бир қатор жиноятларда зарар қопланса озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш тақиқланган, жабрланувчи билан ярашган тақдирда жиноий жавобгарликдан қутулиш имконияти жорий этилган, шунингдек, амнистия ва охириги 5 йил ичида — жазодан шартли равишда озод қилиш кенг қўлланилган.

2001 йилда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши бу борада ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди. Мазкур қонунга кўра, жиноятларнинг таснифлари ўзгартирилди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифалардаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Натижада Жиноят кодексининг оғир ва ўта оғир жиноятларни назарда тутувчи моддалари салмоғи анча қисқартирилди. Ҳозирда фақат оғир ва ўта оғир жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланмоқда. Қолган барча тоифадаги жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар қўлланилмоқда. Сўнги йилларда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан озодликдан маҳрум қилиш, жойларида сақланаётган маҳкумлар сонининг икки баробарга камайгани бу соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг ижобий натижалар берганлигини кўрсатади.

2016 йилнинг охириги чорагидан бошлаб давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш сиёсати устувор аҳамият касб этиб, сиёсий жараёнларда демократик тамойиллар устунлик қила бошлади. Инсоният тарихида жамият ривожланиши, ҳуқуқий онг ва маданиятнинг оммалашуви натижасида жиноят-ҳуқуқий сиёсат либераллашуви жадаллашди. Жиноий жазони либераллаштириш жараёни жуда кенг қамровли тушунчаларни ўз ичига олади. Бунда нафақат Жиноят кодексининг умумий қисмидаги айрим институтлар янги мазмун билан бойитилади,

балки махсус қисмидаги меъёрлар санкциясида кўрсатилган жазо тури ва миқдорини камайтириш билан боғлиқ масалалар таҳлил этилади. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим вазифаларидан бири Жиноят, Жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириш ҳисобланади. Жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнлари айни кунларда ҳам давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2024 йил 15 мартда "Айрим тоифадаги жиноий қилмишлар учун жавобгарлик либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунни имзолади. Қонун билан жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштиришга эътибор қаратилмоқда.

Мазкур янги қонунда ҳам жиноий жавобгарлик билан боғлиқ санкцияларга муқобил жазо чораларини киритиш назарда тутилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида учувчисиз учадиган аппарат (дрон)лар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини белгиланган тартибда мажбурий декларация қилинадиган транзитидан ташқари қонунга хилоф равишда олиб кириш, сотиш, сотиб олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш тақиқланган. Шу билан бирга бундай қурималарни олиб кириш, реализация қилиш ва фойдаланишга рухсат бериладиган ҳолатлар ҳам белгиланган.

Жиноят кодексининг 244⁴-моддасида учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш билан боғлиқ содир этилган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Статистик маълумотларга кўра 2019-2022 йиллар мобайнида судлар томонидан ушбу модда билан 130 жиноий иш кўрилган. Жазо чоралари қатъий белгиланган бўлсада, аммо ушбу тоифадаги жиноятлар сони йилдан йилга кўпайиб бораётганини кузатиш мумкин. Жумладан, судлар томонидан 2019 йил давомида атиги битта иш кўрилган бўлса, 2020 йилда 23, 2021 йилда 41, 2022 йилда эса 65 та жиноят иши кўриб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, бундай қилмишлар фуқаролар томонидан қонунчилик талабларини билмаслик оқибатида содир этилмоқда. Бироқ, "Қонунни билмаслик – жазодан озод қилмайди", деган қоида бор. Шундай бўлсада, жазо тайинланган ҳолатларнинг 97 фоизи бўйича судлар томонидан жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш каби жазо чоралари қўлланилмоқда. Яна шуни эътироф этиш керакки, бугунги ривожланиш шиддат билан давом этаётган пайтда бундай мосламаларга барча соҳаларда талаб ортган. Туризмдан тортиб қишлоқ хўжалигигача, шоу-бизнесдан тортиб ҳарбий соҳагача, қўйингки барча-барча соҳаларда учувчисиз аппаратларга

катта эҳтиёж сезилмоқда. Биргина туризмни оладиган бўлсак, бугунги кунда республикамызда соҳани ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Туристларни жалб этиш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш кун тартибидаги асосий масалалардан саналади. Аммо, "дрон"лар билан боғлиқ чеклов чет эллик туристларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг халқаро имиджидан тортиб аҳолининг кайфиятигача ўз таъсирини ўтказмоқда. Ёки, қўтқарув-қидирув хизмати, жиноятчиликни ўз ўрнида фош қилиш дейсизми ҳаммасида ушбу кўмакчига катта эҳтиёж сезилади.

Ўрганган суд-тергов амалиётларининг таҳлили Ўзбекистон Республикаси ҳудудида учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, шунингдек, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланишни содир этганлик учун белгиланган жиноий жавобгарлик чоралари мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига номутаносиб эканлигини кўрсатди. Янги қонунда айнан мана шу ҳолатларни бартараф этиш кўзда тутилган. Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш билан боғлиқ маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи, янги 185⁴-модда киритилди. Унга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида аниқланган учувчисиз учадиган аппаратлар давлат ҳисобига мусодара қилиниши; қонунга хилоф равишда ҳаракатларни содир этган шахс, агар у учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ўз ихтиёри билан топширса, жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилди.

Ушбу тоифадаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади. Шунингдек, Жиноят кодексининг 244⁴-моддасида белгиланган санкцияларга муқобил жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш каби жазо турлари киритилди. Яъни шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши ушбу қилмишни биринчи маротаба содир этган шахслар учун жиноий жавобгарлик эмас, балки маъмурий жавобгарлик қўлланилишига асос яратади. Бу, ўз навбатида, жамиятимизда ушбу турдаги жиноятлар кўпайишининг олдини олишга хизмат қилади.

2024 йилнинг 17 июндан кучга кириши режалаштирилган ушбу қонун мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ишларнинг давомли тарзда олиб борилиши ва пировардида жамият тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши шубҳасиз.

Жаҳонгир САИДОВ,

жиноят ишлари бўйича

Мирзо Улуғбек туман суди судьяси.

ИНСОН ҚАДРИ ВА МАНФААТЛАРИ УСТУВОР ВАЗИФА!

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган кенг кўламли демократик ислохотларнинг бош мезонидир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Инсон қадрини учун” тамойили барча ислохотларимизнинг асосини ташкил этмоқда. “Инсон – жамият – давлат” деган янги ғоя асосида Ўзбекистон олдинга қараб интилмоқда.

Жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси доирасида шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаш борасида мақсадли чоралар амалга оширилмоқда.

Биз ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат бўлишимиз Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсатини қатъий давом эттирмоқдамиз. Мамлакатимиз “Инсон қадрини ва манфаатларини учун” деган эзгу ғоя асосида демократия ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган туб ислохотлар йўлидан дадил илгари бормоқда” – деди Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида.

Президентимиз ўз нутқида Ўзбекистонда янгиланган Конституция бўйича ўтказилган умумхалқ референдуми миллий тараққиётимизнинг устувор йўналишларини белгилаб берганини қайд этдилар. Асосий қонунимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар барча фуқароларнинг тенглиги, инсон ҳуқуқлари, сўз ва виждон эркинлиги принципларига садоқати яна бир бор тасдиқланди. Шу ҳуқуқий асосда қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” тараққиёт стратегияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун эканлигини таъкидладилар.

Амр ибн Ос разияллоху анху айтадилар: “Уч нарсадан зоят таажжубланаман: инсон тақдирдан қочади, ҳолбуки, қадардаги иши бўлмай қолмайди.

Киши бошқаларнинг кўзидаги зирапчани кўрадию, аммо ўз кўзидаги чўпни кўрмайди. Инсон уловидаги қайсарликларни кўриб, уни тузатишга уринади, лекин ўз нафсидаги қайсарлик ва итоатсизликка бепарво бўлади”.

“Бағдод тарихи“

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ишончли таъминлаш демократик янгиланишларнинг йўналишларидан ҳисобланади. Бу жараёнда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, суд-ҳуқуқ идоралари, шунингдек, мансабдор шахслар — давлат амалдорлари фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш орқали инсон ҳуқуқларининг таъминланишига эришиш мумкин.

“Инсон қадрини учун” ғоясидан келиб чиқадиган, ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган “Инсон-жамият-давлат” ёндашувини Конституциямиз мазмун-моҳиятига чуқур сингдирилиб, у ҳаётимизнинг бош қадриятига айланди. Бу демакки, амалга ошириладиган барча ислохотларимиз марказида инсон қадрини улуғлашга қаратилган эзгу ғоя мужассам бўлмоғи лозим. Инсон-давлат ва жамият учун мақсадга эришиш воситаси эмас, аксинча, ана шу мақсаднинг бош мазмуни ва манбаи ҳамда энг олий қадрият бўлиши лозим.

Шу боис инсон қадрини юксалтириш давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифаси бўлмоғи шарт. Конституциямизда ушбу тамойиллар аниқ ифода этилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 54-моддасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади эканлиги, давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши белгиланган.

Шунингдек, Конституциямизнинг 55-моддасига кўра ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли эканлиги, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларга содиқлиги, юртимизда кечаётган улкан ўзгаришлар ва янгиланишлар даврида аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бирламчи вазифалардан саналади. Соҳада амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотлар инсонлар ҳаётини, дунёқарашини ҳамда турмуш тарзини ўзгартирмоқда. Инсон қадрини улуғлаиб, “Давлат – инсон учун” деган эзгу ғоя ҳаётга жорий этилмоқда.

Руслан ЗАИРОВ,

Қашқадарё вилоят суди судьяси.

ИИВ ТИЗИМИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ АНИҚЛАШНИНГ ДОКТРИНАЛ МУАММОЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада фуқаролик ҳуқуқида Ички ишлар вазирлиги (бундан кейин – ИИВ) тизимидаги таълим муассасаларининг фуқаровий-ҳуқуқий мақоми аниқлаш зарурати ҳамда унинг доктринал муаммолари асосланган. Шунингдек, ИИВ тизимидаги таълим муассасаларининг фуқаролик муомаласида иштирокининг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: фуқаровий-ҳуқуқий мақом, ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати, давлат муассасаси, юридик шахсни ташкил этиши ва давлат рўйхатидан ўтказиши, тиждорат ва нотижорат юридик шахс.

ИИВ тизимидаги таълим муассасаларининг ҳуқуқ субъекти, жумладан фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши масаласи ва умумий ҳуқуқ назариясига доир адабиётларда ва “ҳуқуқ субъектлиги” тушунчасини тадқиқ этиш бўйича ҳуқуқшунос олимлар орасида маълум мунозаралар ва турли фикрлар мавжуд. Масалан, олимларнинг бир гуруҳи “ҳуқуқ субъектлиги” тушунчасини “ҳуқуқий лаёқат” ва “муомала лаёқати” категориялари билан бирлаштириб, “шахснинг ҳуқуқ субъектлиги унинг таркибий унсурлари – “ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатидан иборат”, деб айтсалар, бошқалари, ҳуқуқий лаёқатга ҳуқуқ субъектлиги маъносида қараб, “ҳуқуқ субъекти” ва “ҳуқуқ субъектлиги” категориялари бир-бирига мос келади, чунки ҳуқуқ субъектлиги ўзининг табиати бўйича шахсдан ажралмайдиган хусусият, деб ҳисоблайдилар.

Умумий қоидага кўра, ҳар қандай ташкилот қонунда белгиланган тартибда юридик шахс сифатида ташкил этилган вақтдан бошлаб ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан кейин – ФК)нинг 44-модда тўртинчи қисмига асосан, юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. Фуқаролик қонунчилиги юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини вужудга келишини давлат рўйхатидан ўтказилган вақт билан қатъий боғлайди. Яъни, юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш унинг ҳуқуқ лаёқатини пайдо бўлишининг зарурий шarti деб ҳисоблайди.

Аммо, таҳлиллар юридик шахсларнинг фуқаровий-ҳуқуқий мақомига оид нормалар ва юридик шахс мақомидаги таълим муассасаларининг ташкил этилиши ва ҳуқуқ лаёқатини вужудга келиши билан боғлиқ масалаларда миллий қонунчилигимизда ноаниқликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, ФКнинг 44-модда тўртинчи қисмида, “Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади” ва “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 15-модда тўртинчи қисмида, “Нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади”, деган қоидалар назарда тутилган бўлса, “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддаси биринчи қисмида, “Ўзбекистон Республикасининг таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари, шунингдек хорижий давлатлар таълим ташкилотларининг филиаллари юридик шахс мақоми билан ташкил этилади” ва 30-моддасида “Давлат олий таълим, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, шунингдек давлат иштирокидаги олий, ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотлари ва уларнинг филиал-

лари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилади”, деб белгиланган.

Юқоридаги нормалардаги номувофиқликлар шундан иборатки, юридик шахс (бу ўринда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча турдаги юридик шахслар назарда тутилмоқда) ФК ва “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, “Таълим тўғрисида”ги қонунда эса ваколатли давлат органи қарори қабул қилинган вақтдан ташкил топган деб ҳисобланиши кўрсатилганлигидир.

Миллий қонунчилигимизда алоҳида фуқаровий-ҳуқуқий мақомга эга бўлган давлат таълим муассасаларини ташкил этишнинг алоҳида тартиби назарда тутилган. Яъни, улар ваколатли давлат органининг қарори асосида юридик шахс мақоми билан ташкил қилинади. Шу ўринда давлат таълим муассасаларининг давлат рўйхатидан ўтказилиши мажбурийми ва агар ўтказилса қандай тартибда? Уларнинг ҳуқуқ лаёқати қачондан бошлаб вужудга келади? Қонунда давлат рўйхатидан ўтмасдан уларга юридик шахс мақоми бериш ФКнинг 44-модда тўртинчи қисмига (“юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади”) қанчалик мос келади? —деган ҳақли саволлар туғилади. Мазкур саволларга ИИВ тизимидаги таълим муассасаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш орқали жавоб топиш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Академиясини ташкил этиш тўғрисида”ги 1994 йил 2 сентябрдаги 447-сон қарори билан вазирлик тизимида энг нуфузли ҳисобланган таълим муассасаси ташкил топган. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ишлаб чиқилгунга қадар қабул қилинганлигини эътиборга олган ҳолда шунга айтиш мумкинки, унинг мазмунида юридик шахснинг фуқаровий-ҳуқуқий мақомига оид бирон-бир норма мавжуд эмас. Яъни, мазкур таълим муассасасининг юридик шахс мақоми, ташкилий ҳуқуқий шакли, давлат рўйхатидан ўтказилиши, пулли хизматлар ва даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиши каби фуқаровий-ҳуқуқий мақомига оид масалалар назарда тутилмаган. Бугунги кунда ИИВ тизимида 20 дан ортиқ юридик шахс мақомидаги таълим муассасалари ташкил этилган ва фаолият юритиб келмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, юридик шахслар умумий ва махсус фуқаровий-ҳуқуқий мақомга эга бўладилар. Фуқаролик

ҳуқуқининг субъекти ҳисобланган барча турдаги юридик шахслар умумий фуқаровий-ҳуқуқий мақомга эгадирлар. Умумий фуқаровий-ҳуқуқий мақом деганда, ФКнинг 4-бобида мустаҳкамланган: юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, унинг номи ва жойлашган ери, ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлиги каби ҳуқуқий элементларни тушуниш мумкин. Махсус фуқаровий-ҳуқуқий мақом эса маълум бир гуруҳдаги юридик шахсларнинг ўзига хос ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берадиган ҳуқуқий элементлардан иборат бўлади. Шунга биноан, ташкилий-ҳуқуқий шаклига биноан бир турдаги юридик шахслар махсус фуқаровий-ҳуқуқий мақомга эга бўладилар. Хусусан, ИИВ тизимидаги таълим муассасаларини ҳам махсус фуқаровий-ҳуқуқий мақомга эга бўлган юридик шахслар гуруҳига кириштириш мумкин. Бунда уларнинг фуқаровий-ҳуқуқий мақоми ўзига хос хусусиятга эга ва булар махсус қонун ҳужжатлари билан белгиланади (масалан, уларни банкрот деб топиш мумкин эмаслиги, кимосди савдоларида, хусусийлаштириш каби ҳар қандай фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда иштирок эта олмаслиги ва ш.к.).

ФКга асосан муассасалар нотижорат юридик шахсларнинг бир тури ва алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланади ҳамда улар фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчиларидир. Бирок, ҳар қандай муассасани, шу жумладан ИИВ тизимидаги таълим муассасаларининг ҳаммасини ҳам юридик шахс деб бўлмади, балки ФКнинг 39-моддасида белгиланган шартларга жавоб берадиган ташкилотларгина юридик шахс мақомига эга дейиш мумкин. Фуқаролик ҳуқуқида умумэтироф этилган анъанага кўра, юридик шахслар фаолиятининг мақсадига кўра тижорат ва нотижорат ташкилотларига бўлинади.

Фуқаролик ҳуқуқида юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини аниқлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, ҳар бир юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзига хос хусусиятларга эга. Фуқаролик ҳуқуқида ташкилий-ҳуқуқий шакл – бу ташкилотнинг ўз фаолиятини қайси доирада амалга ошироқчи эканлигини акс эттирувчи шаклдир. Масалан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини, шунингдек ижтимоий-маданий вазифаларни ҳамда тижоратдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга оширишувчи ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига “Муассаса” дейилади (ФК 76-м.). Шу билан бирга, муассасанинг ҳар бири ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий шаклга ҳам эгаки, бу ҳолат уларнинг фуқаролик муомаласида яққол намаён бўлади. Хусусан, ижтимоий-маданий вазифаларни амалга оширувчи ИИВ тизимидаги таълим муассасалари, вазирлик тизимидаги давлат ҳокимияти ва бошқарувини амалга оширувчи Ички ишлар органларига нисбатан фуқаролик муомаласида кенгроқ (масалан, пулли таълим хизматларини кўрсатиш, тадбиркорлик фаолияти ва бошқа даромад келтирадиган фаолиятни амалга ошириш ва ш.к.) иштирок этадилар. Бу ҳолат ҳар бир муассасанинг ўз уставида аниқ қилиб белгилаб қўйилади. Зеро, ФКнинг 40-моддаси тўртинчи қисмида мустаҳкамланганидек, “Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин”.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг алоҳида тури сифатида белгиланган “Муассасалар”га, ФКнинг 76-моддасида “Бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса

ҳисобланади”, дея ҳуқуқий таъриф берилган. Таъкидлаш лозимки, ушбу модда (ФК 76-м.) “Муассасалар” тушунчасини умумий тартибда белгилаб берган. Аммо, мазкур модда нормалари мазмунига эътирозли асослар бўлмаса-да, бошқа амалдаги қонунчилик нормалари билан номувофиқликлари мавжудлигини айтиш керак. Масалан, Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасида муассасага қуйидагича таъриф берилди: “Ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти муассаса деб эътироф этилади”. Яъни, мазкур моддада биринчидан, муассасаларнинг бошқарув вазифаси белгиланмаганлигини ҳамда иккинчидан, муассасаларни нодавлат ташкилот сифатида эътироф этилганлигини ва бу қоидалар ФКнинг 76-модда нормалари билан уйғун эмаслигини англатади. Чунки, миллий қонунчилигимизга кўра, биринчидан бошқарув вазифаларини амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган муассасалар ҳам фаолият юритсалар, иккинчидан муассасаларнинг фақат нодавлат эмас, балки давлат муассасалари шакли ҳам мавжуд.

Албатта бу ўринда, ФКда муассасаларнинг “давлат муассасалари” ва “хусусий муассасалар” шаклида ташкил этилишлари ҳақида аниқ норма мавжуд эмаслигини ҳам таъкидлаш керак. Мазкур масалада цивилистикада фикрлар яққил эмас ва баъзи ҳуқуқшунослар бунга зарурат йўқ эканлигини ҳам айтадилар. Масалан, цивилист олимлардан академик Ҳ.Раҳмонқулов, “муассаса тушунчаси, унинг мулкнинг қайси шаклига асосан ташкил этилган бўлишидан қатъий назар бир хил маънода ифодаланади ва қонунчиликда, агар муассаса хусусий мулкка асосланган бўлса, у фақат “муассаса” атамаси билан, давлат мулкига асосланган бўлса “давлат муассасаси” атамаси билан ифодаланади”, деб таъкидласа, Е.Ю.Полотовскаянинг фикрига кўра “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари давлат муассасалари сифатида тан олинмаслиги керак, чунки уларга берилган бундай фуқаровий-ҳуқуқий мақом улар фаолиятининг мақсад ва вазифаларига ҳам, юридик табиати-га ҳам мос келмайди. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига юридик шахс мақомини бериш оммавий ва хусусий ҳуқуқ ўртасида кўплаб қарама-қаршиликларни (жумладан, уларнинг ташкилий бирлигини, таъсис ҳужжатларини тузиш, уларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва шу каби жараёнларни амалга ошириш нуқтаи назаридан) келтириб чиқаради”.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Россия Федерацияси фуқаролик қонунчилигида нафақат муассасаларнинг хусусий ва давлат, балки давлат муассасаларининг ўзини ҳам ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра турлари мавжуд. Профессор А.Молчановнинг таъкидлашича, “Россия Федерацияси қонунчилиги давлат ёки муниципал муассасаларни автаном, бюджет ва давлат мулк муассасалари шаклида 3 та турга ажратган”. Шундан келиб чиқиб муаллиф, РФ ИИВ тизимидаги муассасаларни “давлат мулк ёки давлат муассасаси” гуруҳига киришини таъкидлайди. Россия Федерацияси қонунчилигидан фарқли тарзда Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига “Бюджет ташкилоти” (4-модда), “Давлат мақсадли жамғармалари” (36-модда), “Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари” (37-модда) каби шаклда фаолият юритадиган муассасалар ҳақида нормалар мавжуд, лекин улар фуқаролик қонунчилигида давлат муассасаларининг алоҳида тури сифатида белгиланмаган.

Фикримизча, муассасаларни миллий қонунчилигимизда бундай таснифлаш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда, хусусий ва давлат муассасаларини махсус ҳуқуқ лаёқатини фарқлаган ҳолда ФКга алоҳида модда сифатида кириштириш мақсадга мувофиқдир. Зеро, бу муассасалар ҳар бири ўзига хос фуқаровий-ҳуқуқий мақомга эга. Шунга кўра, давлат муассасаларини ташкил топиш ва фаолият юритиш мақсади, фаолият тури, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва бошқа жиҳатларини инobatга олган ҳолда миллий қонунчилигимизда гуруҳларга ажратган ҳолда алоҳида моддалар билан ифодалаш лозим бўлади. Бу эса уларнинг ҳар бирининг фуқаровий-ҳуқуқий мақомини аниқлаштирилишига хизмат қилади.

Цивилистик адабиётларда ва фуқаролик қонунчилигида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича турли қарама-қаршиликлар мавжуд. ФКнинг 44-моддасида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг умумий қоидалари белгиланган. Аммо, давлат муассасаларини (булар қаторига ИИБ тизимидаги таълим муассасалари ҳам қиради) юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказишнинг аниқ қоидалари белгилаб қўйилмаган. Н.А.Кулдашевнинг фикрига кўра "Фуқаролик ҳуқуқига бағишланган адабиётларда ИИОнинг ҳуқуқий мақомига "муассаса" сифатида қаралса-да, уларнинг деликт муносабатларда тараф сифатида иштироки, деликт лаёқати ва жавобгарлиги масалалари анча мунозаралидир". Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг ФКда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фуқаролик муомаласида "давлат муассасаси" ва "давлат органи" сифатида иштироки белгиланган. Жумладан, улар шартномавий муносабатларда "давлат муассасаси" сифатида иштирок этади ва бунда уларнинг юридик шахс мақомига эга бўлиши муҳим ҳисобланса, деликт муносабатларда эса бу мақом талаб этилмайди (масалан, ФКнинг 15, 990, 991-м.). Зеро, деликт муносабатларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари бевосита жавобгар субъект ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонунда ҳам ички ишлар органларини давлат органи эканлиги қайд этилган, аммо, уларнинг юридик шахс эканлиги бўйича бирон бир модда мавжуд эмас (масалан, юридик шахс белгилари, ташкил этиш тартиби, давлат рўйхатига олиниши, мол-мулки ва мулкый жавобгарлиги ва ш.к.). Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Давлат муассасалари тўғрисидаги низом" нинг 4-бандида давлат муассасалари давлат органлари томонидан ташкил этилиши белгиланиб, 9-бандида эса мазкур давлат муассасалари давлат хизматлари марказида давлат рўйхатидан ўтказилиши назарда тутилган. Бироқ, ички ишлар органлари давлат муассасаси ҳисоблансада, ҳеч бир норматив ҳужжатда уларни юридик шахс сифатида ташкил этиш ёки давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби белгиланмаган. Бу ҳолат давлат муассасалари билан фуқаролик муомаласининг бошқа иштирокчилари ўртасида фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар тузишда, шунингдек улар иштирокидаги низоли ишларни судда кўриб чиқилишида бир қатор қийинчиликлар туғдириши мумкин. Масалан, ИИБ тизимидаги юридик шахс бўлмаган ёки квазиюридик шахс мақомидagi таълим ташкилотлари, вазирлик тизимидаги Ўқув-услубий Бошқарма билан тузилган шартнома бўйича мажбуриятлар учун ким жавобгар бўлиши, чунки улар юридик шахс эмас ва фуқаролик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланмайди. Бу каби саволлар эса суд амалиётида турли муаммоларни юзага келтириши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқидa ИИБ тизимидаги таълим муассасаларининг фуқаровий-ҳуқуқий мақоми муассаса ҳисобланиб, ФКнинг

44-моддасида белгиланганидек улар ҳам юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Бироқ, уларни вужудга келишга ҳуқуқий асос бўлган тегишли норматив ҳужжатларда бу ҳақида ҳеч бир қоида белгиланмаган. Бошқача айтадиган бўлсак, ИИБ тизимидаги таълим муассасаларини ташкил қилишдаги мавжуд тартиб, ФКнинг "юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади" (ФК 44-м. 4-қ.) деган норма қоидаларига зид келади. Албатта, ташкил этилиши оммавий ҳуқуққа асосланган давлат муассасаларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказишга асосланмаган мавжуд аънанани давом эттириш ҳам мумкин. Бироқ, фикримизча, "давлат муассасалари"ни фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида ва мустақил субъекти сифатида тан олиш ҳамда уларнинг махсус ҳуқуқ лаёқатини белгилаб берувчи алоҳида моддани амалдаги ФКга кириштириш юқорида келтирилган давлат муассасалари боғлиқ муаммоларни ижобий ҳал этилишига хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтганда ИИБ тизимидаги таълим муассасаларининг фуқаровий-ҳуқуқий мақомини аниқлашнинг доктринал муаммолари куйидаги жиҳатлар билан боғлиқ:

биринчидан, ИИБ тизимидаги таълим муассасалари ҳуқуқий мавқеининг турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланганлиги;

иккинчидан, ИИБ тизимидаги таълим муассасаларининг фаолияти турли поғонадаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинганлиги (ФК, умумий (масалан, Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги) ва махсус қонунлар (масалан, Таълим тўғрисидаги) ҳамда қонуности ҳужжатлар);

учинчидан, ИИБ тизимида академия, марказ, лицей, мактаб, ва бошқа турли шакллардаги таълим муассасалари фаолият юритиши ва уларнинг ҳар бири ўзига хос ҳуқуқий мақомга эгаллиги кабиларни келтириш мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, фуқаровий-ҳуқуқий муносабат иштирокчиси бўлган ИИБ тизимидаги таълим муассасаларининг фуқаровий-ҳуқуқий мақомини аниқлаш фуқаролик ҳуқуқи фани ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун долзарб ҳисобланади.

Улуғбек ҚУЛМУРОДОВ,

Ўзбекистон Республикаси

ИИБ Академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг: Красавчиков О. А. Возмещение вреда, причиненного источником повышенной опасности. – М., 1966. – С. 69; Ерошенко А. Проблемы гражданского состояния в развитом социалистическом обществе. – Краснодар, 1980.
2. Қаранг: Алексеев С. С. Общая теория права. Т. 2. – М., 1982. – С. 139.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/111189>
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил 14 апрель. №5, 115-модда; 2004 йил, №5, 90-модда.
5. Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Ўқув қўлланма. – Т. 2008. – Б. 150.
6. Полотовская Е.Ю. Гражданско-правовой статус государственных (муниципальных) учреждений: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.03. М., 2014. –С. 9-10. URL: <https://www.dissercat.com/content/grazhdansko-pravovoi-status-gosudarstvennykh-munitsipalnykh-uchrezhdenii>
7. Молчанов А.А. Казенные учреждения МВД России в контексте изменений гражданского законодательства. URL: <https://wiselawyer.ru/poleznoe/81338-kazennye-uchrezhdeniya-rossii-kontekste-izmenenij-grazhdanskogo-zakonodatelstva>
8. Кулдашев Н.А. Ички ишлар органлари деликт муносабатлар субъекти сифатида: Монография, –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2021. –Б. 36.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 июлдаги "Давлат муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 302-сон қарорига 1-ИЛОВА [Электрон манба] / URL: <https://lex.uz/docs/6540792>

СУДЛАРДА МЕДИАЦИЯНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, судларда иш ҳажмини мақбуллаштириш мақсадида медиация институти жорий этилган. "Медиация тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низолар, шунингдек, яқка меҳнат низолари ва оилавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш мумкин.

Медиация — келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули бўлиб у махфийлик, ихтиёрийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, медиаторнинг мустақиллиги ҳамда ҳолислиги тамойиллари асосида амалга оширилади. Медиацияни амалга ошириш учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс медиатор ҳисобланади.

Бу институт иқтисодий ишлар бўйича низоларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби, ишни иқтисодий судда кўриб чиқишда келишув битими тузишга кўп жиҳатдан ўхшаш бўлса-да, мохиятан улардан фарқ қилади. Бу фарқ медиациянинг медиатор иштирокида амалга оширилиши, шунингдек, медиатив келишув тузилганда иш юритиш тугатилиши ҳақида эмас, балки даъвони кўрмасдан қолдириш ҳақида суд ажрими чиқарилиши, бу кейинчалик медиатив келишув шартлари ихтиёрий бажарилмаганда тарафлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишга ҳақлилиги ва тўланган давлат божи қайтарилишида (келишув битимида қайтарилмайди) ўз ифодасини топган.

Медиация жараёни музокаралардан иборат бўлиб, унинг муваффақияти нафақат тарафларнинг келишмовчиликларини ҳал этишга бўлган иродаси ва интилиши, балки медиаторнинг тажрибаси ва маҳоратига ҳам боғлиқ.

Умуман олганда, медиация – баҳс-мунозараларни учинчи бетараф томон иштирокида тартибга солишга доир ҳуқуқий технологиядир. Ушбу йўналиш ўзининг маълум бир шартлари ва тамойилларига эга. Масалан:

- томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- ихтиёрийлик;
- ўзаро ҳурмат;
- конфиденциаллик;
- жараённинг шаффофлиги;
- медиаторнинг ҳолислиги.

Медиаторлар далилларни текширмайди ва тарафларнинг талаблари қонунийлигига баҳо бермай-

ди, аксинча, уларнинг асосий вазифаси – тарафлар ўртасида бир-бирларини тушунишга, тарафлар учун мақбул шартларда муаммони ҳал этиш имкониятларини излаш ва ҳал этишга кўмаклашишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги қонунининг 15-моддасига мувофиқ медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида қўлланилади. Медиация суддан ташқари тартибда, низони суд тартибда кўриш жараёнида, суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунига қадар, шунингдек суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилиши мумкин.

Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида давлат органининг бевосита аралашуви тақиқланади. Низо медиатив келишув билан медиация тартибда ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозим, бундан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида медиатив келишув тузилган ҳоллар мустасно деган меъёрнинг киритилгани мазкур институтнинг аҳамиятини янада оширишга хизмат қилди.

Шунингдек, Иқтисодий процессуал кодексининг 101-моддасига мувофиқ медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида келишув тузилганида иш юритиш тўхтатиб турилиши, 107-моддасига мувофиқ эса тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса суд даъво аризасини кўрмасдан қолдириб ишни тугатиши судлар иш кўламининг камайишига хизмат қилади.

Ўз навбатида, медиация томонларнинг ўзаро ишончли муносабатларини сақлаб қолиш ва эришилган мураса натижасида ишбилармонлик обрўсини сақлаб қолиш ва ҳамкорликни давом эттириш имконияти, музокаралар жараёнини қайта бошлаш ҳуқуқини йўқотмасдан воз кечиш имконияти мавжудлиги, томонлар низони ўзлари мустақил равишда ҳал қила олиш кўникмасини шакллантириши ва бунга шароит яратиши, молиявий хавф-хатарларнинг йўқлиги, вақтни тежаш имконияти, қарорлар томонлар билан ўзаро келишувга эришилган ҳолда қабул қилиниши, қабул

қилинадиган қарорлар махфий ҳисобланиб, ҳар икки тарафга ҳам тенг имкониятлар тақдим этилиши, медиация таомили натижасида тузилган ва тасдиқланган медиатив келишувга амал қилмаслик даъво аризаси юзасидан судга такроран мурожаат қилиш ҳуқуқини чекламаслиги каби афзалликларга эга эканлиги билан бошқа муқобил усуллардан, шу билан бирга, аъъанавий суд тартибидан бир мунча устунликка эга.

Медиация институтининг ижобий томонлари билан бир қаторда, амалиётда бир қатор муаммолар ва ушбу институтни қўллашда давлат манфаатларига зарар етказилиш ҳолатлари мавжуд. Хусусан, “Медиация тўғрисида”ги қонунда кузатилаётган айрим бўшлиқлар ва ҳуқуқий тартибга солинмаган ҳолатлар судларда ишларни кўриш жараёнида коррупциявий ҳолатлар келиб чиқишига ҳамда ундириладиган давлат божлари миқдорининг кескин камайишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, медиатив келишувлар ижроси билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинмагани натижасида судларга қайта мурожаатлар сони ортиб, иш юкломаси кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг статистик маълумотларига кўра, 2018-2021 йиллар давомида республика миқёсида иқтисодий судлар томонидан иш юритувига қабул қилинган даъво аризаларининг 2489 таси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107-моддаси 53-бандига асосан кўрмасдан қолдирилган. Шундан 2019 йилда 41 та, 2020 йилда 435 та ва 2021 йил давомида 2013 та иқтисодий судларда кўрилган низолар Кодекснинг 107-моддаси 53-бандига асосан низо тарафлари ўртасида медиатив келишувга эришилганлиги сабабли кўрмасдан қолдирилган. Келтирилган статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, низоларни ҳал қилишнинг муқобил усули сифатида медиация институтига бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ўрганишларга кўра, биргина иқтисодий судлар томонидан 2020-2023 йилларда даъво миқдори 50 трлн. сўмдан ортиқ бўлган 11 134 та иқтисодий ишлар медиатив келишув тузилганлиги сабабли кўрмасдан қолдирилиши натижасида тарафлар 1 трлн. сўмга яқин тўланиши лозим бўлган давлат божларидан озод этилган.

Медиатив келишув асосида кўрмасдан қолдирилган иқтисодий ишларнинг 3 545 таси (30%) банкларга, 538 таси эса (5%) лизинг ташкилотларига тегишли.

Фуқаролик судларида 2020-2023 йилларда 6 310 та иш бўйича медиатив келишув сабабли томонлар 107 млрд. сўмлик давлат божларидан озод этилган.

Маълумотларга кўра, аксарият ҳолатларда банк ва лизинг ташкилотлари вакиллари муддати ўтган тўловларни ундириш юзасидан судларга даъво киритганидан сўнг, қарздорлар уларни моддий ман-

фаатдор қилиш (давлат божи миқдорининг 30-50% гача) эвазига медиатив келишув тузишга эришмоқда.

Эътиборлиси, амалдаги қонунчиликка асосан медиатив келишув тузилганда, суд томонидан иқтисодий иш мазмунан кўрилмаган ҳисобланади ва натижада даъвогарнинг ҳимоя ҳуқуқи кафолатланмайди. Шу боис, медиатив келишув тузилганлиги асоси билан даъво кўрмасдан қолдирилган аксарият ишларда тарафларнинг ҳақиқий хоҳиш истаги бундай битим тузиш орқали низога тўлиқ барҳам бериш эмас, балки давлат божи тўловидан озод бўлиш асосий мақсадга айланиб бормоқда. Оқибатда, медиатив келишув сабабли даъво кўрмасдан қолдирилган кўплаб ишларда медиация шартлари бажарилмаганлигини асос қилган ҳолда судларга қайта мурожаат қилиш ҳолатлари кузатишмоқда.

Тарафларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, медиатив келишувни тузиши ва кейинчалик уни суиистеъмол қилиши судларда иш ҳажмини мақбуллаштириш ўрнига янада ортишига олиб келмоқда.

Бу борада хорижий тажриба ўрганилганда, аксарият давлатлар қонунчилигида медиатив келишув суд томонидан тасдиқланиши, томонлар ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ва норози томоннинг судга аризасига асосан келишув шартлари мажбурий ижрога қаратилиши белгилангани ва мазкур тоифадаги ишлардан ҳам давлат божлари ундирилиши маълум бўлди.

Хусусан, медиатив келишувни мажбурий ижро қилиш механизми Беларусь (“Медиация тўғрисида”-ги қонуни 15-моддаси), Молдова (“Медиация тўғрисида”ги қонуни 33-моддаси), Грузия (“Медиация тўғрисида”ги қонуни 13-моддаси) каби давлатлар қонунчилигида мавжуд.

Хиндистон ва Хитойда эса медиатив келишувлар арбитраж қарорлари билан бир хил кучга эгаллиги белгиланган.

Шу боис, миллий қонунчилигимизда ҳам медиатив келишувни мажбурий ижро этиш тартибига оид қондаларни белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, низоларни ҳал этишда медиацияни қўллаш вақтни тежаш ва низолашувчи тарафлар фуқаролар, ташкилотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектларининг суд харажатларини қисқартириш имконини беради. Улар юзага келган низоларни судгача олиб бормасдан, суд муҳокамаси билан боғлиқ давлат божи ва бошқа харажатларни тўламасдан ўзаро манфаатли шартлар асосида ўзлари учун қулай жой ва вақтда тез ҳамда мақбул усулда ҳал этиш имкониятига эга бўладилар.

Икромжон МАТМУСАЕВ,
мустақил изланувчи.



Ойбек ХОЛМУМИНОВ,
ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси,
юримдик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

АҲОЛИ ПУНКТЛАРИГА ОИД НИЗОЛИ ИШЛАРНИНГ СУДЛАРДА КЎРИЛИШИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

АННОТАЦИЯ:

мақолада аҳоли пунктлари ерларига оид низоли ишларнинг фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўрилиши, суд амалиётида юзага келадиган муаммоли ҳолатлар ва уларнинг ечимлари ҳақида илмий фикр-мулоҳазалар ва таклиф-тавсиялар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: суд, суд органлари, аҳоли пунктлари ерлари, низо, низоли ишлар, суд томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар.

Дунёнинг ҳар бир давлатида ўзига тегишли аҳоли пунктлари ерларига оид ҳуқуқий тартиби билан биргаликда низоли ишларни кўриб чиқиш механизмлари ҳам белгиланади. Келиб чиққан низоли ва низосиз ҳолатлар мазмунида ва унинг келиб чиқиш оқибатларида мулкдорлар ҳамда низолашаётган субъектларнинг қонун билан кўриқланган манфаати, ҳуқуқ ва мажбуриятлари поймол бўлганлигини кўриш мумкин. Демак, ҳуқуқий муносабатларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш унинг юзага келиши билан боғлиқ ҳолатларни инobatга олиш, ҳал қилиш, шунингдек мурожаат этган ҳуқуқ субъектларини имкон қадар рози қилишга эришишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддаси иккинчи қисмида “Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас” лиги, 134-моддаси иккинчи қисмида “Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бажарилиши мажбурий” эканлиги, 138-модданинг мазмунида эса, “Суд ҳокимиятининг ҳужжатлари барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун мажбурийдир” деган конституциявий-ҳуқуқий норманинг белгиланиши суд ва бошқа ваколатли давлат органларига ҳамда жисмоний ва юридик шахслар учун айнан муҳим ҳуқуқий мақом ёки асосни белгилаб берди, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги “Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 28-сон қарорининг 8-бандида ерга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиغان;

– ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва қайта сотиб олиш билан боғлиқ низолар бўйича компенсация ундириш;

– сервитутни белгилаш ёки бекор қилиш, сервитут юзасидан ҳақ ундириш;

– бир нечта шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, биргаликда эгалик қилинадиган ёки фой-

даланиладиган ер участкасидан фойдаланиш тартибини белгилаш, уни бўлиш;

– ер участкасига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқ бузилишларни бартараф этиш;

– ер участкасини бошқа шахснинг қонунсиз эгаллигидан талаб қилиб олиш, ер участкасидан мажбурий тартибда чиқариш;

– ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини қайтариш ва фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш;

– Ер кодексининг 36-моддасида назарда тутилган ҳолларда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тугатиш;

– Ер кодексининг 86, 87-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарни ундириш;

– ер участкаларининг ижара шартномаси ва бошқа ишлар билан боғлиқ низолар тааллуқлилиги-га кўра фуқаролик ишлари бўйича судлар ёки иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилиши белгилаб берилди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Чунки, айнан суд-ҳуқуқ тизимида аҳоли томонидан берилаётган ҳар бир мурожаатлар ва уларнинг ҳуқуқий ечимлари юзасидан қатъий талаблар қўйилиши судьяларга ҳар бир фуқаролик ишининг барча жиҳатларини мукамал ўрганиш ва малакалашда қонуний ёндашган ҳолда юридик ҳужжатларни қабул қилиш ва имзолаш масъулиятини юклагоқда.

Аҳоли пунктлари ерлари ер фондининг барча тоифасига кирадиган ерларни ўзига қамраб олади ва қаерда жойлашганидан қатъи назар Ер кодексининг 59-моддаси мазмунидаги шахар ва посёлка курилиши ерлари, умумий фойдаланишдаги ерлар, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ва бошқа ерлар, дарахтзорлар эгаллаган ерлар; саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари, сув фонди ерлари, захира ерлар таркибидаги ерларни ўзида мужассам этади.

2023 йил 27 октябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида “Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер ҳисобини юритиш ҳамда кадастр хизматларини яхшилаш масалалари бўйича йиғилиши”да “Республикада 2,4 миллионта хонадоннинг эгалик ҳужжати йўқлиги, уларнинг кадастр ҳужжати қилинса, одамларга ҳуқуқий, иқтисодий замин бўлиши, шу боис ҳужжатсиз уй-жойларга эгалик ҳуқуқини бериш бўйича қонун лойиҳасини якунига етказиш вазифаси қўйилган”-лиги ҳам миллионлаб мулкдорлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини сўзсиз таъминлашига қаратилган вазифаларни белгиланиши ҳам аҳоли пунктлари ерларига оид низоли ишларни ҳуқуқий томондан баҳо берилишида долзарблигини англатади.

Фикримизча, барча низоли ҳолатлар сингари аҳоли пунктлари ерларига оид низоли муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, ҳар бир хонадон эгаси, кўчмас мулк мулкдори ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфатлари бузилган тақдирда албатта давлатга, шу жумладан суд органлари кўмагига таянади ва ишонади.

Бизнингча, мамлакатимизда судлар томонидан аҳоли пунктлари ерларига оид низоли ишларни тартибга солишда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, хусусан:

биринчидан, аҳоли пунктлари ерларига оид низоли ишларнинг судларда қўрилишида суд ҳужжатларининг электрон нусхалари <https://lex.uz> қонунчилик миллий базасида жойлаштирилмоқда, аммо ушбу масалаларнинг аҳоли ўртасида долзарб бўлганлигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг каналларида алоҳида дастур асосида кўпроқ кўрсатувлар, эшиттиришлар, тушунтиришлар бериб бориш зарур;

иккинчидан, <https://my.gov.uz> электрон платформасида кўчмас мулкка оид муносабатларда қирққа яқин кўрсатилаётган хизматлар сонини янада кўпайтириш ва айнан ҳар бир шартномалар (олди-сотди, айирбошлаш, рента, мулк ижараси, ҳадя, пудрат, кредит, суғурта кабилар) ва битимлар (ҳадя, васиятнома, мерос) бўйича янги хизматлар турларини киритишга эҳтиёж мавжуд;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 13-19-боблари, 164-233-моддалари мазмунида айнан Ер кодексининг 59-моддаси мазмунидаги шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари, умумий фойдаланишдаги ерлар, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ва бошқа ерлар, дарахтзорлар эгаллаган ерлар, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари, сув фонди ерлари, захира ерлар таркибидаги ерларнинг фуқаровий-ҳуқуқий мақоми ва механизмларини аниқ кетма-кетликда белгилаш керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, мамлакатимизда аҳоли пунктлари ерларига оид низоли муносабатларнинг фуқаролик ишлари бўйича судлар

томонидан кўриб чиқиладиганлиги, ҳар бир чорак ва йил давомидаги статистик маълумотлар очиқ ва шаффоф тарзда ўзининг расмий сайтида эълон қилинаётганлиги ҳамда ҳар бир фуқаролик ишлари юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларининг электрон жойлаштирилаётганлиги бу жуда катта натижа. Судлар томонидан аҳоли пунктлари ерларига оид низоли ишларни кўриш ва ҳал қилиш ҳамда малакалаш вазифаси ягона чора бўлиб қолмаслиги керак. Ушбу масалаларнинг фақат судлар зиммасига юклаб қўйилиши фуқароларнинг ортиқча сарсонгарчилигига олиб келмоқда. Суднинг ҳужжатлари ва аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматларининг ортиши барча мулкдорлар ва ҳуқуқ субъектлари томонидан миллий қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига амал қилиш маданиятини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги 152-ХII-сон қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990. – № 31-33. – 371-м. <https://lex.uz/docs/111466>. (Мурожаат вақти: 28.04.2024 й.).
2. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 сентябрдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-336-сон қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012. – № 39. – 446-м. <https://lex.uz/docs/2055680>. (Мурожаат вақти: 29.04.2024 й.).
3. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 ноябрдаги “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги ЎРҚ-803-сон қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.11.2022 й., 03/22/803/1046-сон. <https://lex.uz/docs/6297080>. (Мурожаат вақти: 30.04.2024 й.).
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 августдаги “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида юзага келадиган низоларни судга қадар ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 426-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.08.2023 й., 09/23/426/0663-сон. (Мурожаат вақти: 30.04.2024 й.).
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги “Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 28-сон қарори. <https://lex.uz/docs/6687150>. (Мурожаат вақти: 30.04.2024 й.).
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/lists/view/5774>. (Мурожаат вақти: 30.04.2024 й.).
6. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг статистикаси. <https://stat.sud.uz/file/2024/31.01.pdf>. (Мурожаат вақти: 30.04.2024 й.).
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-37-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.02.2024 й., 06/24/37/0146-сон. <https://lex.uz/docs/6811936>. (Мурожаат вақти: 30.04.2024 й.).
8. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ-703-сон қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон. <https://lex.uz/docs/5534923>. (Мурожаат вақти: 30.04.2024 й.).
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Н” ҳарфи. Б. 34-35. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20_izohli%20lug'ati%20-%20N.pdf. (Мурожаат вақти: 30.04.2024 й.).

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Коррупция жамиятнинг маънавий устунлари ҳамда демократияни емириб, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий тараққий этиши учун улкан хавф тугдиради. Шу боис, унга йўл қўймаслик, самарали қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш ҳар бир давлат олдида турган бирламчи вазифалардан саналади. Хусусан, 2017 йил 3 январда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи махсус норматив ҳужжат – Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш ва уни бартараф этиш бўйича аниқ ҳуқуқий механизмлар белгиланди.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда коррупцияга шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш, дея таъриф берилди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, унга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Коррупциявий хатти-ҳаракатлар асосан манфаатлар тўқнашуви оқибатида содир этилади. Манфаатлар тўқнашувининг мажбурий белгиларига мансабдор шахснинг муайян вазиятда ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиши, бунинг учун моддий ёки номоддий манфаат олганлиги ёки олиши мумкинлиги ҳамда улар ўртасидаги сабабий боғланиш киради. Шунга кўра, манфаатлар тўқнашувида мансабдор шахсда ноҳолис қарор чиқариш ва қонуний ҳаракат қилиш ўртасида танлаш имконияти бўлади. Ушбу имкониятнинг қай бирини танлаш эса ушбу шахснинг ахлоқий фазилатларига бевосита боғлиқ бўлади, зеро ахлоқи ва ҳуқуқий маданияти юқори бўлган мансабдорнинг қонуний ва бегараз қарор қабул қилиш имконияти юқори бўлади.

Табийки, шахсий манфаатдорликнинг ўзи ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди, шахс уни амалда қўллаши

билан муайян масалани ҳал қилишда холислик йўқолади ва тегишли жавобгарликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боис манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш коррупцион ҳаракатлар содир этилишининг олдини олувчи ишончли восита ҳисобланади, зеро маънан етук бўлмаган ёки ахлоқи бузуқ шахсларда манфаатлар тўқнашуви жараёнида шахсий манфаатни жамият манфаатидан устун қўйиш, ваколатларини суиистеъмол қилиш учун етарли имконият мавжуд бўлади.

Коррупцияни аниқлаш учун муайян соҳада вужудга келиши мумкин бўлган барча коррупциявий омилларни таҳлил қилиш талаб этилади. Ҳуқуқшунослар Б.Исроилов ва Э.Гадоевларнинг фикрича, коррупциявий омиллар – жамиятдаги коррупцион хатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлиши, сақланиши, ўзгариши ва тарқалишига таъсир кўрсатадиган ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлардир.

Ҳар қандай тизимда ички ва ташқи таҳдидлар коррупция омилларини келтириб чиқариши мумкин. Ички таҳдидларга шахсда манфаатлар тўқнашувининг вужудга келиши, мол-мулки ҳақида ёлғон ахборот тақдим этиши, ваколатларини суиистеъмол қилиши, интеллектуал, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги, одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши, малакасининг етишмаслиги, ташқи таҳдидларга эса оммавий ахборот воситаларида муайян фаолиятнинг ноҳолис ёритилиши, молиявий мустақилликнинг бой берилиши (етарли молиялаштирилмаслиги, зарур шароитлар яратилмаганлиги, моддий-техник жиҳатдан таъминланмаганлиги), зарур хавфсизлик кафолатларининг бузилиши (мансабдор шахс ва унинг оила аъзоларининг ҳаёти ҳамда мол-мулкининг ҳимояланмаганлиги, хизмат биноларида хавфсизлик таъминланмаганлиги) каби ҳолатлар киради.

Коррупцияга чек қўйиш – мавжуд коррупция омиллари ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни йўқотиш, уларга нисбатан қатъий чоралар кўриш, тақрор содир этилишига йўл қўймаслик ҳамда салбий оқибатлари билан курашишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар мажмуи бўлиб унга қуйидагиларни киритиш мумкин: муайян тизимда коррупцияга қарши курашувчи махсус ваколатли орган фаолиятини йўлга қўйиш, тизимли ички на-

зоратни амалга ошириш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, коррупциоген нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш, жиноят ҳақида хабар берган шахсни ҳимоя қилиш, коррупциявий ҳолатлар ҳақида давлат хизматчисининг мажбурий тартибда хабар беришини белгилаш, уларнинг фаолиятини баҳолаш, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, фаолиятини амалга ошириш жараёнига кенг жамоатчиликни жалб қилиш, ижтимоий ва махсус сўровлар ўтказиш ва ҳ.к.

Коррупциянинг олдини олиш деганда эса коррупция омилларини аниқлаш, чеклаш ёки бартараф этиш, коррупционерлар шахсияти ижтимоий хавфи, шунингдек коррупциянинг айрим турлари ва шакллари пайдо бўлиш ҳамда тарқалиш омилларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларга давлат органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини қабул қилиш, давлат хизматига юқори маънавиятли ва ҳалол ходимларни танлов асосида тайинлаш ва юқори лавозимларга тавсия этиш (меҳнат фаолияти ва кундалик ҳаётини синчиклаб ўрганган ҳолда), давлат органлари фаолиятини амалга оширишни тўлиқ рақамлаштириш, меҳнат ва ижро интизомига қатъий риоя қилишни назорат қилиш, фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш, давлат органлари ходимларининг ижтимоий ва иқтисодий ҳимоясини кучайтириш каби чораларни киритиш мумкин.

Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда молиявий ҳисобдорлик ҳам муҳим роль ўйнайди. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 8-моддасида ҳар бир иштирокчи-давлат оммавий мансабдор шахсларнинг тегишли органларга хизматдан ташқари фаолияти, машғулотлари, инвестициялари, активлари ва вазифалари билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа даромадлари ва ҳадялар ҳақида декларация тақдим этишлари шартлигини белгиловчи тартибни жорий қилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Коррупцияга қарши конвенциянинг 20-моддасига мувофиқ ҳар бир иштирокчи давлат оммавий мансабдор шахснинг қасддан ноқонуний бойлик орттириши, яъни унинг қонуний даромадларидан ортикча бўлган, уларнинг манбаини асослаб бериш имконияти мавжуд бўлмаган тарзда активларининг ортиши жиноят деб эътироф этилиши ва жиноий жазога сазовор бўлиши бўйича чораларни кўриши белгиланган.

Ушбу чоралар мансабдор шахслар ўртасида коррупцияга чек қўйиш, унинг олдини олиш, коррупцияга қўл урган шахсни жиноят устида ушлаш имкони бўлмаган ҳолларда уни аниқлаш ва жазолаш учун энг мақбул воситалардан бири ҳисобланади.

Фикримизча, миллий қонунчилигимизда барча мансабдор шахслар ўзларининг мол-мулклари ва

даромадлари тўғрисида ҳар йили солиқ органларига декларация тақдим этишлари, агар унда ҳақиқатга зид бўлган маълумотлар тақдим этилган, шунингдек ноқонуний бойлик орттириш ҳолатлари аниқланганда уларни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги нормани киритиш таклиф этилади.

Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш коррупцияга қарши самарали курашиш ҳамда уни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилишда муҳим роль ўйнайди. Бунда давлат органлари фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш, давлат органлари ходимларини ишга қабул қилиш ва юқори лавозимга ўтказиш, уларни молиялаштириш, юридик жавобгарликка тортиш, рағбатлантириш ва бошқа масалаларни ҳал қилиш фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали шаффофликка эришиш, ушбу жараёнларнинг ҳолислиги ва очиқлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари кенг жалб қилиш, жамоатчилик назорати институти имкониятларидан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали усулларида яна бири - аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришдир. Бунда ёш авлоднинг таълим ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, улар онгига ҳалоллик ва поклик хислатларини сингдириш, коррупция иллатларининг салбий оқибатлари ҳақида аниқ тушунтиришлар бериш, бир сўз билан айтганда, уларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқий билимларга эга бўлишини таъминлаш ўта муҳим вазифалардан биридир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, коррупциявий омилларнинг мавжудлиги унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича етарли ташкилий ва ҳуқуқий асосларни яратиш давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳолислигини таъминлаш, улар фаолиятини амалга оширишида ички ва ташқи аралашувларга барҳам бериш, давлат органларида ҳалол ва муносиб кадрлар корпусини шакллантиришга хизмат қилади. Бу демократик давлатнинг энг муҳим принципларидан бири бўлган қонун устуворлигини ва фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглигини таъминлашга, шунингдек барча давлат ва нодавлат органларида соғлом муҳитнинг шаклланишига, аҳолининг давлатга нисбатан ишончининг ортишига сабаб бўлади.

Мирзиёд МАХКАМОВ,
мустақил изланувчи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Б.И.Исроилов, Э.Ф.Гадоев. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашишга оид атамалар изоҳли луғати. – Тошкент: "Тафаккур" нашриёти, 2019. – 186 б.
2. Б.И.Исроилов, Э.Ф.Гадоев. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашишга оид атамалар изоҳли луғати. – Тошкент: "Тафаккур" нашриёти, 2019. – 186 б.
3. <https://lex.uz/docs/1461327>.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сон.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Судлар томонидан ишни кўриш жараёнида қонунийлик ва адолатлилик тамойилларига риоя қилишнинг шартлиги қонун ҳужжатларида аниқ шакл ва мазмунда мустаҳкамланганлиги суд тизими ҳуқуқий маданиятининг олий даражаси сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқий маданият — умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми бўлиб унда жамият аъзоларининг ҳуқуқий тафаккур асосида борлиқни англаши, ҳуқуққа итоат этиш лозимлиги, қонунчилик талабларини билиши, амалдаги қонунчиликни ҳурмат қилиши ва уларга риоя этилишига онгли ҳаракат қилишидир. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онг билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади ва ривожланади. Зеро, ҳуқуқий маданият нафақат жамиятда юз бераётган янгиланишлар, балки жамият аъзоларининг хулқ атвори, қонун ижодкорлиги, давлат ва ҳуқуқ фаолиятининг натижаларида намоён бўлади.

Мамлакатда ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиш даражаси - ҳуқуқий давлатчиликнинг шаклланиш кўрсаткичи сифатида кучли фуқаролик жамиятини вужудга келтиришда фуқароларнинг онгли равишда ҳуқуқ ва бурчларини англаган ҳолда жамият ҳаётида иштирок этиши ҳамда ҳуқуқий тартиботни ўрнатувчи ҳуқуқий тизимнинг етуқлик даражаси билан белгиланади.

Тараққиётга эришган давлатлар йўлига назар солинганда ҳуқуқий давлат ҳокимиятининг самарадорлиги – фуқаролик жамиятида суд-ҳуқуқ тизими воситасида қонун устуворлиги таъминлангани, юридик тизим фаолиятида ҳуқуқий маданиятнинг ривожланганлигини кўраимиз.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳаётида юз берган ижобий ўзгаришлар миллий иқтисодиётни модернизациялаш асосида жамиятнинг янгиланиш жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилмоқда.

Фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, маданияти ва ҳуқуқий тафаккурини янги замон талаблари асосида шакллантириш жаҳонга машҳур алломаларни, файласуфларни, дин ва маданият, санъат ва адабиёт арбобларини етиштирган қадимий миллат сифатида ўзлигини англаш, буюк ўтмишига назар солиш ва сабоқ олиш, илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда мустақил тараққиёт йўлини мустаҳкамлаш каби ҳуқуқлар мустақиллик туфайли халқимизга берилганлигини ҳар бир фуқаромиз онгида шакллантириш лозим бўлади.

Миллий маънавиятимизнинг таркибий қисми сифатида комил инсонни тарбиялаш гоёси қадимдан халқимизнинг эзгу орзуси, миллий маънавиятимизнинг узвий қисми бўлиб келгани сир эмас.

Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда - ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий давлат, ҳуқуқий норма, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тартиб, ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқ нормасини шарҳлаш, ҳуқуқбузарлик тушунчаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий маданият-умуминсоний маданиятнинг муҳим қисми бўлиб, қуйидаги асосий таркибий қисмларни ўз ичига олади:

➤ Давлат томонидан халқ ва жамоат бирлашмалари нуқтаи назарини ифодаловчи ҳуқуқий сиёсатнинг ишлаб

чиқилиши ва амалга оширилиши. Бу сиёсат даврнинг руҳини сиёсатда ифодалаш лозим бўлади. Масалан, мустақиллик ва бозор муносабатлари билан боғлиқ масалалар ва вазибалар ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқий сиёсатдаги бош йўналишлардир;

➤ юксак даражада ривожланган юридик фанларнинг мавжудлиги ва уларни замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш ҳуқуқий маданиятнинг муҳим қисмидир;

➤ фаол ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг бир қисми бўлиб, у давлат ва ҳуқуқий воқеликлар ҳақидаги гоёлар, қарашлар, ҳис-туйғулар, фикрлар, кайфиятлар тизимида намоён бўлади. Ҳуқуқий онгда ҳуқуқий руҳият ва ҳуқуқий мафкура жиддий ўрин тутаяди, ҳуқуқий онг ривожланган сайин ҳуқуқий маданият ҳам ривожланиб боради;

➤ ҳуқуқий маданият – бу жамиятда инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларини эгаллаб олиш даражаси сифатида баҳоланади.

➤ илғори эришилган ва тўпланган барча ҳуқуқий тажрибаларни, ҳуқуқий ёдгорликлар сифатида оммага тарқатиш ҳуқуқий маданиятга киради. Масалан, Темур тузуқлари, Имом Бухорий ҳадислари каби буюк инсонларнинг мукамал асарлари халқимизнинг ҳуқуқий ва маданий ёдгорликлари ҳисобланади ва бунинг дунё маданият арбоблари томонидан ҳамиша тан олинаётганлиги ҳам халқимизга гурур бағишлайди;

➤ амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар: Янги Конституция, Конституция асосида қабул қилинган қонунлар, кодекслар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий манбалар ҳуқуқий маданиятнинг асосини ташкил этади ва мамлакатимизнинг тараққиётини юксалтиришга хизмат қилади;

➤ ҳуқуқ ижодкорлиги маданияти, ҳуқуқ нормаларини яратиш масаласи, юридик-техник даражаси, масалан, депутатлар ва қонун ижодкорлиги билан шуғулланадиган олимлар ва амалиётчилар, аппарат хизматчиларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий билимлари, дунёқараши, ҳуқуққа ёндошуви қанчалик юқори ва ҳолисона ҳамда масъулиятли бўлса, ҳуқуқий маданият ҳам шунчалик юксак бўлади;

➤ ҳуқуқни амалга ошириш ишларининг ташкил этилишида ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий жавобгарлик қанчалик юқори бўлса, у ҳуқуқий маданиятга ҳам ўзининг ижобий таъсирини ёки аксинча бўлса, салбий таъсирини кўрсатади;

➤ ҳуқуқий маданиятнинг яна бир муҳим қисми ҳуқуқни амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ нормалари талаблари даражасида ҳамда доирасида ўз ҳуқуқ ва бурчларини бажариши, уларни англаб олиши ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатнинг давлат ва жамият ҳаётидаги қонунчилик даражаси, ҳаммининг қонун ва суд олдида тенглик тамойили ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми сифатида

жамиятда намоён бўлиши қонун устуворлигини таъминлашга ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришга хизмат қилади.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун қуйидаги вазифаларни мунтазам равишда изчил амалга ошириш лозим бўлади: жамиятда изчил ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш; юксак малакали суд-адлия кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини тизимли равишда ошириб бориш; барча таълим масканларида ҳуқуқ ҳақидаги билимларни ўргатиш ва ўрганиш ишларини таълим стандартлари асосида ташкил этиш; юридик фанлардан олинган имтиҳонларни соддалаштириш ва қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар, қўшимчалар ва янги қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар тўғрисида батафсил маълумотлар бериш талабаларни, малака оширишга келган тингловчиларни юридик фанлар бўйича билимларини ва юридик кўникма ҳамда салоҳиятини оширишга хизмат қилади; аҳолининг ҳуқуқий билимларини юксалтириш мақсадида қонун ҳужжатларини тизимли равишда нашр этишни йўлга қўйиш; суд, прокуратура, ички ишлар органларининг иш тажрибасини оммалаштириб бориш; таълим тизимида адлия ва юридик фанларга оид янги адабиётлардан фойдаланган ҳолда маъруза матнларини тайёрлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий хулқини рағбатлантириш каби масалаларнинг ҳал этилиши ҳуқуқий мамлакатда маданиятнинг ривожланишига хизмат қилади.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши эса шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқ таъсирида ривожланишига асос солади. Шу ўринда ҳуқуқий маданият билан боғлиқ айрим тушунчаларнинг қисқача таърифига тўхталиб ўтамиз.

Ҳуқуқий давлат – ҳуқуқнинг ҳукмронлиги ва устуворлиги, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, суднинг мустақиллиги таъминланган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иши самарали бўлган, ҳақиқий халқ ҳокимияти, юқори даражадаги сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эришган демократик давлат.

Ҳуқуқий меъёр – давлат томонидан қонун билан белгиланган ва барча учун бажарилиши мажбурий ҳисобланган ҳуқуқий ва ахлоқий қоидалар. Бу қоидаларни бузиш юридик жавобгарликка олиб келади.

Ҳуқуқий меъёрлар вазифаларига кўра белгиловчи ёки ҳимояловчи турларга ажратилади. Белгиловчи ҳуқуқий меъёрлар – ҳуқуқий алоқа муносабатларини, ҳуқуқ ва бурчларни белгиловчи хусусиятлардан иборат бўлиб, мажбуриятлар ва бурчларнинг ижроси таъминланишига хизмат қилади. Ҳимояловчи меъёрлар – юридик жавобгарлик ва давлат томонидан мажбур қилувчи ҳаракатлар қўлланиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардир.

Ҳуқуқий нормаларнинг таъсири тааллуқли шахслар сонига қараб, иккига бўлинади: умумий – яъни муайян ҳудудда яшовчи барча шахсларга тааллуқли; хусусий – фуқароларнинг муайян табақаларига тааллуқли.

Ҳуқуқий нормалар таркиби қуйидагилардан иборат бўлади: гипотеза – ҳуқуқий нормаларни қўлланиш шarti; диспозиция – ахлоқий қоидалар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар; санкция – ҳаракатнинг давлат – ҳуқуқий нуқтаи назаридан баҳоланиши, давлат томонидан қонун бузилишида қўлланиладиган ҳуқуқий нормаларга риоя қилишга мажбур этилувчи чора-тадбирлардан иборатдир.

Ҳуқуқий онг – давлат ва ҳуқуқ назарияси ва криминология фанларига мансуб категория бўлиб – ҳуқуқий ҳодисаларни акс эттирувчи ва ҳуқуқий қадриятлар, ҳуқуқни англаш, ҳуқуқни тушуниш, зарур ҳуқуқий тартибни сақлаш билан боғлиқ ижтимоий гуруҳ ва индивидуал онгга мансуб тушунчадир.

Ҳуқуқий тартиб – ҳаётнинг турли доираларини тартибга солувчи ва одамлар хулқ-атворида таъсир қилиш усули (одат, ахлоқ меъёрлари, ташкилотларнинг ички тартиб қоидалари) билан фарқланувчи, ижтимоий меъёрларнинг турли кўринишларини тартибга солиш натижасида вужудга келувчи ижтимоий тартибнинг узвий қисмларидан биридир.

Ҳуқуқий тартибот – ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий-тартибот қонунчилигига риоя қилиш, субъектив ҳуқуқни амалга ошириш ва унинг амалга ошишини таъминлаш, барча фуқаролар, органлар ва ташкилотлар томонидан юридик мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажариш каби кўринишларга эга бўлади.

Ҳуқуқий тартибга солиш – давлат юридик меъёрларининг ҳуқуқ ёрдамида ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш жараёни тушунилади ва ҳуқуқий тартибга солишнинг усули ва предмети таянади. Давлат Конституцияга мувофиқ ҳуқуқий тартибга солиш воситасида жамиятни ривожлантириш, тинчликни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил амалга оширишни таъминлашга хизмат қилади.

Ҳуқуқий тартибга солиш предмети – юридик меъёрларга тегишли гуруҳ билан мустаҳкамланувчи ижтимоий муносабатларнинг маълум бир шаклидан иборат. Масалан, давлат бошқаруви билан боғлиқ муносабатлар маъмурий ҳуқуқ предмети ташкил этади.

Ҳуқуқни тизимлаштириш – норматив-ҳуқуқий актларнинг ички ва ташқи жиҳатдан ишлаб чиқилиши ва бир ҳолатга келтирилиши. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг қандай ишлатилишига қараб ҳуқуқни тизимлаштириш инкорпорация ва кодификацияга бўлинади.

Ҳуқуқ меъёрини шарҳлаш – ҳуқуқ меъёрларининг мазмуни, мақсади ва моҳиятини аниқлаш ва тушунтиришга йўналтирилган фаолиятдир.

Ҳуқуқбузарлик – жамиятда ўрнатилган ва қонун ҳужжатлари асосида белгиланган тартиб ёки умуман ижтимоий яшаш қоидаларини бузишдир.

Хулоса сифатида қайд этиш лозимки, аҳолининг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий маданияти тизимли равишда ошиб бориш натижасида мамлакатимизда адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш жараёнларини тизимли йўлга қўйиш жамиятда инсон капитални ривожлантиришга олиб келади. Жамият аъзоларининг ҳуқуқий билимларини тизимли ва изчил ошириб бориш маърифий-маънавий тараққиётнинг таъминланишида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий маданият жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланишида бевосита Янги Конституция ва қонунларнинг устунлиги тамойилларига асосланган ҳолда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга оширилишини кафолатлашни изчил таъминлаш орқали том маънода инсон қадрини юксалтиришга хизмат қилади.

Улаш УМАРОВ,

Судьялар олий мактаби Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси мустақил изланувчиси.

МАЪМУРИЙ ЧЕКЛАШ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ВА АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада маъмурий чеклаш маъмурий мажбурлов чораларидан бири сифатида ёритиб берилган бўлиб, мазкур чорани қўллаш асослари ва тартиби, маъмурий тартибда ушлаб туриш тушунчаси, уни қўллаш мумкин бўлган ҳолатлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: маъмурий мажбурлов чоралари, маъмурий чеклаш, маъмурий тартибда ушлаб туриш, ҳуқуқбузар, маъмурий ҳуқуқбузарлик, маъмурий баённома.

Юридик адабиётларда “маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов” ва “маъмурий ҳуқуқ нормалари билан ўрнатиладиган мажбурлов чоралари” тушунчалари фарқланади. Маъмурий қонунчилик – маъмурий-ҳуқуқий, интизомий-ҳуқуқий, ижтимоий-ҳуқуқий мажбурлов чораларини ўрнатади.

Мажбурлов орқали ҳуқуқ-тартибот, мулкчилик, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари, оммавий ҳокимиятнинг нормал фаолият юритиши таъминланади. Жамиятда мажбурловнинг турли кўринишлари мавжуд бўлиб, таъсир этиш объектига қараб, руҳий, моддий, ташкилий ва жисмоний таъсир этишга бўлинади. Мажбурлов чоралари ҳуқуқнинг индивидуал субъектларига ҳам, жамоат субъектларига ҳам қўлланилиши мумкин.

Маъмурий чеклаш чораларига қуйидагилар киреди: ҳуқуқбузарликни тўхтатиш тўғрисидаги талаб; маъмурий йўл билан ушлаб туриш; корхона фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйиш; мажбурий даволаш; юқумли касалликка учраган шахсларни вақтинча ишдан четлатиш; носоз транспорт воситаларини йўлга чиқармасдан автогаражга қайтариш; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан қурол ишлатиш ва ҳоказо.

Мажбурлов таъсирини кўрсатиш жараёни ҳуқуқ билан ўрнатилади ҳамда фуқаролар ва ташкилотлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатларини шакллантиради.

Айрим олимлар ушбу маъмурий чеклаш чорасининг маъмурий ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш мақсадида қўлланилишини, айримлар эса аксинча унинг маъмурий ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш учун эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарликларни расмийлаштириш учун қўлланилишини уқтирадилар.

Фикримизча, маъмурий чеклаш чоралари – ҳуқуққа хилоф қилмишлар ва ижтимоий хавfli оқибатларнинг юз беришини бартараф этиш мақсадларида қўлланиладиган мажбурий таъсир этиш усуллари ва воситаларидир.

Ҳуқуқшунос олим А.А. Худойбердиев маъмурий чеклаш чораларини турлари, мақсади, хусусияти ва таъсир этиш объектига кўра қуйидагиларга бўлишни таклиф этган:

1. Ҳуқуқбузар – жисмоний шахсга нисбатан қўлланиладиган чоралар:

ҳуқуққа хилоф ҳаракатни тўхтатиш тўғрисидаги талаб;

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни маъмурий тартибда ушлаб туриш;

ҳуқуқбузарга жисмоний таъсир этиш, қурол ва бошқа махсус воситаларни қўллаш.

2. Ҳуқуқбузар – юридик шахсга нисбатан қўлланиладиган чоралар:

корхона фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки уни ёпиш;

лицензия беришни рад этиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш.

3. Техник хусусиятига эга бўлган чоралар:

техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган транспорт воситаларидан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш; оммавий тадбирлар саҳналарида фойдаланиладиган техник жиҳатларни фуқаролар хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳолатларда тўхтатиб қўйиш.

4. Мулк хусусиятига эга бўлган чоралар:

ўқ отар қуролларини олиб қўйиш;

ҳуқуқбузарлик буюми ёки ашёси бўлган мулкни олиб қўйиш.

5. Эпидемиологик хусусиятига эга бўлган чоралар:

давлат санитария назорати органлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар;

давлат ветеринария назорати органлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар.

6. Молия-кредит хусусиятига эга бўлган чоралар:

молия интизомини бузиш йўли билан олинган пулларни қайтариб олиш;

ташкilotнинг банк ҳисобини хатлаш.

Маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов чорасининг ДХХ Чегара қўшинлари томонидан кўп қўлланиладиган тури бу – маъмурий чеклашдир. ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда маъмурий чеклаш чоралари мунтазам равишда қўлланиб келинади.

ДХХ Чегара қўшинларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида маъмурий мажбурлов чораларини қўллашдан мақсад – бу дастлаб мансабдор шахслар томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолатини тезкорлик билан аниқлаш ва далиллар йўқ бўлишининг олдини олиш, иш юритиш жараёнида қатнашувчи шахсларнинг шахсини аниқлаш, тегишли процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш орқали ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишни кўзда тутувчи тадбирлар мажмуи ҳисобланади. ДХХ Чегара қўшинлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда асосан маъмурий йўл билан ушлаб туриш чораси кенг қўлланилади.

МЖТКга биноан бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлингандан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида, мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга йўл қўйилади.

Ҳуқуқшунос олим Х. Алимовнинг фикрича, маъмурий йўл билан ушлаб туриш деганда, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг ҳаракат ва юриш эркинлиги, одатда, қисқа муддатта мажбурий равишда чеклаб қўйилиши тушунилади.

Н.Г. Салищеванинг фикрича, маъмурий йўл билан ушлаб туриш – маъмурий ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни таъминлаш учун ваколатли шахслар томонидан кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатлар сирасига киради.

ДХХ Чегара кўшинларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида маъмурий йўл билан ушлаб туришни қўллашда бир қанча ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизиялар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Қайд этиш керакки, маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳуқуқбузарларнинг шахсига оидлик киритиш ва ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашда асосий рол ўйнайди. Кўпгина ҳолатларда мазкур маъмурий чеклов чорасининг қўлланилишида маъмурий-ҳуқуқий режимларнинг (Давлат чегараси режими, чегара режими, Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режим) бузилиши, ушбу режимларнинг бузилишида жиноят аломатларини аниқлаш билан боғлиқ ҳолда қўлланилади.

Қонунчилик маъмурий йўл билан ушлаб туришни жисмоний шахснинг қисқа муддатга эркини чеклашдан иборат эканлигини тушунтириш билан бирга, унинг фақатгина маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадидагина қўлланилишини назарда тутати.

Бироқ, мазкур тушунчанинг МЖТҚда келтирилмаганлиги уни қўлловчилар томонидан қонун ҳужжатларини ўзларининг билим ва кўникмаларидан келиб чиққан ҳолда талқин қилишларига имконият яратади.

Бунда, А.О.Поддубныйнинг “маъмурий йўл билан ушлаб туриш – бу маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича вазифаларни самарали бажариш учун жисмоний шахснинг ўзбошимчалик билан чиқиб кетиш имконини бермайдиган махсус белгиланган алоҳида жойларда ёки муассасаларда сақлаган ҳолда қисқа муддатга озодлигини чеклаш” тушунилиши хусусидаги фикрлари ўринлидир.

Ҳуқуқшунос Ю.П. Гапоннинг мазкур тушунчага берган қуйидаги таърифи унинг мазмунини очиб беришга қаратилган деб ҳисоблаймиз: маъмурий йўл билан ушлаб туриш – ҳуқуқбузарнинг шахсига оидлик киритиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш, маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш ёки унинг ҳолатига аниқлик киритиш учун жисмоний шахсларнинг қисқа муддатга озодлигини чеклашдан иборат.

А.Ю.Соколов шахсларни маъмурий тартибда ушлаб туриш учун жисмоний шахснинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибининг мавжудлиги, жамоат тартиби ёки жамоат хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи қонун бузилишларни тўхтатиш бўйича ваколатли шахсларнинг қонуний талабларига бўйсунмаслик, содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик жойидан ҳуқуқбузарнинг яширинишга уриниши ва мансабдор шахсга нисбатан ҳуқуқбузарнинг агрессив муносабатда бўлиши каби бир қатор омилларни кўрсатади.

Юқоридаги қонун ҳужжатларининг таҳлили ва олимлар томонидан берилган фикрларни инобатга олиб, “маъмурий йўл билан ушлаб туриш” тушунчасига қуйидаги таъриф беришни лозим деб топдик ва уни МЖТҚнинг 286-моддасида акс эттирилиши таклифни билдираемиз:

“Маъмурий йўл билан ушлаб туриш деб, бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш ва ҳолатга аниқлик киритиш,

ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг қисқа муддатга озодлигини чеклашдан иборат”.

Демак, маъмурий йўл билан ушлаб туриш маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чораси сифатида қуйидаги ҳолатларда қўлланилиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосага келиш имконини беради:

- а) маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;
- б) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш;
- в) маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш;
- г) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича жавобгарликка тортилаётганларнинг шахсига аниқлик киритиш;
- д) маъмурий ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқиш ҳолатига аниқлик киритиш.

Абдугани ХОЛБЎТАЕВ,

*Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т., Маъмурий ҳуқуқ. Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003. – Б. 91-117;
2. Алимов Х., Ахмедова С., Шотурсунов М., Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти // – Т., 1996. – Б. 120-123.
3. Волкова. В.В., Административный процесс : учеб. пособие / В. В. Волкова. М. : Юнити-Дана, 2012. С. 128.
4. Гапон Ю.П., Вестник Челябинского государственного университета. 2014. № 20 (349). Экономика. Вып. 40. С. 34.
5. Попов Л.Л., Мигачев Ю.И., Тихомиров С.В., Административное право - России. / – М.: Т.В.Велби, изд-ва Проспект, 2008 – С. 244;
6. Поддубный, А.О. Особые условия применения административного задержания в производстве по делам об административных правонарушениях: автореф. дис. ... канд. юрид. наук // А. О. Поддубный. Саратов: Саратов. гос. акад. права, 2003. С. 188.
7. Россинский Б.В., Стариков Ю.Н., Административное право: учебник /– М.: Норма: инфор-м, 2010. – С. 329.
8. Решетник Ю.Ф., Обстоятельства, способствующие нарушению законности при применении административного задержания [Circumstances promoting irregularities in the use of administrative detention] // Адм. право и процесс. 2011. № 10. С. 50–53.
9. Селиманова С.М., Административное право. Учебник. – Т., –2019. – С.193– 195;
10. Соколов. А. Ю., Система мер обеспечения производства по делам об административных правонарушениях: монография // А.Ю. Соколов. Саратов : Науч. книг., 2011. С. 306.
11. Соколов А.Ю., Административное задержание как мера обеспечения производства по делам об административных правонарушениях [Administrative detention as a measure to ensure proceedings on administrative violations] / А.Ю.Соколов // Право. Законодательство. Личность. 2010. № 3. С. 88.
12. Худойбердиев А.А., “Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш”: Юрид. фан. бўй. фалсафа док (PhD).... дисс. – Т.: ИИВ Академияси, 2020. – Б. – 95-98.
13. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда.

СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТ УЧУН ЕНГИЛРОҚ ЖАЗО ТАЙИНЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Амалдаги қонунчиликда айбдорга содир этган жинояти учун қонунда назарда тутилган жазо қўлланилади. Шунингдек, енгилроқ жазо қўллашга эса айбдор шахснинг айби даражаси ва шакли, шахснинг жиноят содир этгунгача ва ундан кейинги ҳулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларининг жами асос бўлади ҳамда суднинг ҳукмига кўра мазкур ҳолатларда айбдорни тузатиш, жиноятнинг олдини олишга эришиш учун мазкур жиноят учун қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинланади.

Жиноят ҳуқуқида жазо тайинлаш мураккаб жараён саналиб унинг ўзига хос тартиби ва шартлари мавжуд. Амалдаги Жиноят кодексининг XI боби жазо тайинлаш масалаларига бағишланган бўлиб унда жазо тайинлашнинг умумий асослари, жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар, хусусан, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, енгилроқ жазо тайинлаш масалалари, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш қоидалари ҳамда бошқа шунга ўхшаш нормалар белгиланган.

Ҳуқуқшунос С.В. Аносченкованинг фикрича, жазо тайинлашнинг умумий асослари умумбашарий характерга эга ва уларга риоя қилиш барча жиноят ишларида муҳимдир. Жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қоида жазони индивидуаллаштириш воситаси сифатида адолатли жазони тайинлаш учун ўзига хос асос бўлиб, уларни ҳисобга олмасдан жазо тайинлаш мумкин эмас.

Юридик адабиётларда жазо тайинлашнинг умумий асослари тизимига тадқиқотчилар бир неча ҳолатларни киритишади. Мисол учун, Ф.М. Мингалимова жиноят қонунчилиги мавжуд бўлган жазо тайинлашнинг умумий асослари тизимига: а) жазонинг адолатли бўлиши; б) жазо Жиноят кодекси Умумий қисмининг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда суд томонидан тайинланиши; в) Жиноят кодекси Махсус қисмининг қоидаларига риоя қилган ҳолда тайинланиши; г) оғирроқ жазо тури фақат қонунда белгиланган жазо мақсадларига эришишни таъминлай олмаган тақдирдагина қўлланилиши; д) жазо тайинлашда суд жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини ҳисобга олиши; е) жиноят содир этган шахснинг шахси; ф) тайинланган жазо маҳкумни ахлоқан тузатиши ва унинг оилавий шароитига таъсири каби ҳолатларни киритган.

Жиноят кодексига содир этилган **жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар** эътиборга олиниб, енгилроқ жазо тайинлаш (ЖКнинг 57-моддаси) мумкинлиги назарда тутилган.

Санкцияда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш қонунга асосланган бўлсада, ЖКнинг 54-моддасида кўрсатилган умумий қоидадан чекиниш ҳисобланади. Қонунда кўрсатилгандан ҳам енгилроқ жазо тайинланишига асос бўладиган ҳолатларнинг қонунда кўрсатилмай, бу масаланинг ҳал қилинишини суднинг ихтиёрига бериш билан бирга бундай ҳолатлар жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирувчи ҳолатлар бўлиши кераклиги талаби қуйилган.

Суд амалиётининг таҳлили енгилроқ жазо тайинлашда нафақат жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар, **балки қонунда назарда тутилган бошқа нормаларни ҳам қўллашда**, айнан ЖКнинг 57-моддасига мурожаат қилиб келинаётганлигини кўрсатмоқда.

Натижада, судлар томонидан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда жазо тайинлаш билан боғлиқ кўрсаткичларда **ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар** инobatга олиниб, **енгилроқ жазо тайинлаш кўрсаткичлари юқори эканлиги ҳақида нотўғри тасаввурнинг** шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, қонун талабига мувофиқ:

- жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган **энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан** ошмаслиги керак;

- озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш **энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан** ортиқ бўлиши мумкин эмас;

- вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан **озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо тайинланмайди**.

Қонунчиликда белгиланган нормалар юқорида қайд этилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ЖКнинг 57-моддасини қўлламасдан туриб енгилроқ жазо тайинлаш мумкинлигини кўрсатади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 28-бандида ЖК 50-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ аёлларга, шунингдек 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо муддати, шу жумладан, жиноятлар мажмуи ва ҳукмлар мажмуи бўйича жазо тайинланаётган ҳолларда ҳам, Жиноят кодексининг Махсус қисмининг тегишли моддаси (моддаси қисми) санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги, аёлларга, шунингдек 60 ёшдан ошган эркакларга нисба-

тан Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаси (моддаси қисми) назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ ёки бошқа енгилроқ жазо **ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда тайинланиши ҳақида** тушунтириш берилган.

Шунга кўра, **жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи** ҳолатлар мавжуд бўлмаган вазиятларда ҳам ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда жазо тайинлаш амалиёти йўлга қўйилганини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Жиноят кодекси Махсус қисми айрим моддаларининг санкцияси ишдаги мавжуд ҳолатлардан келиб чиқиб **жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи** ҳолатлар мавжуд бўлмаса-да, **ЖК 57-моддасини қўллаган ҳолда тайинлашни тақозо этмоқда.**

Масалан, ЖКнинг 168-моддаси (Фирибгарлик) учинчи қисми санкциясида **муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган.** Фирибгарлик билан боғлиқ жиноят кўп миқдорда, такроран ёки хавfli рецидивист томонидан содир этилган тақдирда ҳам қилмиш ЖКни 168-моддасининг учинчи қисми билан малакаланиши, айбдор эса бирон-бир фаолият билан шуғулланмаслиги, кўшимча жазо эса фақатгина ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда тайинланмаслиги мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, 2020-2023 йилларда **188,6 минг** нафар шахсларга айблов ҳукми чиқарилган бўлиб, улардан **56,8 минг** нафари ёки **30,1 фоизига** нисбатан ЖК 57-моддаси асосида енгил жазо тайинланган.

Эътиборлиси, мазкур шахсларнинг **14 минг** нафарига ёки **25 фоизига** муқаддам содир этган жинояти учун ЖКнинг 57-моддаси тартибда енгил жазо тайинланган (*995 нафарига - 2 марта, 280 нафарига - 3 марта, 146 нафарига - 4 марта*).

Фикримизча, судлар томонидан **қонунда назарда тутилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинланган ҳолатларнинг 6 949 нафарига ёки 75 фоизига** ишдаги мавжуд жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сабаб бўлган бўлса, **2 251 нафар** шахсга нисбатан ёки **25 фоизига** бошқа бир қатор омиллар сабаб бўлган.

Биринчи омил, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёллар ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан озодликдан маҳрум этишнинг модда санкциясидаги **энг кўп жазо муддатининг учдан икки қисмидан** ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қонун талаби.

Жами ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда жазо тайинланган шахсларнинг **343 нафари** ёки **3,7 фоизига** айнан қонуннинг мазкур талаби асос бўлган. Шундан, **268 нафарини** аёллар, **75 нафарини** 60 ёшдан ошган шахслар ташкил этган.

Иккинчи омил, тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашда (*ЖК 25-моддаси*) ЖКнинг 57-моддасини қўллаш зарурати.

Ушбу даврда жами ЖКнинг 57-моддасини қўлланган ҳолда жазо тайинланган шахсларнинг **234 нафари** ёки **2,5 фоизига** айнан қонуннинг мазкур талаби асос бўлган.

Учинчи омил, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган айрим шахсларга нисбатан (*вояга етмаган ёки ЖКнинг 50-моддасидаги айрим тоифадаги шахслар*) модда санкциясидаги **озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг тайинланмаслиги ҳақидаги қонун талаби.**

Ушбу даврда жами ЖКнинг 57-моддасини қўлланган ҳолда жазо тайинланган шахсларнинг **573 нафари** ёки **6,2 фоизига** айнан қонуннинг мазкур талаби асос бўлган.

Тўртинчи омил, фирибгарлик жиноятини содир этган ишсиз ёки хизматчи (*мансабдор*) бўлмаган шахсга нисбатан (*ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми билан*) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони тайинлаш лозим топилмаганлиги.

Ушбу даврда жами ЖКнинг 57-моддасини қўлланган ҳолда жазо тайинланган шахсларнинг **793 нафари** ёки **8,6 фоизига** айнан мазкур омил сабаб бўлган.

Бешинчи омил, ЖКнинг 57-моддасида назарда тутилмаган (*Ёшлар иттифоқи, МФЙ, Хотин-қизлар томонидан кафолат хатлари тақдим этилган ҳолатлар, судланувчининг ногиронлиги каби*) бошқа ҳолатлар учун қўлланилган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, енгилроқ жазо тайинланган шахсларнинг **308 нафари** ёки **3,3 фоизига** айнан мазкур омил сабаб бўлган.

Фикримизча, суд амалиётидаги **жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи** ҳолатлар мавжуд бўлмаганда ва жиноят учун жазо тайинлашнинг умумий асослари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясидаги мавжуд жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки моддада назарда тутилмаган жазони ЖКнинг 57-моддасини қўлламасдан, тўғридан-тўғри тайинлаш амалиётини йўлга қўйиш лозим.

Бундан ташқари, ЖКнинг 55-моддаси "а" бандига кўра, айбини бўйнига олиш тўғрисида **арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ва жиноятни очишда фаол ёрдам бериш** жазони енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланиб, мазкур **учта асос бир вақтда мавжуд бўлгандагина** шахсга енгилроқ жазо тайинлаш мумкин.

Бироқ, ушбу ҳолат амалиётда **судлар томонидан турлича талқин қилинаётган ҳолатларни учратиш мумкин.** Жумладан, судлар учун шахснинг айбини бўйнига олиш тўғрисида арзи ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиши фактларининг мавжудлиги судланувчига нисбатан енгил жазо тайинлаш учун асос бўлмоқда.

ЖКнинг 73-моддасида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, 74-моддада жазони енгилроғи билан алмаштириш асослари белгиланган бўлиб, улар жазо учун ўрнатилган **тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга**

ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Жиноят-ижроия кодексининг 164-моддасига кўра, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш суд томонидан ЖПКнинг 536-моддасида белгиланган тартибда қўлланилади.

Ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, 2020-2023 йилларда айблов ҳукми чиқарилган 188,6 минг нафар шахслардан **91,1 минг** нафари ёки **48,3 фоизи** ЖКнинг 73-моддаси билан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган, **35,9 минг** нафари ёки **20 фоизининг** жазоси ЖК 74-моддаси асосида енгилроқ жазо билан алмаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, шартли озод қилинган ва жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилган маҳкумларнинг аксарияти **муқаддам судланган ҳолда** уларга нисбатан юқоридаги енгиллаштирувчи асослар такроран қўлланганлиги ҳолатлари ҳам мавжуд.

Хусусан, **Жиззах вилоятида** 2022-2023 йилларда ЖКнинг 73-моддаси билан шартли озод қилинган **4 573** нафар маҳкумлардан **1 588** нафари **муқаддам жиноят содир этган бўлсада**, уларга шартли озод қилиш **такроран қўлланган**.

Шунингдек, ЖКнинг 74-моддаси билан жазоси енгилроқ жазога алмаштирилган 3 057 нафар маҳкумлардан 1 811 нафари муқаддам жиноят содир этгани ҳолда уларга нисбатан жазони енгилли билан алмаштириш такроран қўлланган.

Мазкур ҳолатлар, ўз навбатида, **жиноятлар ортишига сабаб бўлмоқда**, дейиш мумкин.

Ушбу енгиллаштирувчи асосларни қўллашда айрим шахслар ёки жиноятлар тури бўйича чекловлар ўрнатилган бўлсада, коррупцион ёхуд иқтисодий жиноят содир этган ҳолда **зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга** нисбатан чекловлар белгиланмаган.

Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги 28-сонли қарори (*“Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”*) 11-бандида: *“..жазони ижро этувчи органнинг жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришга оид тақдимномасини ўз иш юритувига қабул қилиш масаласини ҳал этишда, судья жиноят оқибатида етказилган **зарар тўлиқ** ёки **қисман қопланганлиги** тўғрисида батафсил маълумотлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириши лозимлиги”* ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Айниқса, Конституциямизнинг 29-моддасида *“..хуқуқбузарликдан жабрланганларнинг хуқуқлари қонун билан муҳофаза қилиниши, давлат уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратиши”* белгилаб қўйилган.

Бироқ, хуқуқни қўллаш амалиётида айрим судлар томонидан етказилган зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга нисбатан ҳам жазодан шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган ҳолатлар мавжудлиги кузатилмоқда.

Бу ҳолат жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва кенг жамоатчиликнинг ҳақли **эътирозларига** сабаб бўлиши мумкин (*аксарият фирибгарлик содир этган шахслар билан боғлиқ*). Жумладан, 2020-2023 йилларда **Тошкент вилояти** жиноят судлари томонидан айблов ҳукми чиқарилган **17 618** нафар шахсга ЖКнинг 74-моддаси тартибида жазо енгилроғи билан алмаштирилган.

Эътиборлиси, уларнинг **2 821** нафари жиноят натижасида етказилган **296,5 млрд.** сўм миқдордаги **зарарни умуман қопламаган** ҳолатда жазоси енгилроғи билан алмаштирилган.

Умуман, ЖКнинг 74-моддаси тартибида жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган **17 618** нафар шахслар билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатларига жами **1,96 трлн.** сўм моддий зарар етказилган бўлиб, уларнинг атиги **63,5 млрд.** сўми ёки **3,2 фоизи** қопланган ҳолос (*1,89 трлн. сўм ёки 96,8 фоизи қопланмаган*).

Шунингдек, 2020-2023 йилларда **Тошкент шаҳар** жиноят судлари томонидан айблов ҳукми чиқарилган шахсларнинг **9 234** нафари ЖКнинг 73-моддаси тартибида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган бўлиб, уларнинг **2 821** нафари жиноят натижасида етказилган **297 млрд.** сўм зарарни **умуман қопламаган**.

ЖКнинг 73-моддаси асосида шартли озод қилиш қўлланилган шахслар билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатларига жами **82,7 млрд.** сўм моддий зарар етказилган бўлиб, уларнинг атиги **24,1 млрд.** сўми ёки **29 фоизи** қопланган ҳолос (*58,5 млрд. сўм ёки 71 фоизи қопланмаган*).

Таҳлилларга кўра, етказилган зарарнинг ўрни қопланмасдан шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахсларнинг **такроран жиноят содир қилиш ҳолатлари кўп учрамоқда**.

Айниқса, фуқароларни **чет элга ишга юбориш, автомашина ва уй-жой бўйича** фирибгарлик жиноятларини содир этиб, фуқароларнинг маблағларини ўзлаштирган шахслар жазони ўтаб бўлгач яна фирибгарлик содир қилаётган ҳолатлар учрамоқда.

Юқоридагиларга кўра, республикада ягона жазо тайинлаш амалиётини таъминлаш учун Олий суд Пленуми қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хасан ТУГАЕВ,
муштақил изланувчи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Анощенко С.В. Основа справедливого наказания // Журн. рос. права. 2017. № 4. С. 106-112.
2. Махмудов С. Жазо тайинлашнинг умумий асослари тизимида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг тутган ўрни // file:///C:/Users/User/Downloads/rol-obstoyatelstv-smayagchayuschih-nakazanie-v-sisteme-obschih-osnov-naznacheniya-nakazaniy.pdf
3. Мингалимова М.Ф. Назначение наказания с учетом смягчающих обстоятельств: Дисс... докт. юрид. наук. Москва. – 2019. С. 72.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРЛАР

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг келиб чиқиш тарихи Қадимги Рим давлатига бориб тақалиши ҳеч кимга сир эмас ва шу боис бу соҳа ҳозирги кунда ҳам Рим ҳуқуқи орқали ўрганилади. Шунинг учун биз айрим олимларнинг Рим ҳуқуқи соҳасидаги асарларида пудрат шартномаси қай даражада ўрганилганини кўриб чиқамиз. Мана шундай манбалардан бирида пудрат шартномасига қуйидагича таъриф берилган “пудрат шартномаси деб бир томон (conductor), яъни пудратчининг иккинчи томон (locator), яъни буюртмачининг фойдасига маълум ишни бажариши ва ундан келиб чиққан маҳсулотни топшириш, шунингдек иккинчи томон (locator) эса ишни ўз вақтида қабул қилиш ва белгиланган суммани тўлаш мажбуриятини оладиган шартномага айтилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки Қадимги Римда пудрат шартномаси ижара шартномасининг бир қисми сифатида тушунилган. Рим ҳуқуқида ижара шартномаси уч турга бўлинган. Улар қуйидагилар:

- Мулк ижараси (location - conduction rīa);
- Ишлар ижараси (pudrat) (location - conduction operas);
- Хизматлар ижараси (location - conduction operarum).

Кейинчалик эса қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ муносабатлар Европа давлатларида ҳам ривожланиб борди ва XVIII аср охири XIX асрнинг бошларига келиб фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар кодификациялана бошланди. Бунга Наполеон томонидан қабул қилинган 1804 йилги Франция фуқаролик кодексини мисол қилиб олсак бўлади.

Мана шу кодексдан кейин Европанинг бошқа давлатларида ҳам айти шундай кодификациялаш жараёни давом этди.

Пудрат шартномаси консенсуал шартнома бўлиб ҳақ эвазига тузилади. Пудрат шартномасига қонунчиликда берилган таърифга кўра, пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Агар қонун ҳужжатларида ёхуд тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ишни бажариш учун пудратчи таваккал қилади.

Пудратчи билан тузилган шартнома тадқиқот олиб бориш, намуналар ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг бутун жараёнини ҳам, уларнинг айрим босқичлари (элементлари)ни ҳам қамраб олиши мумкин.

Қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Қурилиш пудрати шартномаси корхона, бино (жумладан уй-жой биносини), иншоот ёки бошқа объектни қуриш ёки қайта қуриш ҳақида, шунингдек монтаж, сошлаш, ишга тушириш ва қурилаётган объект билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш ҳақида тузилади. Қурилиш пудрати шартномаси тўғрисидаги қоидалар, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишларига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ҳолларда объектни буюртмачи қабул қилиб олганидан кейин уни шартномада кўрсатилган муддатда ишлатишни таъминлаш мажбуриятини пудратчи ўз зиммасига олади. Тугалланмаган қурилишнинг мулкдори у буюртмачига топширилгунча ва унинг ҳақи тўлангунча пудратчи ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида турли хил миқёсдаги қурилиш лойиҳалари олиб борилмоқда ва бу ҳолат янги ижтимоий муносабатлар шакллари пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бир нарса аниқки, халқаро миқёсда тузиладиган қурилиш пудрат шартномаларини тартибга солиш, уларнинг шакллари, лойиҳа-сметалари ва нархларини белгилаш учун биргина ёнги бир неча давлатнинг қонунчилик салоҳияти етарли бўлмайдиган ва ўз навбатида хорижий қурилиш ташкилотларининг кириши учун тўсқинлик қилади. Шунинг учун ҳам

жаҳон амалиётида фойдаланилаётган намунавий шартномаларни қўллаш ўринли ҳисобланади.

Айти шундай намунавий шартномаларни қурилиш соҳасида бир неча халқаро ташкилотлар қатори FIDIC (Fédération Internationale Des Ingénieurs-Consseils) ишлаб чиққан. Кенг омма ана шу ташкилот ишлаб чиққан шартномалардан, унинг мезонларидан бугунги кунда фойдаланиб келмоқда.

FIDIC Халқаро консалтинг муҳандислари Федерацияси стандарт шартнома шартларини ишлаб чиқади. Қурилиш шартномалари соҳасида ҳозирги вақтда FIDIC проформати жуда муҳим ўринни эгаллайди.

FIDIC 1913 йилда Бельгияда асос солинган ва бугунги кунда энг таъниқли халқаро ташкилотлардан бири ҳисобланади. Унинг таркибига қарийб 100 та миллий уюшма ва жамият киради. Бугунги кунда FIDIC бутун дунёдаги 75 дан ортиқ мамлакатларда миллий уюшмаларига эга бўлиб ушбу давлатларда унинг муҳандислари ўз фаолиятини олиб боради.

Ҳозирда ушбу ташкилотга МДХ давлатлари аъзо бўлиб, Ўзбекистон қузатувчи мақомига эга.

FIDIC модель шартномалари қурилиш ишларида кенг қўлланилади, керак бўлганда ўзгариши мумкин. Намунавий шартнома муайян битим шартларига, қонун ва тартибга мослашишни таъминлайди. Буларнинг барчаси улардан фойдаланишни осонлаштиради. Шартномалар асосан қурилиш лойиҳаси иштирокчиларидан бири халқаро ташкилот бўлсагина доимий амалиётда қўлланилади.

FIDIC модель шартномалари қурилиш соҳасида шартномавий муносабатларни ўрнатиш учун самарали восита ҳисобланади. Чунки ушбу намунавий шартномалар нафақат қурилиш пудрат шартномасининг муҳим шартларини балки, бошқа турдаги шартномаларнинг ҳам ўзига хос элементларини ўзида қамраб олади.

Айти шу ўзига хослик барча FIDIC шартномаларига тааллуқли бўлиб, бу шартномалар низоларни ҳал қилиш йўлларини, суғурта, юкларни ташиш, қурилиш учун умумий мезонларни ҳам қамраб олади. FIDIC модель шартномалари ўзларининг ноёб тузилмаларига эга бўлиб, қурилиш шартномалари тузишда кўплаб амалий тажрибалар асосида тасдиқланган тизимга асосланган.

Рисолат АБДУЛЛАЕВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси,

Аброр ФАЙЗУЛЛАЕВ,

Қашқадарё вилояти юридик техникуми ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Baker, Ellis, et al. FIDIC contracts: Law and practice. Informa Law from Routledge.
2. Договор найма в Римском праве. Электронный ресурс: <http://pravo.studio/rimskoe-pravo/dogovor-naйма-rimskom-prave-ego-79970.html>
3. Новицкий И.Б. Римское право. Учебник для вузов. [Текст] – П., Юрай. 2010. – С. 507.(608)
4. Основы договора подряда. Электронный ресурс: <https://lawbook.online/prava-pravovedenie-osnovnyi/176-dogovor-podryada-24633.html>
5. О'Р ФК 693-модда.
6. Смирнов П.Ю. Договор подряда в Римском праве. Электронный источник: <https://law.wikireading.ru/36303>
7. <http://fidic.org>
8. <http://www.lex.uz>
9. <https://lawbook.online>
10. <http://pravo.studio>



ИЖТИМОЙ ХАВФЛИ ҚИЛМИШ: ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ

“Ижтимоий хавфли қилмиш” ибораси “жиноят” тушунчасига нисбатан анча кенг, бироқ, кундалик ҳаётда жиноят деб топилмайдиган ижтимоий хавфли қилмишлар ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига киритилмаган ижтимоий хавфли қилмишларнинг хавфлилик даражаси кам аҳамиятли бўлиб, Жиноят кодексига фақат ижтимоий хавфлилик ва даражаси юқори бўлган қилмишлар киритилган.

Шу ўринда таъкидлаш керак-ки, жиноятнинг ижтимоий хавфли қилмишдан фарқли равишда тўрт белгиси (ижтимоий хавфлилик, ҳуқуққа хилофлик, айблилик ва жиний жазога сазоворлик) ва тўрт таркибий элементи (объектив ва субъектив белги) жиноят ҳуқуқи назариясида асослаб берилган. Ижтимоий хавфли қилмишда эса жиноятнинг зарурий белгиси сифатида қайд этилган айбдорлик ёки жазога сазоворлик белгиси бўлиши айрим ҳолларда эса бўлмаслиги ҳам кузатилади.

Жиноят қонунчилигида жиноят сифатида назарда тутилган ижтимоий қилмишларнинг аксарият қисми жиноят субъекти бўла оладиган шахслар томонидан содир этилади, айрим ҳолларда ижтимоий хавфли қилмишлар ақли норасо шахслар томонидан ҳам содир этилади. Улар содир этадиган ижтимоий хавфли қилмишларнинг жамият учун ижтимоий хавф туғдиришини инobatга олган ҳолда уларни ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахслар деб топиш мумкин. Бироқ, уларнинг содир этган ижтимоий хавфли қилмишда жиноят таркибининг айрим белгилари бўлмаганлиги боис, ушбу гуруҳга мансуб шахслар жиноят содир этган шахслар деб топилмайди. Ҳозирги замон криминология фанида “жиноятчи” ва “жиноятчининг шахси” каби атамаларга категория, яъни ҳар бири мустақил тушунчалар сифатида қаралади ва улар гуруҳларга ажратилган. Биринчидан, жиноятчилар дейилганда қилмишни содир этган ақли расо шахслар тушунилади. Иккинчидан, жиноятчилар ўз ҳаракатлари билан жиноят қонунчилигида жиноят тариқасида қайд этилган ижтимоий хавфли қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этадилар.

Мамлакатимизнинг амалдаги қонунларида ҳуқуқбузарликлар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: маъмурий ва жиний каби турларга ажратилади. Аммо, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига асосан “Ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиний жавобгарлик назарда тутилган айбли гайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир”, деб тушунча берилади. Бироқ, мазкур тушунчада интизомий ёки фуқаровий ҳуқуқбузарликлар эътибордан четда қолдирилган.

Ҳозирги кунга қадар жиноят ҳуқуқи назариясида “жиноят” ва “ижтимоий хавфли қилмиш” тушунчаларининг ўзаро ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари олимлар

ўртасида баҳсларга сабаб бўлиб келган. Хусусан, бир гуруҳ олимлар “ижтимоий хавфли қилмиш” тушунчасини, “жиноят” тушунчасига нисбатан кенг тушунча, деб ҳисоблайди. Профессор А.С.Якубовга кўра, “Кундалик ҳаётда жиноят деб топилмайдиган ижтимоий хавфли қилмишлар ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига киритилмаган ижтимоий хавфли қилмишларнинг хавфлилик даражаси кам аҳамиятли бўлиб, амалдаги Жиноят кодексига фақат ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси юқори бўлган қилмишларгина киритилган”лигини эътироф этади. Профессор Ю.С.Пулатов “ҳар қандай жиноятнинг моддий белгиси Жиноят кодекси 14-моддасининг 2-қисмида ўз аксини топган”, дея эътироф этиб, жиноят ҳисобланмайдиган ижтимоий хавфли қилмишлар рўйхати кенг талқин қилинмаслигини таъкидлайди.

Жиноят ҳуқуқи назариясида ижтимоий хавфлилик жиноятнинг ижтимоий моҳиятини очиб беради. Шу боис “ижтимоий хавфли қилмиш” ибораси жиноят ҳуқуқининг алоҳида категорияси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасида “жиноят” тушунчаси билан бир қаторда, “ижтимоий хавфли қилмиш” тушунчаси белгилаб берилган.

Бироқ, АҚШ, Германия каби давлатлар жиноят ҳуқуқида жиний қилмиш фақатгина гайриҳуқуқийлик, жазо муқаррарлиги, айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик сифатида таҳлил қилинади. Ушбу давлатлар жиноят ҳуқуқи тизимида “ижтимоий хавфлилик” жиноятнинг белгиси сифатида эътироф этилмайди.

“Жиноятчи” деб фақат суд ҳукми асосида айблов ҳукми чиқариладиган шахсни аташ мумкин. Сабаби, биринчидан, жиноятчи, деганда жиноят қонунида жиноят сифатида назарда тутилган қилмишни содир этган ақли расо жисмоний шахс тушунилади; иккинчидан, жиноятчи ўз ҳаракатлари билан жиноят қонунчилигида жиноят тариқасида қайд этилган қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этади; учинчидан, жиноят қонунида белгиланган жавобгарликка тортиш ёшига етганлиги билан ифодаланади.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс деганда, жиноят қонуни билан таъқиқланган қилмишни амалга оширган, жиний жавобгарликка тортиш ёшига етмаган, ақли расо норасо шахслар тушунилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Меҳрожиддин ТУРСУНОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЬЯЛАР ЗАХИРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР

Судьялар олий кенгаши томонидан судьялик лавозимига танлаш ва тайинлаш бўйича қатор янги тартиб ва талаблар жорий этилган. Хусусан, улардан бири сифатида судьялик лавозимига номзодларнинг психологик ҳолати бўйича касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастур ишлаб чиқилиб, тўлиқ ишга туширилганлигини айтиб ўтиш мумкин. Унга кўра, номзоднинг қатъийлик, босиқлик, жиззакилик, стрессга чидамлилиқ, коррупция, алкоғолизмга мойиллик ва бошқа психологик хусусиятларини электрон дастур ёрдамида психологик тестлар орқали аниқлаш тартиби жорий этилди. Шундай бўлса-да, ушбу соҳада амалга ошириладиган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш зарур.

Мисол учун, ўзларининг профессионал билим ва кўникмаларига эга бўлган прокуратура ва адвокатура ходимлари судьялик лавозимига номзодлар сифатида қабул қилиниши мумкин. Бу эса ўз навбатида, ушбу фуқароларнинг судьялик лавозимига тайинлангандан сўнг ўз профессионал “қараш”ларини тўлиқ қайта кўриб чиқишларига тўғри келади. Судьяликка номзод (мисол учун илгари прокуратура органи ходими бўлган шахс) ҳуқуқий онгининг давлат айбловини олиб борувчи, жазоловчи йўналишдан объективлик, бета-рафлик, суд жараёнида тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлиги сари ўзгариб бориши учун маълум бир муддат ўтиши лозимдир. Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик, жиноят ҳуқуқидан фарқлинишини инobatга олган ҳолда судьялар фуқаролик ишлари бўйича низоларни кўриб чиқишда ва мазмунан ҳал этишда ушбу ҳудуднинг ўзига хос хусусияти, аҳолининг психологик ҳолати, уларнинг маънавий, маданий, ахлоқий қарашлари, одатларини инobatга олиши лозим.

Бундан ташқари, суд раислари лавозимларига ҳамда кўйи судлардан юқори судларга судьяларни ўтказишда уларнинг билими, тажрибаси ҳамда шахсий фазилатларидан ташқари раҳбарлик, ишни тўғри ташкиллаштириш, етакчилик, узоқни кўра билиш қобилиятлари ва бошқа мансаб лавозимига зарур бўлган салоҳиятларини ҳам инobatга олиш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни айтиш лозимки, судьяликка номзодларнинг ушбу лавозимга тайёрлиги ва муносиблигини кўрсатиб берувчи энг муҳим ўлчовлардан бири бу – номзод шахсиятининг психодиагностик текширувидир. Ушбу текширувнинг вазифаларидан бири одил судлов вазифасини амалга ошириш, номзоднинг судьялик лавозимига психологик ва профессионал яроқлилигини баҳолаш ва номзоднинг психологик ҳолати, кадриятлари, шунингдек коррупцияга мойиллиги ва бошқа (худбин, манфаатпарастлиги каби) хислатларини аниқлашдир.

Судьялар томонидан ҳар бир фуқаролик ишларининг қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда, одиллик ва адолатлилиқ бўйича мазмунан кўриб чиқиши, уларнинг фаолиятларида коррупцияга йўл қўймаслик бўйича россиялик мутахассис Уварова Л.В. “Судьялик лавозимига номзодларни профессионал, психологик танловида, уларнинг коррупцияга мойиллигини баҳолаш методикаси” мақоласида судьялик лавозимига номзодлар захирасини шакллантириш ва судьялар-

ни танлаш ва жой-жойига қўйишда “М.Рокичнинг “Кадриятлар йўналиши” методининг тест натижалари, Герцбергнинг “мотивация тести”, В.В.Скворцованин “асосий эҳтиёжларнинг қондирилганлиги даражаси диагностикаси” ҳамда юқоридаги методлар натижасини бирлаштирган ҳолда “коррупцияга мойил шахснинг психологик портрети” асосида номзодларни танлаш лозимлиги ва шахснинг коррупцияга мойиллигини баҳолаш методикасини ишлаб чиққан.

Россия Федерациясининг Олий суди ҳузуридаги Суд департаменти томонидан “Эксперимент тарзида, судьялик лавозимига номзодларни психодиагностик текширув методидан фойдаланган ҳолда ўтказиш бўйича Тавсиялар” 2012 йил 17 декабрдаги №-147 сонли буйруғи билан тасдиқланган ва ҳозирда Россия Федерациясининг айрим ҳудудларида ушбу усулдан фойдаланган ҳолда судьяликка номзодлар психологик текширувдан ўтказилмоқда.

Бизнинг фикримизча, судьяликка номзодлар захирасини шакллантиришда юқорида кўрсатиб ўтилган усуллар, жумладан, судьяликка номзодларга қўйилган талабларнинг қонунчиликда мустаҳкамлини, номзодлар захирасини шакллантиришда, уларнинг малака имтиҳонларини топширишлари, судьяликка номзод шахсиятининг психодиагностик текшируви кабилар Ўзбекистон Республикасида судьяликка номзодлар захирасини шакллантиришда ҳамда уларнинг мансаб пиллапояларидан кўтарилиши ва раҳбарлик лавозимларига тайинлашда етарлича инobatга олиниши ҳамда шу асосда ягона тизимни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, судьялик лавозимида фаолият олиб бораётган шахслар катта психологик босим ва ваколатни суиистеъмол қилиш омилларининг кучли таъсири доирасида фаолият кўрсатиши сабабли судьяликка номзодлар захирасини шакллантиришда, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ёки фаолиятларини баҳолашда уларнинг ижтимоий психологик жиҳатлари, хусусан, коррупцияга мойиллик даражасини баҳолаш методларидан фойдаланишни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда, психологлар маълум бир номзод ҳақида фақатгина эксперт хулосасини бериши ҳамда ушбу хулоса асосида судьялик лавозимига номзодларни тавсия этиш ҳақида Судьялар олий кенгаши якуний қарорни қабул қилишини инobatга олиш лозим.

Равшанбек ШЕРБАДАЛОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МЕЪЁРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Хуқуқ тизимидаги рағбатлантириш меъёрлари шахслар ва ташкилотларнинг хатти-ҳаракатларини шакллантирадиган тамойиллар ва қоидаларни англатади. Бу меъёрлар яхши хулқ-атвори рағбатлантириш ва ёмон хулқ-атворга йўл қўймаслик учун ишлаб чиқилган бўлиб, хуқуқий тизимнинг адолатли ва самарали ишлашини таъминлашдан иборат. Рағбатлантириш – бу шахслар ва одамлар гуруҳлари хатти-ҳаракатларининг ўзгаришига таъсир кўрсатиш усули ҳисобланади. Шахсни рағбатлантиришнинг мақсади ҳар доим бир хил – ижтимоий аҳамиятга эга натижага эришиш учун қандай хатти-ҳаракатлар қилиш кераклигини кўрсатишдир.

Хуқуқ тизимидаги меъёрлар хилма-хил бўлиб, рағбатлантириш қоидалари хуқуқ меъёрларининг турларидан бири ҳисобланади. Шуни эътироф этиш керакки, на қонун ҳужжатларида ва на юридик адабиётларда “рағбатлантириш” тушунчасига аниқ таъриф берилмагани маълум қийинчиликларни туғдиради. Маъмурий-хуқуқий қарашларда рағбатлантириш давлат бошқаруви усулларида бири сифатида эътироф этилади. Баъзи муаллифлар рағбатлантириш мустақил аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар, бошқалари рағбатлантиришни ишонтиришнинг кўринишларидан бири сифатида тадқиқ қиладилар. Хуқуқшунос В.Волковага кўра рағбатлантириш меъёрларига асосланган хуқуқий муносабатларнинг хилма-хиллиги рағбатлантириш турлари, шакллари, хуқуқий ҳужжатлари ва хуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг хилма-хиллиги билан боғлиқ бўлиб, бу уларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган механизмда ўз изини қолдиради, етарлича кенг тартиблар тизимини талаб қилади.

Рағбатлантириш чуқур тарихий асосга эга. Дастлаб рағбатлантириш педагогик амалиётда ва психологияга асосланган фанларда қўлланилган. Бу ерда қийинчилик “тарбия усули” ва “таъсир қилиш усули” тушунчаларини фарқлашдир. Тарбия усули – бу шахсни шакллантириш жараёнининг омили бўлган ва муносабатларнинг у ёки бу томонини шакллантиришни белгилувчи бир қатор ижтимоий-психологик таъсирлардан иборат бўлган умумий ва кенг таъсир ҳисобланади. Бу амалий тушунчадан кўра кўпроқ назарий тушунчадир. Амалда, фақат шахсга умумий таъсир контекстида қўлланиладиган алоҳида операциялар сифатида таъсир қилиш усуллари мавжуд бўлиб, ижтимоий муносабатларга “тарбия усуллари” ва “таъсир қилиш усуллари”нинг киритилиши муносабатларнинг психологик хусусиятидан келиб чиқади. Ушбу усуллар ёрдамида тегишли эмоционал ҳолатларни кўзатиш, онгни шакллантириш мумкин. Анъанага кўра, педагогикада рағбатлантиришга катта эътибор берилади. Демак, педагогик адабиётларда “рағбатлантириш” атамасининг бир қанча таърифлари мавжуд. Рағбатлантириш – тарбиячиларнинг (ота-оналар, ўқитувчилар ва бошқалар) болаларнинг ўқиши, меҳнати, хулқ-атвориغا ижобий баҳосини ифодаловчи ва уларни кейинги муваффақиятларга рағбатлантирадиган педагогик таъсир ўлчовидир. Рағбатлантириш болаларнинг ўзига, куч ва қобилиятига ишончини мустаҳкамлайди, уларга янги куч ва меҳнатсеварлик бағишлайди.

Рағбатлантириш нафақат хатти-ҳаракатларда, балки характердаги ижобий хусусиятларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради. Моҳирона қўлланиладиган рағбатлантириш нафақат кўнгилни кўтарди, ижобий ҳаракатларни рағбатлантиради, балки инсон кадр-қиммати, туйғусини ҳам ривожлантиради.

Бир қатор олимлар одамларнинг иродаси ва онгига ташқи таъсир ҳар хил бўлиши мумкинлигини аниқлаганлар. У иккита асосий усулга боғлиқ: муайян турдаги фаолиятни рағбатлантириш ва ижроси мажбурлов чораларини қўллаш имконияти билан таъминланадиган ваколатли кўрсатмалар усулидир. Хуқуқий рағбатлантириш — бу субъектнинг ўз манфаатларини қондириш учун қулай режим яратадиган қонунга бўйсунувчи хулқ-атвори рағбатлантиришдир. Хуқуқий рағбатлантиришнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1) улар шахснинг шахсий манфаатларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар билан боғлиқ ва қадриятларни ваъда қилиш ёки таъминлаш, баъзан эса жазо чорасини бекор қилиш ёки камайтиришда ифодаланади;

2) имкониятлар доирасини кенгайтириш, эркинлик, чунки хуқуқий рағбатлантиришнинг намоён бўлиш шакллари субъектив хуқуқлар, қонуний имтиёзлар, рағбатлардир;

3) ижобий хуқуқий мотивни билдиради;

4) ижобий фаолликни оширишни таклиф қилиш;

5) ижтимоий муносабатларни тартибли ўзгартиришга қаратилган, ижтимоий алоқаларни ривожлантириш функциясини бажаради. Бу белгиларда уларнинг ижтимоий зарурияти ётади.

Хуқуқий тадқиқотлар доирасида “рағбатлантирувчи меъёр” тушунчаси яқинда пайдо бўлди, шунинг учун олимлар ўртасида ушбу муаммонинг баъзи жиҳатлари бўйича умумий фикр мавжуд эмас. Қонунга бўйсунувчи хулқ-атвори рағбатлантиришга қаратилган шахснинг онги ва иродасига ижтимоий таъсирнинг табиати, шубҳасиз, ушбу нормаларнинг энг муҳим фарқловчи белгиси ҳисобланади. Бу каби меъёрлар инсонни маълум бир хатти-ҳаракатга мажбурлашни эмас, балки уни рағбатлантиришни мақсад қилади.

Рағбатлантирувчи меъёрнинг ажралмас қисми - бу қараш ҳисобланади. Хуқуқий меъёрлар тизимида қараш мавжудлиги тартибга солинган ижтимоий муносабатларнинг табиати билан белгиланади ва хуқуқ субъектининг ижобий хатти-ҳаракатларидан иборат. Шунинг учун, диспозиция таркиби инсталган ижобий хатти-ҳаракатдир. Давлат томонидан таъминланганликнинг ўлчови бўлган санкция тартибда тасдиқланган хатти-ҳаракатлар бажарилишининг қонуний оқибати ва рағбатлантирувчи воситалардан фойдаланиш кафолати бўлиб хизмат қилади. Рағбатлантирувчи меъёрда белгиланган жиноий қонунчилик имтиёз нормасининг тузилишига, жамоатчилик билан муносабатлардаги ўзгаришга, яъни рағбатлантиришни амалга ошириш шартларига қараб, рағбатлантириш меъёри талаб қилинган ҳолларда давлат томонидан ваколат берилган шахслар томонидан амалга оширилади.

Рағбатлантириш меъёрлари, бутун хуқуқ тизими каби, ўзини жамиятдан устун қўя олмайди. Балки, улар ривожланишининг манбаи фақат ижтимоий муносабатларни ўзгартириш, эркинлик, шахсий мустақилликни ривожлантириш, фаол ижтимоий фойдали хатти-ҳаракатларга эришиш учун хуқуқий воситалардан фойдаланадиган жамиятнинг ўзи бўлиши мумкин. Қонуний ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида субъектларнинг қизиқишини, фаоллигини ошириш зарур. Шахс, жамият ва давлат эҳтиёжлари манфаатларини акс эттирган ҳолда қонунчилик базасини бошқаради, унинг замон руҳида янгилини таъминлайди. Бу кўп жиҳатдан хуқуқий тартибга солиш усулини, ижтимоий фаол қонуний хулқ-атвори таъминлашнинг давлат-хуқуқий воситаларини танлашга таъсир қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, рағбатлантириш меъёрлари хуқуқнинг турли соҳаларида мавжуд бўлган фойдали фаолиятни рағбатлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар қоидалари бўлиб, уларни яратувчи субъектларнинг кўпчилиги, шунингдек, турларининг хилма-хиллиги билан тавсифланади. Хуқуқий рағбатлантириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолиятни шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш учун одамларнинг хатти-ҳаракатларига ижобий – ижтимоий ва хуқуқий таъсир кўрсатишнинг махсус воситаси сифатида белгиланади, бунинг натижасида субъектнинг муносиб хулқ-атвори тақдирланади.

Эркин БЕРКИНОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ҳозирги кунда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши бўйича давлатимиз томонидан аниқ йўналтирилган қонун ва қонун ости ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилиб келинаётган бўлса-да, ушбу қонун ва қонун ости ҳужжатларини доимо такомиллаштириб бориш давр тақозоси ҳисобланади.

Бугунги кунда оғуфрушлар ушбу турдаги жиноятларни турли хил кўришиш ва усуллардан фойдаланиб содир қилиш билан чекланиб қолмасдан, илгари ушбу турдаги жиноятлари учун суд ҳукмига кўра жазосини ўтаганидан кейин ҳам ўзларига тўғри хулоса чиқармасдан яна шу турдаги жиноятларни содир қилиб келаётганликлари ачинарли ҳолатдир.

Шу ўринда давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатини нотўғри тушуниб, ўзининг жиноий фаолиятини давом эттираётган бундай шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг 73, 74-моддаларига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони энгилроғи билан алмаштиришни кўзда тутувчи моддаларнинг қўлланилиши қанчалик тўғри, деган савол туғилади.

Шу сабабли, ЖКни 73-моддасининг 4-қисми “г” бандида жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳамда ЖКни 74-моддасининг 5-қисмида жазони энгилроғи билан алмаштириш қўлланилмайдиган шахслар тоифаси белгиланган. Лекин, бунда илгари гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотган шахслар назарда тутилмаган. Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласида ифодаланган жиноий ҳаракатлар давлат ва жамият манфаатларига жиддий зарар етказишини ҳамда соғлом авлод тарбияланшига тўсқинлик қилишини, содир этилган ушбу тоифадаги жиноятлар хавфлилик даражаси юқорилиги билан алоҳида ажралиб туришини инobatга олиб, келгусида ушбу тоифадаги шахсларга инсонпарварлик актини, яъни ЖКнинг 73-74-моддаларини қўлламаслик ҳақида тегишли ўзгаришлар киритиш лозим.

Шунингдек, ЖКнинг 58-моддаси 2-қисмида жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги кераклиги ва ушбу норма қайси турдаги шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги белгилаб қўйилган.

Эндиликда, ушбу шахслар тоифасига илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахсларни ҳам киритиш таклиф қилинади.

Худди шунингдек, ҳозирги кунда ёшларимизда ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги, амалдаги қонун ҳужжатларида ижтимоий тармоқлар, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналогларини тарғиб қилганлик учун алоҳида жиноий жавобгарлик назарда тутилган қонуннинг кўриб чиқилишини тақозо этади.

Бундан ташқари, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда айланмасини иқтисодий мезонлар асосида таҳлил қиладиган бўлсак, бозорда доимо миқдорларнинг талабларидан келиб чиқиб, таклифлар шаклланади. Миқдорнинг талаби мавжуд бўлмаган бозорда ўз-ўзидан таклифлар ҳам камайиб, йўқолиб боради.

Шу мезонлардан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар истеъмолчилари билан курашиш орқали гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноятларнинг бир мунча камайишига эришиш мумкин.

Хусусан, бу борада гиёҳвандлик дардига чалинган ва наркологик диспансерларда ҳисобда турувчи шахслар билан олиб бориладиган тиббий ва профилактик мезонларни тубдан янгича ҳамда таъсирчан услубда шакллантириш давр тақозоси ҳисобланади.

Суд амалиётида айнан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатларини (ЖКнинг 276-моддаси) содир қилиш жиноятлари, яъни гиёҳвандлик дардига чалинган беморлар томонидан гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, ўзларининг истеъмоли учун сақлаб келганлик ҳолатлари жуда кўп учрамоқда.

Уларга нисбатан ўтказилган суд маҳкамаларининг натижасига кўра судлар уларга жазо тайинлаш билан бир қаторда наркология диспансерларининг хулосалари ва судда аниқланган ҳолатларни инobatга олиб гиёҳвандликдан даволанишга муҳтож эканликларини ҳисобга олган ҳолда, судланувчиларга нисбатан ЖКнинг 96-моддаси тартибда гиёҳвандликдан мажбурий тарзда даволаш чоралари қўллаш бўйича тўхтама келмоқдалар.

Лекин, бугунги кунда суд ҳукмларининг ушбу қисми қанчалик самарали ижро этилмоқда ва кўзланган мақсадга эришиш борасидаги ҳаракатлар ўз натижасини бермоқдами? – деган савол келиб чиқади.

Афсуски йўқ! Сабаби суд амалиёти таҳлиллари шуни кўрсатади-ки, илгари шу турдаги (ЖКнинг 276-моддаси) жиноятни содир қилган шахслар томонидан яна шу турдаги жиноятлар содир қилиб келинаётганлиги ачинарли ҳолатдир.

Жиноят-ижроия кодексининг 15-моддасида бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар белгиланган бўлиб, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, хусусан, алкоғолизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан маҳкумларга нисбатан — соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда эса, жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ҳамда маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада амалга оширилиши белгиланган.

Маъмур кодексининг 182-моддасида алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан маҳкумларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари:

жамиятдан батамом ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларга — соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан умумий асосларда;

озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсларга — жазони ўташ жойида, озод этилганларидан сўнг даволашни давом эттириш зарурати бўлганда эса — соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан умумий асосларда қўлланилиши белгиланган.

Бундан кўринадики, қонун нуқтаи назаридан гиёҳвандликдан мажбурий тарзда даволаш чоралари фақат соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан амалга оширилади ва назорат қилинади. Бу эса ўз навбатида гиёҳвандликдан даволанишга муҳтожлик даражасига етиб келган маҳкумлар томонидан суднинг ушбу жиноят-ҳуқуқий таъсир чорасининг самарадорлигини савол остига келтириб қўяди.

Эндиликда бу турдаги жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида тегишли ҳокимият, ички ишлар органлари, маҳалла, диний муассасалар ва ёшлар ташкилотларининг уюшган комиссиялари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Бахтиёр РУЗМЕТОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



ОДАМ САВДОСИ ВА МАЖБУРИЙ МЕХНАТГА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

XXI асрнинг дастлабки йилларида илм-фан, техника ва янги ахборот технологиялари ривожининг жадаллашуви инсоният тарихида ўзига хос янги давр – глобаллашув асрини бошлаб берди.

Бу жараёнда дунё мамлакатлари халқаро муносабатларда ялпи ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий, маданий ва ахборот, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда ҳамкорлик қилиш, умуминсоний қадриятлар билан миллий ўзига хос анъана ва қадриятларни уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бунинг натижаси ўлароқ, халқаро меҳнат тақсимоли жараёнлари фаоллашмоқда, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, туризм ва шу каби турли мақсадларда бошқа давлатларга чиқиши, эркин фаолият олиб бориши учун имкониятлар янада кенгаймоқда.

Бундай умумжаҳон миқёсидаги ижобий ўзгаришлар терроризм, кул-рол-яроғ, одам савдоси, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик каби салбий унсурларнинг кенг ривожланишига туртки бўлди.

Ўтган асрнинг охирида одам савдоси дунё миқёсида кескин ривожланди. Таҳлилчиларнинг фикрича, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши, транспорт тараққиёти, маҳаллий ва давлатлараро миграция жараёни одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларнинг фаолияти авж олишига сабаб бўлди, трансмиллий жиноят сифатида одам савдоси дунё миқёсида долзарб муаммолардан бирига айланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёнинг 118 та мамлакатида 20 миллиондан кўпроқ киши одам савдоси қурбонига айланмоқда. Одам савдосидан жабр кўрганларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қилади. Ҳозир дунё бўйича тахминан 27 миллион киши одам савдоси туфайли қуллик ҳолатига тушиб қолган. Бу борада Непал, Судан, БАА, Ҳиндистон, Габон, Гаити каби давлатларда энг оғир ҳолатлар кузатилмоқда.

Жиной бизнес деб аталмиш одам савдоси кенг тус олгани боис мазкур иллат орқали топилаётган даромадлар ноқонуний кул-рол-яроғ ва олмос савдоси келтирадиган даромадларга тенглашди.

Жинсий эксплуатация, мажбурий меҳнат, кўчаларда тиланчилик қилиш ва инсон органларини трансплантация қилиш мақсадида тирик одамларни сотиш замонавий қулликнинг кўринишидир.

Одам савдоси туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, дунёнинг қатор мамлакатларида бу жиноятларга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгаймоқда.

Республикамизда одам савдоси ва мажбурий меҳнатни тугатишга оид халқаро стандартларни имплементация қилиш, бу иллатларга қарши кураш самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш ҳамда халқаро майдонда давлатимиз имиджини ошириш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси одам савдосига қарши кураш борасида 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга қўшилган бўлиб, хорижий давлатлар билан 29 та шартнома ва келишувларни имзолаган.

Жумладан, БМТнинг "Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги, "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенциялари ҳамда ХМТнинг мажбурий меҳнатни тугатиш ва болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқлашга оид 5 та халқаро ҳужжати ратификация қилинди.

Ўзбекистон Республикаси собиқ Иттифоқ давлатлари орасида биринчилар қаторида Жиноят кодексига одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш учун жавобгарлик назарда тутилган 135-моддани киритди.

Айниқса, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига

қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши, унга асосан одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси ташкил этилиши мамлакатимизда ушбу трансмиллий жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш самарадорлигини янада оширди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари ва бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини ҳудудларни ободонлаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги турли ишларга мажбурий жалб қилиш шаклида меҳнат қонунчилиги нормаларини бузиш билан боғлиқ ҳолатларга барҳам берилди.

2020 йил 17 августда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрирда қабул қилинди. Қонунни ишлаб чиқишда халқаро стандартлар билан биргаликда, хорижий мамлакатларнинг одам савдосига оид қонунчилик тажрибаси ҳам эътиборга олинган. Бундан ташқари, 2023 йилнинг 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат тамойилларини кенг жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-210-сонли фармонининг қабул қилиниши ҳам соҳани ислоҳ қилишда муҳим қадамлардан бўлди.

Фармонга кўра, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг раиси раҳбарлик қиладиган Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия этиб қайта ташкил қилинди.

Мажбурий меҳнатга барҳам бериш ва одам савдосига қарши курашиш механизмлари тизимли равишда такомиллаштириб бораётган бўлсада бу соҳадаги қонунбузилишлар афсуски, давом этиб келмоқда.

Охириги икки йил давомида Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш борасида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 311 нафар шахслар суд ҳукмларига асосан жиноий жавобгарликка тортилганлар.

Шу билан бирга, бугунги кунда одам савдоси жабрланувчиларига компенсация тўлаш масаласи ва уларни реабилитация қилиш механизмларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Айрим ривожланган давлатлар қонунчилигида одам савдоси ва мажбурий меҳнат натижасида жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш билан бир вақтда уларга пуллик компенсациялар тўлаш амалиёти мавжуд.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонунига одам савдосидан жабр кўрган шахслар учун компенсация тўлаш бўйича нормаларни киритиш, Республика реабилитация маркази ҳузурда махсус жамғарма ташкил қилиш ва марказ филиалларини вилоятлар, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ташкил қилиш таклиф қилинади.

Жамшид САЛОХИДДИНОВ,
Судьялар олий мактаби тингловчиси.

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИНГ СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

ИПКнинг 30-моддасида иқтисодий судлар томонидан ҳал этиладиган корпоратив низола-ринг қуйидаги турлари санаб кўрсатилган:

1) *юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низола-р;*

2) *хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталдаги) акциялар-нинг, улушларнинг, кооперативлар аъзолари пайла-рининг мансублиги, уларга юкламалар белгилаш ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низола-р, бундан хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капитал-даги) акцияларни, улушларни, кооперативлар аъзола-рининг пайларини ўз ичига олувчи мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низола-р мустасно;*

3) *юридик шахс иштирокчиларининг (муассисла-рининг, аъзоларининг) юридик шахс томонидан ту-зилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари-ни қўллаш ҳақидаги даъволари бўйича низола-р;*

4) *қимматли қовозлар эмиссияси билан, шу жум-ладан эмитентнинг бошқарув органлари қарорлари юзасидан низолашиш билан, эмиссиявий қимматли қовозларни жойлаштириш жараёнида тузилган би-тимлар, эмиссиявий қимматли қовозлар чиқариш (қўшимча равишда чиқариш) натижалари бўйича ҳи-соботлар (хабарномалар) юзасидан низолашиш би-лан боғлиқ низола-р;*

5) *қимматли қовозларни номинал сақловчилар-нинг акциялар ва бошқа қимматли қовозларга бўл-ган ҳуқуқларини ҳисобга олиш, қонунда назарда ту-тилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни қимматли қовозларни жойлаштириш ва (ёки) уларнинг муо-маласи муносабати билан қимматли қовозларнинг номинал сақловчилари томонидан амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдан келиб чиқадиган низола-р;*

6) *юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғи-лишини чақириш тўғрисидаги низола-р;*

7) *юридик шахс бошқарув органларининг қарорла-ри устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низола-р.*

Шунингдек, мазкур нормада қонунга мувофиқ кор-поратив низола-р бўйича ишлар жумласига бошқа ни-золар ҳам киритилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Йиллар кесимидаги статистик малумотлар таҳли-ли корпоратив низола-рнинг ўзгарувчанлигидан дало-лат беради. Яъни, муайян муддатда ушбу тоифадаги ишларнинг айрим турлари кўпайса, айрим турлари камайган ёки аксинча.

Корпорацияни ташкил этиш билан боғлиқ кор-поратив низола-рга оид ишларни кўришда қуйидаги масалага эътибор бериш лозим. Амалиётда таъсис шартномаси қоидалари билан жамият устави қоида-ларининг бир-бирига мос келмаслиги ҳоллари ҳам

учраб туради. Бундай ҳолатда жамият устави қои-далари учинчи шахслар ва жамият иштирокчилари учун устувор кучга эга ҳисобланади. “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 13-моддасида таъсис шартномаси ва устав жамият-нинг таъсис ҳужжатлари сифатида кўрсатилиб, агар жамият бир шахс томонидан таъсис этилса, жамият иштирокчиларининг сони икки ва ундан ортиқ кишига кўпайса улар ўртасида таъсис шартномаси тузилиши кераклиги қайд этилган.

Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қа-рорига биноан киритилади. Жамиятнинг таъсис ҳуж-жатларига киритилган ўзгартишлар қонун ҳужжатла-рида назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Жамиятнинг таъсис ҳужжатла-рига киритилган ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, учинчи шахслар учун кучга киради. Корпорацияни ташкил этишга оид ни-золарни ҳал этишда баъзи ҳолларда судьялар то-монидан шу корпорациянинг таъсис шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар келтириб чиқарув-чи оддий битим, деб ҳисоблаш мумкин ёки мумкин эмаслиги юзасидан фикрлари бир хил эмас. Таъкид-лаш жоизки, таъсис шартномаси ўз табиатига кўра, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар келтириб чиқарув-чи оддий ёзма битим, яъни икки томонлама ёки кўп томонлама битим ҳисобланади. Унда жамиятнинг муассислари юқорида таъкидланганидек, жамиятни тузиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини ва уни тузиш юзасидан биргаликдаги фаолият тартиби-ни белгилайдилар.

Таъсис шартномаси давлат рўйхатидан ўтка-зилиши шарт. Таъсис шартномасининг ўзига хос хусусияти шундаки, ФКни 43-моддасининг олтинчи қисмига кўра, таъсис ҳужжатларидаги ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қо-нунда белгиланган ҳолларда эса – давлат рўйхати-дан ўтказишни амалга оширувчи орган ана шундай ўзгартишлар ҳақида хабардор қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга эга бўлади. Юри-дик шахслар ва уларнинг муассислари мазкур ўзгар-тишларни ҳисобга олиб иш юритган учинчи шахслар билан муносабатларда ана шундай ўзгартишлар рўйхатга олинмаганлигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмаслар.

Таъсис шартномасининг қонун ҳужжатларига му-вофиқлиги билан боғлиқ корпоратив низола-р кўришда судлар, аввало, унинг ФКда ва бошқа қонун ҳужжат-ларида белгиланган тегишли ҳуқуқий нормаларга мос ҳолда тузилганлигини текширишлари лозим.

Мунира ДЖУМАЕВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ЧЕТ ДАВЛАТ СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАН ОЛИНИШИ: ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР МИСОЛИДА

АННОТАЦИЯ:

Чет эл суд қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳар бир давлат сиёсатида, тадбиркорлар ва хорижлик инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди, шунингдек мустақкам қонунчилик базасини шакллантиришда катта аҳамият касб этади. Мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан чет эл судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишда миллий қонунчилик ҳужжатларининг аҳамияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *бизнес юритиш муҳити, инвестициявий жозибаторлик, миллий қонунчилик ҳужжатлари, Конституция, қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, чет давлат ваколатли судлари, иқтисодий судлар, чет давлат суди ҳал қилув қарори.*

Чет давлатлар судларининг иқтисодий ишлар бўйича қарорларини ўзаро тан олиш ва ижрога қаратиш халқаро ҳамкорларнинг Ўзбекистонда бизнес юритиш муҳитининг эркинлиги ва кафолатланганлигига ишонч даражасини ошириб, инвестициявий жозибаторликни мустақкамлаш, давлатлараро муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Мавзуга доир миллий қонунчилигимиз меъёрларида ушбу мавзу алоҳида тартибга солинмасдан бошқа меъёрлар таркибига сингиб кетган. Хусусан, чет давлат ваколатли судлари ва чет элда рўйхатдан ўтган арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш бир тоифа нормалар билан тартибга солинган. Ваҳоланки, уларнинг ўзига хос фарқли жиҳатлари кўп.

Бундан ташқари, миллий қонунчилик меъёрлари халқаро ташкилотлар ҳузурида тузилган ёки давлатлараро имзоланган халқаро шартномалар асосида тузилган инвестициявий низоларни ёки бошқа иқтисодий низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро арбитражлар (комиссиялар, марказлар, судлар – қандай номланишидан қатъи назар)нинг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тартибини кўзда тутмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар”, деб белгилаб қўйилган. Бу умумий қоида бўлиб, халқаро ҳуқуқ меъёрлари дейилганда умумэтироф этилган ва Ўзбекистон қўшилган универсал, минтақавий халқаро ҳужжатлар ёки икки томонлама имзоланган ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномалар бўлиши мумкин.

Ҳозирда Ўзбекистон миллий ҳуқуқида Фуқаролик, Иқтисодий процессуал ва Фуқаролик процессуал кодекслари чет давлатлар судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишни тартибга солади. Шундай бўлсада, халқаро хусусий ҳуқуқнинг мазкур соҳадаги муносабатларини тартибга солувчи алоҳида махсус қонуннинг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг кодификацияси соҳалараро кодификацияга нисбатан афзал бўлиб, бўшлиқларнинг камлиги, ҳамда турли норматив ҳужжатларга мурожаат қилиш ҳамда қўллаш заруриятининг бўлмаслиги, қонун ва ҳуқуқ аналогиясини қўллаш асосларининг камлиги билан афзал туради. Бундай қонун Болгария, Молдова, Венгрия, Польша, Руминия, Украина, Чехия, Австрия, Италия ва Франция каби давлатлар қонунчилигида қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 248-258-моддаларида чет давлатлар судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишнинг процессуал тартиби белгиланган бўлсада, ижрога қаратиш талаб этилмайдиган ишлар бўйича чет давлатлар судлари қарорларини тан олишнинг процессуал тартиби мустақил ҳолда тўғридан-тўғри тартибга солинмаган. Бу эса мазкур қарорларни мажбурий ижро этишсиз тан олишнинг процессуал тартиби борасида ноаниқлик туғдиради. Шунга асосан ИПҚда чет давлатлар судлари қарорларини тан олишни алоҳида процессуал тартибининг белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

ИПҚнинг 73-моддасига мувофиқ, ишнинг иқтисодий суд томонидан ҳаммага маълум деб топилган ҳолатлари исботлашга муҳтож эмас. Иқтисодий суднинг илгари қўрилган иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар суд худди шу шахслар иштирок этаётган бошқа ишни кўраётганида янгидан исбот қилинмайди. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан тан олинган ва ижрога қаратилган чет давлатлар судлари ҳал қилув қарорлари миллий суд ҳужжатлари каби юридик кучга эга экан, мазкур моддани “**Тан олинган ёки ижрога қаратилган чет давлатлар судлари ҳал қилув қарорлари билан аниқланган ҳолатлар суд худди шу шахслар иштирок этаётган бошқа ишни кўраётганида янгидан исбот қилинмайди**”, деган жумла билан тўлдирish мақсадга мувофиқ.

Чет давлат суд қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза қарздорнинг жойлашган ери ёки яшаш жойи бўйича, қарздорнинг жойлашган ери ёки яшаш жойи номаълум бўлса, қарздорнинг давлат рўйхатидан ўтказилган жой бўйича берилади. Аммо ИПҚда қарздорнинг мулки жойлашган жой бўйича аризанинг тақдим этилиши назарда тутилмаган. Мазкур қоида Россия, Белорусь, Тожикистон каби қатор давлатлар иқтисодий (хўжалик) процессуал қонунчилигида мустақкамланган. Шундай бўлсада, давлат судлари юқорида келтирилган суд қарорларини тан олиши ва ижрога қаратишга мувофиқлигини эълон қилиши шартдир, муайян шартларнинг мавжудлиги асосида уларга тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш имконияти тақдим этилиши лозим.

ИПҚнинг 249-251-моддаларида белгиланган талаблар бузилган ҳолда тақдим этилган ариза унга илова қилинган ҳужжатлар билан биргаликда суд ажрими билан бирга аризачига қайтарилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳужжатларни қайтариш асослари, халқаро шартномаларда, шунингдек, Белорусь, Тожикистон, Укра-

ина ва Россия Федерацияси каби давлатлар қонунчилигида назарда тутилмаган. Бу жиҳатдан Ўзбекистон иқтисодий процессуал қонунчилигининг ўзига хослигини кўришимиз мумкин.

Агар судга тақдим этилган чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризани қайтариш учун асос мавжуд бўлмаса, бундай аризани кўриб чиқиш билан боғлиқ ишлар, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ИПК қоидалари бўйича кўриб чиқилади.

ИПКни 255-моддаси биринчи қисмининг 2-бандидаги “ўзига қарши ҳал қилув қарори қабул қилинган тараф ишни кўриш ва жойи ҳақида ўз вақтида ва тегишли тарзда хабардор қилинмаган ёки бошқа сабабларга кўра ўз тушунтиришларини судга тақдим эта олмаган бўлса” жумласи бироз ноаниқ бўлиб, ушбу жумлани “ўзига қарши ҳал қилув қарори қабул қилинган тараф ишни кўриш ва жойи ҳақида иш кўрилаётган давлат процессуал қонунчилигига асосан ўз вақтида ва тегишли тарзда хабардор қилинмаган бўлса” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ. Чунки “бошқа сабабларга кўра ўз тушунтиришларини судга тақдим эта олмаган бўлса” жумласи кенг тушунча бўлиб, бу тегишли тарзда хабардор қилингану, лекин бошқа ҳар қандай сабаб билан суд мажлисида иштирок эта олмаганликни ҳам билдиради.

ИПКнинг 255-моддасида ёритилган чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш асослари Киев битими, Минск ва Кишинёв Конвенцияларида белгиланган шартларга мувофиқ бўлиб, МДХ иштирокчи давлатларининг миллий қонунчилигига киритилган ҳамда деярли, бир-биридан фарқ қилмайди.

Ушбу асослар қатор давлатлар, хусусан, Россия арбитраж процессуал кодекси, Беларусь хўжалик процессуал кодекси, Тожикистон иқтисодий процессуал кодексида ҳам мустаҳкамланган бўлсада, тараф томонидан низо ваколатсиз чет давлат суди томонидан ҳал этилганлигини тасдиқловчи далил тақдим қилинганлиги ҳамда ҳал қилув қарори чет давлатнинг ваколатли органи томонидан бекор қилинганлик шартлари белгиланмаган.

Суд статистикасига мурожаат қиладиган бўлсак, иқтисодий судларда чет давлатлар судлари ва арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида 2021 йилда кўрилган ишлар сони 56 тани ташкил этиб, шулардан 45 таси қаноатлантирилган, 10 тасини қаноатлантириш рад этилган, 1 таси кўрмасдан қолдирилган; 2022 йилда кўрилган ишлар сони 44 тани ташкил этиб, шулардан 39 таси қаноатлантирилган, 1 тасини қаноатлантириш рад этилган, 3 таси кўрмасдан қолдирилган; 1 таси бўйича иш юритиш тугатилган; 2023 йилда кўрилган ишлар сони 82 тани ташкил этиб, шулардан 60 таси қаноатлантирилган, 9 тасини қаноатлантириш рад этилган, 4 таси кўрмасдан қолдирилган; 9 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

Чет давлат суди ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш аксар ҳолатларда жавобгарни тегишли тарзда хабардор қилмаганлик асоси (ИПКнинг 255-моддаси биринчи қисмининг 2-банди) билан рад этилган.

Чет давлат суди ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш бўйича кўзғатилган ишлар юзасидан барча ҳолатларда жавобгарнинг тугатилганлиги асоси (ИПКнинг 110-моддасининг 4-банди) билан иш юритиш тугатилган.

Чет давлат суди ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризалар аксар ҳолатларда аризачининг биринчи суд мажлисига келмаганлиги (ИПК 107-моддасининг 6-бан-

ди), қолган ҳолатларда иқтисодий суднинг иш юритувида айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлганлиги (ИПКни 107-моддасининг 1-банди) ва ариза имзоланмаганлиги ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланганлиги (ИПКни 107-моддасининг 3-банди) асоси билан кўрмасдан қолдирилган. Шунини таъкидлаш лозимки, чет давлат суди ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризани ИПКни 107-моддасининг 6-банди билан кўрмасдан қолдириш процессуал хатолик бўлиб, ИПК 254-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий суди ажрими билан ушбу Кодекснинг 127-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилинади. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриш учун тўсқинлик қилмайди.


Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, чет эл суди ва арбитражи ҳал қилув қарорларини тан олиш ҳамда ижрога қаратишнинг бугунги кун талабларига жавоб берадиган ҳуқуқий асослари яратилиши демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида қонун устуворлигини таъминлашда, мамлакатнинг иқтисодий тараққий этишида, инвестицияларни кенг кўламда жалб этишда, халқаро хусусий-ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланишида мустаҳкам таянч ва ишончли кафолат бўлиши шубҳасиздир.

Низомжон ТУРСУНКУЛОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Ибн Атоуллоҳ Сакандарий раҳимахуллоҳ айтди:

*“Билгин, бирга ўтириб суҳбат
қуриш орқали ўзаро таъсирла-
ниш юзага келади. Агар хурсанд
киши билан ўтирсанг, шод
бўласан. Агар гофил банда би-
лан ҳамроҳ бўлсанг, ўзинг ҳам
гофилга айланасан. Агар зикр
қилувчилар билан ўтирсанг,
сен ҳам зикр қилишни бош-
лайсан. Агар уйқусираган
одам билан дўстлашсанг,
сен ҳам танбал бўласан.
Агар дини ўлган киши
билан ўртоқлашсанг,
қалбингдаги дининг ўлиб
қолади. Шундай экан,
суҳбатдошингга жиддий
эътибор қилгин!”*



ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАРНИНГ ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ НАЗАРИЯСИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Жиноят қонунчилигида муайян қилмишлар жиноят деб топиллиши билан бирга, айрим зарарли оқибатларни келтириб чиқарувчи қилмишлар жиноят деб топилмаслиги мумкин.

У ёки бу даражада муайян зарар етказиш билан боғлиқ мазкур қилмишлар шахс, жамият ва давлат манфаатлари учун қилинган ҳаракатларнинг ижтимоий фойдали оқибатлари билан қопланади. Бундан ташқари, буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фуқарога туғилганидан тегишли ва ажралмас ҳуқуқи сифатида ҳимояловчи унинг асосий қоидаларида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 35-моддасига кўра, қилмишда ушбу Кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи қонуний ҳаракатларни ягона тизимга бирлаштиришнинг тизимлаштирувчи омили ижтимоий-ҳуқуқий натижадир. Ушбу натижа ижтимоий хавфлилик ва ҳуқуққа хилофлик, шу билан бирга қилмишнинг жазоланиши ва демак, зарар етказганлик учун шахснинг жиноий жавобгарлигини истисно қилади. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлардан ҳар бири ўзида ташқи белгиларига кўра муайян доирадаги жиноятларга ўхшаш қонуний ҳаракатни намоён қилади.

Шундай қилиб, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар қилмиш ижтимоий хавфли бўлмаса ёки унда ҳуқуққа хилофлик ва айбнинг йўқлиги туфайли ташқи кўринишидан жиноят қонунда назарда тутилган ҳаракатларга ўхшаса ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларга зарар етказишда ифодаланган бўлса-да, лекин шахс томонидан ўз субъектив ҳуқуқини амалга ошириш, ҳуқуқий мажбуриятини ёки қонунийлик шартларига риоя қилган ҳолда хизмат бурчини бажариш пайтида содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) деб баҳоланади.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларнинг муҳим функционал аҳамияти шундан иборатки, ушбу жиноят-ҳуқуқий институт жиноят қонуни билан кўриқланадиган муносабатларга қонуний зарар етказишни мажбурий ва сўзсиз қонуний деб эътироф этиш хусусиятига эга бўлиб, жиноий жавобгарликни истисно қилади.

Ана шу айтилганларга кўра, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар жиноят таркибининг бирор томони (элементи) ёки белгисининг бўлмаслиги туфайли истисно қиладиган ҳолат ҳисобланади. Шунга кўра, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг юридик табиатини аниқлаш, ушбу институтнинг жиноят ҳуқуқи тизимидаги аҳамияти ва ўрнини белгилаш имконини беради.

Жиноят ҳуқуқида қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар тўғрисидаги нормалардан ташқари, жиноий жавобгарликдан озод қилувчи нормалар ҳам мавжуд. Бундай турдаги нормаларга ақли норасолик, шахснинг жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмагани ва бошқалар кирди.

Жиноий жавобгарликнинг асоси жиноий қилмиш содир этишдир. Шу билан бирга, қатор ҳолатларда шахснинг хатти-ҳаракатлари ташқи томондан жиноятга ўхшаши мумкин, лекин моҳиятига кўра, бундай бўлмайди. Масалан, ақли норасо ёки вояга етмаган шахснинг ижтимоий хавфли ҳужуми хавфи кам аҳамиятли бўлса жиноят ҳисобланмайди.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий табиатини тўғри тушуниш учун, юқорида таъкидлаганидек, уларни жиноий жавобгарликни истисно қилувчи бошқа асослардан, шу жумладан, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш (ЖК 26-м) ва жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилишдан (ЖК 64-м) фарқлаш керак.

Илгари содир қилинган ҳаракатларнинг юридик табиати вақт ўтиши сабабли ўзгариши мумкин эмас. Уларда жиноятнинг барча белгилари сақланиб қолади, бу жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш ҳар доим айбланувчининг айбини аниқлашни назарда тутишидан гувоҳлик беради. Албатта, уни содир этганидан сўнг муддатнинг ўтиши туфайли жиноий-ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлмайдиган жиноят, ўзининг сифати – ижтимоий хавфлилигини ва ҳуқуққа хилофлигини йўқотмайди, чунки содир этилган фактни йўқ қилиб бўлмайди. Бундай қилмишлар ижтимоий хавфли бўлиб қолади, унда фақат жиноят таркибининг бир томони мавжуд эмаслиги билан боғлиқ ҳолда жиноий жавобгарликни истисно қилади.

Юридик адабиётларда келтирилган кам аҳамиятлилиги сабабли ижтимоий хавф туғдирмайдиган ҳаракатларни ҳам қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ва қонунга хилофлигини истисно қилувчи ҳолатлар тизимида кўриб чиқиш мумкин эмаслиги ҳақида фикрларга қўшилиш мумкин, чунки кам аҳамиятлиликнинг ўзи умуман ижтимоий хавфлиликни, бунинг устига ҳуқуққа хилофлиликни истисно қилмайди. Ўзининг юридик мазмунига кўра кам аҳамиятли қилмишлар ғайри-ижтимоий хусусиятини йўқотмайди, балки ўз шаклига кўра жиноятга ўхшаб кетади, чунки субъект қонун билан тақиқланган қилмишни айбли содир этади. Шахс шу билан бирга қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилмайди, лекин маъмурий ёки интизомий тартибда жазоланиши мумкин.

Шубҳасиз, “жиноий жавобгарликни истисно қилиш” ва “жиноий жавобгарликдан озод қилиш” тушунчаларидаги фарқ нафақат ҳуқуқий, балки маънавий аҳамият билан ҳам муҳим. Жиноий жавобгарликни истисно қилиш ва ундан озод қилиш давлатнинг махсус ваколатли органлари ушбу шахсга жиноят қонунда назарда тутилган шахсий, мулкӣ ва бошқа, хусусан, суднинг айблов ҳукми билан, жиноий жазо тайинлаш ва ўташ, шунингдек судланганликнинг келиб чиқиши билан боғлиқ чекловларни қўлламасликда бирлаштирилади. Бироқ, муҳим фарқ шундаки, жиноий жавобгарликни истисно қиладиган ҳолатларда бундай жавобгарликка асоснинг ўзи, яъни жиноий қилмиш мавжуд

бўлмайди. Аксинча, буни жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақида айтиш мумкин, яъни шахс жиноий қилмиш содир этиб бўлган, лекин агар жиноят қонунида содир этилган қилмишни ёки жиноятчининг шахсни тавсифловчи асослар мавжуд бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки суд томонидан жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Фикримизча, қайд қилинган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлардан асосий фарқи қуйидагилардан иборат: қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларда зарар етказилганда, жиноят белгилари бўлмайди, тилга олинган жиноят-ҳуқуқий институтларда жиноятнинг барча белгилари мавжуд бўлади, лекин жиноят субъекти бўлмайди, шунинг учун улар бошқа ҳуқуқий табиатга эга ва қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар билан боғлианиши мумкин эмас.

Олимлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳамда жиноий жавобгарликдан озод қилувчи ҳолатлар тизимини турлича кўрсатишади. Масалан, В.Е.Пономарь жиноий жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатларни икки гуруҳга ажратади:

1) жиноятнинг алоҳида белгилари ёки таркиби йўқлигини кўрсатувчи (қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги йўқлиги, айбсиз зарар етказиш, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш);

2) қилмишнинг жиноийлигини йўқотувчи (зарурий мудофаа, жиноят содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш, охириги зарурат, жисмоний ёки руҳий мажбурлаш, асосли таваккалчилик, буйруқ ёки кўрсатмани бажариш).

И.И. Слущкий ушбу ҳолатларни уч гуруҳга бўлади:

1) одамлар ҳулқ-атворининг ижтимоий фойдалилиги ва қонунийлиги яққол ифодаланган ҳолатлар; 2) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ва жазога сазоворлигини истисно қилса ҳам, айрим ҳолларда фойдали ва қонуний бўлмаган ҳолатлар; 3) жисмоний мажбурлаш ва енгиб бўлмас куч.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларни тартибга солувчи нормаларни жиноят ҳуқуқининг рағбатлантирувчи нормалари деб ҳисоблаш мумкинми, деган савол мунозарали. Бу ҳақда жиноят-ҳуқуқий адабиётларда бир неча фикрлар билдирилган. Қатор мутахассислар зарурий мудофаа, охириги зарурат ва қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи бошқа ҳолатлар ҳақидаги меъёрлар рағбатлантирувчи ҳисобланмайди, чунки улар инсон ҳуқуқларининг умумий ҳажмига ҳеч нарса қўшмайди, уларга ҳеч қандай янги имтиёзлар бермайди, деб ҳисоблайдилар.

Қатор муаллифларнинг фикрича, зарурий мудофаа, охириги зарурат ва жиноятчини ушлаш ҳақидаги меъёрлар ва шунингдек, кўриб чиқилаётган қонуний ҳаракатларни тартибга солувчи қонунчиликнинг бошқа соҳадаги жиноят-ҳуқуқий нормалари рағбатлантирувчи ҳисобланмайди.

Фикримизча, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар ҳақидаги нормаларни рағбатлантирувчи сифатида кўриб бўлмайди, деб ҳисоблайдиган олимларнинг фикрига қўшилиш керак. Агар қонуний хатти-ҳаракатлар субъект ушбу ҳаракатлар содир этгунга қадар бўлган ҳолатга нисбатан ижобий жиноят-ҳуқуқий оқибатларга олиб келмаса, ҳуқуқий рағбатлантириш ҳақида гапиришга асос бўлмайди. Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, нормаларда ҳеч қандай аниқ ҳуқуқий рағбатлантириш,

яъни қонунда мустаҳкамланган тўғри хатти-ҳаракатларнинг давлат томонидан маъқулланиши назарда тутилмаган. Рағбатлантирувчи нормаларнинг таъсир қилиш усуллари шахсни давлат учун ижобий натижага эришишга мажбурлаш эмас, балки ундашга асосланади.

Жиноят ҳуқуқида рағбатлантирувчи нормалар ижтимоий мақсадининг ўзига хослиги улар фаолиятнинг аниқ стимулловчи ролини ўйнашга қаратилганлигидир. Муҳими, фуқаро ҳаракатларининг ижтимоий фойдали йўналтирилганлиги нафақат экстремал (фавқулодда) вазиятларда, балки одатдаги ҳаётида, ўзининг кундалиқ мажбуриятларини бажаришларида намоён бўлади. Рағбатлантирувчи нормалар субъектга ўзининг нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий меъёрлардан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажаришини ҳам таъминлайди, хизмат ва жамоат бурчини онгли равишда ўташга одатлантиради.

Умуман олганда, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар тизими ҳақида фикрлар назарий хусусиятга эга бўлсада, унинг ижобий томони шундаки, у жиноят қонуни билан қўрикланадиган манфаатларга зарар етказувчи, лекин аслида ижтимоий фойдали ва қонуний бўлган ҳаракатлар доирасини тўғри аниқлаш имконини беради. Бу эса фикримизча, уларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, пировард натижада қонунларни тўғри қўллашда муҳим аҳамият касб этади.

Шариф ХОЛИҚУЛОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 1994 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. 1994 й.
4. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) “Янги аср авлоди” // Тошкент-2010 664 б.
5. Михайлов В.И.О социально-юридическом аспекте содержания обстоятельств, исключающих преступность деяния // Государство и право. 1995. №12. 23-б.
6. Иванов А.Б. Институт причинения вреда при задержании лица, совершившего преступление : дис. ... канд. юрид. наук. М., 1999.
7. Пономарь В.Е. Причинение вреда при задержании лица, совершившего преступление, как обстоятельство, исключающее преступность деяния : дис. ... канд. юрид. наук. М., 1999. 164 с.
8. Слущкий И.И. Обстоятельства, исключающие уголовную ответственность / отв. ред. М.Д.Шаргородский. Л. : Изд-во Ленингр. ун-та, 1956.
9. Звечаровский И. Э. Уголовно-правовые нормы, поощряющие посткриминальное поведение личности. Иркутск : Изд-во Иркут. ун-та, 1991.
10. Голик Ю.В. Позитивные стимулы в уголовном праве (понятие, содержание, перспективы) : дис. ... д-ра юрид. наук в виде науч. докл., выполняющего также функции автореф. М., 1994.
11. Орехов В.В. Необходимая оборона и иные обстоятельства, исключающие преступность деяния. СПб. : Юрид. центр Пресс, 2003.
12. Кудрявцев В.Н. Правовое поведение: норма и патология. М. : Наука, 1982.

ТУЗАТИШ!

2024 йил №4-сон 39-бетдаги “Жиноят қонунчилигида ижтимоий хавфли қилмишни криминализация қилиш истикболлари” номли мақоланинг 10-11-хатбошилари қуйидагича ўқилсин:

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни маҳсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади.

СЕРВИТУТ — ПОЛЬЗОВАНИЕ ЧУЖИМ ЗЕМЕЛЬНЫМ УЧАСТКОМ

Реализованные в последнее время меры позволили повысить роль и ответственность судебных органов. Проводятся определённые работы по обеспечению прозрачности деятельности судов и по вопросам распространения правовой информации.

Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 “О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы”, утверждены семь приоритетных направлений, которые разработаны по результатам широкого общественного обсуждения на основе принципа “От Стратегии действий — к Стратегии развития”.

Из семи приоритетных направлений, вторым является превращение принципов справедливости и верховенства закона в основополагающее и необходимое условие развития страны.

Нужно отметить, что вышеупомянутый Указ призван в первую очередь, сблизить судебные органы и органы правопорядка с населением, улучшить уровень правового обслуживания населения, а также реализовать единую государственную правовую политику, обеспечить эффективную защиту прав и свобод человека.

Принятие Конституции Республики Узбекистан в новой редакции путем всенародного голосования на референдуме, проведенном 30 апреля 2023 года, послужило укреплению конституционных основ строительства Нового Узбекистана.

В статье 65 Конституции Республики Узбекистан установлено, что основу экономики Узбекистана, направленной на повышение благосостояния граждан, составляет собственность в ее различных формах. Государство создает условия для развития рыночных отношений и добросовестной конкуренции, гарантирует свободу экономической деятельности, предпринимательства и труда с учетом приоритетности прав потребителей.

В Республике Узбекистан обеспечиваются равноправие и правовая защита всех форм собственности.

Частная собственность неприкосновенна. Собственник не может быть лишен своего имущества иначе как в случаях и в порядке, предусмотренных законом, и на основании решения суда.

Норма статьи 66 Конституции гласит, что собственник по своему усмотрению владеет, пользуется и распоряжается принадлежащим ему имуществом. Пользование имуществом не должно причинять ущерб окружающей среде, нарушать права и законные интересы других лиц, общества и государства.

Так, признание права частной собственности и развитие рыночных отношений в Республике оказали влияние на возникновение и развитие такого вещного права на земельный участок как право ограниченного пользования чужим земельным участком (сервитут).

Сервитут происходит от латинского слова “servitus, servitutis” что означает “повинность, обязанность, обязательство”.

Возникновение сервитута обусловлено соседством двух земельных участков, дающим право собственнику одного земельного участка требовать от собственника другого земельного участка предоставление себе права ограниченного пользования подчиненным участком в связи с наличием определенных нужд, которые не могут быть удовлетворены без установления сервитута.

Правоотношения касающиеся сервитута регулируются нормами Гражданского кодекса Республики Узбекистан

(далее-ГК), Земельного кодекса Республики Узбекистан (далее-ЗК), Положением об утверждении положения о порядке ведения национального отчета о состоянии земельных ресурсов, утвержденное Постановлением Кабинета Министров от 30.10.2023 года №578 и Положением о дополнительных мерах по совершенствованию сферы геодезии и картографии в Республике Узбекистан, утвержденное Постановлением Кабинета Министров от 28.06.2021 года №395.

Согласно статье 173 ГК, собственник недвижимого имущества (земельного участка, другой недвижимости) вправе требовать от собственника соседнего земельного участка, а в необходимых случаях и от собственника другого земельного участка предоставления права ограниченного пользования чужим земельным участком (сервитута).

Сервитут может устанавливаться для обеспечения прохода и проезда через чужой земельный участок, прокладки и эксплуатации линий электропередачи, связи и трубопроводов, обеспечения водоснабжения, а также других нужд собственника недвижимого имущества, которые не могут быть обеспечены без установления сервитута.

Обременение земельного участка сервитутом не лишает собственника участка прав владения, пользования и распоряжения этим участком.

Сервитут устанавливается по соглашению между лицом, требующим установления сервитута, и собственником чужого земельного участка и подлежит регистрации в порядке, установленном для регистрации прав на недвижимое имущество. В случае недостижения соглашения об установлении или условиях сервитута спор разрешается судом по иску лица, требующего установления сервитута.

На условиях и в порядке, предусмотренных частями первой, второй, третьей и четвертой настоящей статьи, сервитут может быть установлен также в интересах и по требованию лица, которому участок предоставлен на праве пожизненного наследуемого владения или праве постоянного владения и пользования.

Собственник участка, обремененного сервитутом, вправе, если иное не предусмотрено законом, требовать от лица, в интересах которого установлен сервитут, соразмерную плату за пользование участком.

Статья 30 ЗК определяет, право ограниченного пользования чужим земельным участком (сервитут) — право ограниченного пользования одним или несколькими соседними земельными участками.

Сервитут может устанавливаться в целях:

прохода или проезда через чужой земельный участок; проведения дренажных работ на чужом земельном участке;

прокладки и эксплуатации линий электропередачи, связи и трубопроводов, ирригационных, инженерных и других линий и сети на чужом земельном участке;

забора воды и водопоя на чужом земельном участке; прогона скота через чужой земельный участок;

временного пользования чужим земельным участком для производства изыскательских, исследовательских и других работ;

создания на чужом земельном участке защитных лесных насаждений и иных природоохранных объектов.

Сервитут может устанавливаться и в иных целях.

Сервитут устанавливается по соглашению между лицами, требующими установления сервитута, и владельцем, пользователем, арендатором, собственником чужого земельного участка, а при недостижении соглашения — по решению суда.

Соглашение о сервитуте подлежит государственной регистрации и сохраняется при переходе земельного участка к другому лицу. Соглашение о сервитуте может быть прекращено в случаях прекращения основания, по которому он был установлен.

Приведенный перечень целей установления сервитута в ГК и ЗК не является исчерпывающим. Сервитут может устанавливаться и в иных целях, не противоречащих законодательству.

Правом требовать установления сервитута обладает собственник земельного участка или иного недвижимого имущества, а также лицо, обладающее правом пожизненного наследуемого владения земельным участком или правом постоянного владения и пользования земельным участком.

Право собственности на земельный участок осуществляется собственником по своему усмотрению, но с теми ограничениями, которые вытекают из существа сервитута. В отношении земельного участка, на который установлен сервитут, собственник может осуществлять любые действия, не нарушающие права сервитута. Так, собственник имеет право заключать договоры купли-продажи, мены, дарения, аренды земельного участка. Так как сервитут является ограниченным вещным правом, заключение собственником таких договоров не приводит к прекращению или приостановлению сервитута. Договор, содержащий такие условия, является ничтожным.

Существенным условием для установления сервитута во всех случаях является наличие соответствующих нужд собственника недвижимого имущества и невозможность их удовлетворения без предоставления ограниченного права пользования чужим земельным участком. Но надо учитывать, что если часть земельного участка выделена для проезда, то его нельзя использовать для прогона скота или прокладки линий электропередачи.

Основанием установления сервитута является соглашение об установлении сервитута между лицами, требующими установления сервитута, и владельцем, пользователем, арендатором, собственником чужого земельного участка, а при недостижении соглашения - по решению суда.

Договор об установлении сервитута заключается в письменной форме между лицом, требующим установления сервитута и собственником обременяемого участка. В договоре определяется предмет, сроки, условия осуществления права ограниченного пользования имуществом, а также плата за пользования участком.

Иск может быть заявлен лицом, которое требует предоставления ему сервитута. Заинтересованное лицо, требующее установление сервитута, должно доказать, что эксплуатация земельного участка или иной недвижимости невозможна без обременения сервитутом соседнего земельного участка, и

если у сторон имеются разногласия по условиям сервитута, их разрешение осуществляется в судебном порядке.

Спор касательно сервитута между юридическими лицами или с участием индивидуальных предпринимателей рассматривается в экономическом суде, если в спорном правоотношении одной из сторон является гражданин, спор подлежит рассмотрению в суде по гражданским делам.

Сервитут устанавливается безвозмездно. Но в тоже время согласно статье части 6 статьи 173 ГК, собственник участка, обремененного сервитутом, вправе требовать от лица, в интересах которого установлен сервитут, соразмерную плату за пользование участком. Исключение из этого правила может устанавливаться только законом.

Соразмерная плата за пользование обремененным участком, а также порядок ее внесения определяются договором об установлении сервитута, а при наличии спора - судебным решением.

Действующее законодательство не предусматривает обязательного нотариального удостоверения соглашения о сервитуте. Однако стороны могут обратиться к нотариусу добровольно или когда на этом настаивает одна из сторон.

Соглашение о сервитуте подлежит государственной регистрации и сохраняется при переходе земельного участка к другому лицу. Соглашение о сервитуте может быть прекращено в случаях прекращения основания, по которому он был установлен.

Согласно части пятой статьи 30 ЗК, статьи 84, а также части четвертой статьи 173 ГК право ограниченного пользования земельным участком подлежит государственной регистрации как обременение такого земельного участка.

Государственная регистрация сервитута производится по заявлению юридического или физического лица, заинтересованного в установлении сервитута, на основании письменного соглашения, составленного между юридическим или физическим лицом, заинтересованными в установлении сервитута, и юридическими или физическими лицами, на землях которых устанавливается сервитут, или по решению суда.

Государственная регистрация сервитута производится путем внесения соответствующей записи в государственный реестр прав на недвижимое имущество и сделок с ними, с указанием наименования документа об установлении сервитута и его реквизитов.

